

ДАВЛАТ ГЕРБИ МУҚАДДАСДИР

Ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон миллий суверенитети ва танлаган мустақил ривожланиш йўлини акс эттирувчи Давлат рамзларини яратишга киришди ва 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 10 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинди. Мамлакатимиз биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, биз — мустақил Ўзбекистон фуқаролари учун Давлат герби, Давлат байроғи ва Давлат гимни рамзлари муқаддасдир. Улар бизнинг фахримиз ҳисобланади ҳамда уларни эътироф, ҳурмат ва ҳимоя қилиш — ҳар бир фуқаронинг бурчидир.



Ўзбекистон Республикаси Давлат герби — бу мамлакатимизнинг гимн ва байроқ каби асосий рамзларидан бири ҳисобланади.

Агар "Герб" сўзининг маъноси хусусида тўхталсак, у немисча "эрбо" (мерос) сўздан келиб чиққан бўлиб, эмблема, фарқлайдиган белги, эгасининг тарихий анъанасини ифодалайдиган шакл ёки предмет маъносини билдиради. Ўрта Осиёда эса бу сўз олис ўтмишда "тамға" деб ишлатилган.

Мана, мустақиллигимиз рамзи бўлмиш Давлатимиз герби қабул қилинганга 25 йил бўлди. 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинган эди. Унинг муаллифлари мамлакатимиз халқининг кўп йиллик тажриба, анъана ва одатларини инобатга олганлар. Давлат гербининг қабул қилиниши мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига, халқимизнинг бой тарихи ва миллий ўзига хослигини янада чуқуროқ англашига хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ёрқин ва мазмунга бой. Унинг ҳар бир ранги ҳар қандай одамнинг кўзини қувонтиради, мамлақати, халқидан ғурурланишга ундайди. Ўзининг мазмуни бўйича у чуқур маъно ва фалсафий моҳиятга эга.

Шу ўринда унинг кўринишига назар ташлайлик: бугдой бошоқлари ва чаноқлари очилган пахта шохларидан иборат чамбарга ўралган, яшнаб турган кенгликлар узра қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Юқори қисмида давлатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унинг ички қисмида мусулмонларнинг қутлуғ рамзи — ярим ой ва юлдуз тасвири бор. Гербимизнинг марказида бахт ва хуррият рамзи бўлган афсонавий Хумо қуши

қанотларини ёйиб турибди. У порлоқ истиқболимизнинг тимсоли, гўё. Пастки қисмида эса республикамиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасида "Ўзбекистон" деб ёзилган.

Хуллас, дилларимизга ғурур ва фахр бахш этиб турган гербимизда мамлакатимиздаги сиёсий-иқтисодий, миллий-маънавий, географик ва бошқа жиҳатлар умумлаштирилиб, ифода этилганки, ундан яратувчанлик, бунёдкорлик ва улғуворлик каби кўплаб маъноларни уқишимиз мумкин.

Давлат герби бой тарихимиз, унинг бугунги кунини ва келажagini, миллий-маънавий қадриятларимиз, яшаш тарзимиз, ўзбек халқининг орзу-истакларини ҳамда табиий-иқлим шароитлар ва мамлакатимиз миллий бойлигини акс эттиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчилик халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан мос келиши учун доимий равишда такомиллаштириб борилади. Жумладан, 2010 йилнинг 25 декабрида давлат рамзлари тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун кучга кирди. Унда Давлат гербини жойлаштириш ва ундан фойдаланиш қоидалари аниқ белгилаб берилган.

Гербдан республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг фойдаланилади. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ у давлат ҳокимияти органлари бинолари, мажлислар заллари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бланклари, давлат органлари муҳр ва бланклари, давлат органларининг расмий нашрлари, қоғоз ва танга пул, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспорти ҳамда дипломатик

паспортларда ва бошқа объектларда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби давлат муҳофазасида. "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби элементларини нодавлат ташкилотлар реклама материалларида тижорат мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Қадим замонларда ҳам, ҳозир ҳам Герб, яъни тамға халқларнинг қаерда яшаётгани, қандай юмуш билан шугулланаётгани, орзуларини ўзида мужассам этиб келган. Гербимизнинг икки ёнидаги чамбарлардаги бугдой бошоқлари, очилиб турган пахта чаноқлари ғаллакору пахтакорни, бепоён яшил водий, барча деҳқон аҳлини ардоқлаётгандек гўё. Чунки қишлоқ хўжалигининг қайси тармоғини олманг, у юртимиз ободлигини, халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади. Тоғдек ғалла ва пахта хирмонлари, эл-юрт дастурхони турли ноз-неъматлар билан тўкинлиги деҳқону боғбонларимиз меҳнати маҳсули, албатта.

Ҳар жиҳатдан олиб қараганда ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақиллик, озодлик ва ободлик тимсоли бўлган гербимиз юрт тараққиёти, эл фаровонлигининг кенг ва равон йўлларини нурафшон этиб келмоқда.

Давлат рамзларига бўлган ҳурмат, улардан фахрланиш туйғуси фуқароларимиз, шу жумладан, ёшларимиз қалбида тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса уларнинг жонажон Ватанидан ғурурланиши, халқининг ўтмиши, бугунги кунини ва келажagini англаши ҳамда ўз мамлақати учун масъулият ҳис этиши, шунингдек, эртанги кунга ишончи ошишига хизмат қилади.

Нозима ОМОНҚУЛОВА,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси.

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Халқимизда "Ғап сариштада", деган ибора бор. Бу сўзлар замирида чуқур маъно мужассам, албатта. Масалан, шу кунларда ғаллакорларимиз учун йил - ўн икки ой қилган заҳматли меҳнатлари маҳсули - даладарда пишиб етилган буғдойни саранжом-саришта қилиб олиш ниҳоятда долзарбдир. Чунки ушбу кунларнинг ҳар дами ганимат. Бир сўз билан айтганда, "Ғалвир сувдан кўтариладиган пайт" бу дамлар.

Буни тўғри тушунган кўпчилик ғаллакорларимиз ва ғалла ўримиға масъул бошқа раҳбарлар ўрмининг дастлабки кунлариданоқ мавсумға пухта тайёргарлик кўрган ҳолда бор имкониятларини ишга солиб киришдилар.

Чунки агар тўлиқ пишиб етилган майдонлардаги дон вақтида ўриб олинмаса, ўрмининг кечикиши оқибатида ёзнинг жазирама кунларида гектаридан кунига 1 центнердан, ҳаттоки эртапишар навлар экилган майдонларда 2 центнергача ҳосил йўқотилиши муқаррар эканлигини бугун барча раҳбар ва фермерларимиз яхши билишади. Шу боис улар далалардаги элнинг ризқ-рўзи бўлмиш ғаллани эртароқ саришталаб олиш ташвиши билан банд.

Бу борада республика бўйича жорий йил ғалла ҳосилини ўз муддатларида ўриб-йиғиб олиш учун 3187 та юқори унумли ғалла ўриш комбайнлари иштирокида 2097 та отрядлар ташкил этилиб, 3696 нафар масъуллар, 13449 та дон ташийдиган автотранспорт воситалари, 1687 та кўчма устаконалар, 1489 та ёқилги қўйиш шохобчалари жалб этилган.

Ҳудудларда ғалла ўриш комбайнларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг ишлаб чиқарилган йили ва техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бирига алоҳида режалар белгилаб берилган.

Ғалла ўриш мавсумини қисқа фурсатларда яқунлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижасида Хоразм, Наманган, Бухоро Фарғона, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида кунлик давлатга дон сотиш кўрсаткичи беш кунликда 15-20 фоизга ошиб, бир кунда 4-5 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу вилоятларда мавжуд ҳар бир комбайнларнинг кунлик иш унуми 55-60 тоннани ташкил этаётир. Алоҳида ўрناق кўрсатётган отряд раҳбарлари ва комбайнчилар эса, бир комбайн билан бир кунда 130-150 тоннагача дон ўриб олишга эришмоқда.

Бу жараёнда кунлик дон топшириш суръати 7-9 фоизни, ҳатто 11 фоизни ташкил этаётган Кармана, Ўрта Чирчиқ, Хива, Жондор, Ромитан, Каттақўрғон,

Хазорасп, Боғот, Пахтачи, Ангор, Амударё, Мингбулоқ, Поп, Нарпай каби бир қатор илғор туманларни мисол келтириш мумкин.

Шу билан бир қаторда, давлатга дон сотиш шартномавий режаларини 14-15 иш куниди ортиғи билан бажарган Қоровулбозор, Термиз, Ангор ва Музработ туманлари ғаллакорларининг ғайратини алоҳида эътироф этмоқ лозим.

Бошоқли дон ҳосилини қисқа муддатларда нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ва улкан ғалла хирмонини бунёд этишдаги фидокорона меҳнатлари учун шу кунгача 145 нафар илғор отряд раҳбарлари ва 100 дан ортиқ илғор комбайн операторлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ташаккурнома" ҳамда қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Шу ўринда илғор фермер хўжалиқларининг айримларини келтириб ўтсак. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидан "Ферузбек Абдусамад ўғли" фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 66, "Ҳазрати Луқмон ота" фермер хўжа-

лиги 78, Қарши туманидан "Бобур Мирзо" фермер хўжалиги 75, Косон туманидан "Кўпкаритепа-1" фермер хўжалиги 66, Сурхондарё вилояти Ангор туманидан "Бобир-Ангор" фермер хўжалиги 74, "Нормуродов Адхамжон" фермер хўжалиги 73, Жарқўрғон туманидан "Бобурбек миришқори" фермер хўжалиги 69, "Бобурбек Ифтихори" фермер хўжалиги 57, Музработ туманидан "Муслимбек Шахриддин" фермер хўжалиги 66, "Ҳусанов Ўроз" фермер

хўжалиги 63, Сирдарё вилояти Боёвут туманидан "Алишер Зарипов" фермер хўжалиги 68, "Боёвут сарбони" фермер хўжалиги 63, Гулистон туманидан "Орол неъматлари" фермер хўжалиги 81, "Али Шер нур фазл" фермер хўжалиги 57, Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманидан "Кўшназар пахтакор" фермер хўжалиги 60, Беруний туманидан "Саъдулла Темур" фермер хўжалиги 51, Эллиққалъа туманидан "Бердах Ражапов" фермер хўжалиги 55 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорликда ҳам, тезкорликда ҳам ўрناق бўларлик натижага эришдилар.

Ушбу рўйхатни яна минглаб мисолларда давом этириш мумкин. Зеро, илғорлар сафи борган сари кенгайиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ғаллакорларимиз ҳосилни йиғиштириб олганидан сўнг хотиржамликка берилмасдан далаларга такрорий экинлар экиш ишларини қизғин бошлаб юборишди. Чунки деҳқонларимиз такрорий экинлар ҳосилдорлигида ёзнинг бир кунини ҳам катта аҳамият касб этишини яхши билишади.

Қаҳрамон ТЎРАҚУЛОВ,

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ғаллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи,
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ БЕҲИСОБ ЭМАС, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш давр талаби

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган "Гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш - сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мезони" мавзусидаги матбуот анжамани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда ирригация объектларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида катта ишлар амалга оширилётгани рақамларда аниқ мисоллар билан таъкидлаб ўтилди. Жумладан, кейинги 5 йил мобайнида республикамиз бўйича сув хўжалиги объектларида капитал қурилиш ва реконструкция қилиш тадбирларини бажаришга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарийб 2,0 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан умумий узунлиги 1265,6 км каналлар, 260,4 км суғориш (лоток) тармоқлари, 212 дона йирик гидротехник иншоотлар, умумий қуввати 32,3 м³/сек. бўлган 23 дона насос станциялари, 62,4 км узунликдаги насос станцияларининг юқори босимли қувурлари қурилди, реконструкция қилинди.

Сув ресурсларининг шаклланиши чекланган юртимиз шароитида сув захираларини яратиш ва мавсумий сел сувларидан оқилонга фойдаланишда сув омборларини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги 395 минг гектардан зиёд экин майдонларини сув билан таъминлайдиган "Сардоба", Наманган вилоятидаги 4,7 минг гектар ерларга сув етказиб берадиган "Жийдалисой", Навоий вилоятидаги 1,1 минг гектар суғориладиган майдонларни "оби ҳаёт" билан таъминлайдиган "Кўксарой" сув омборлари қурилгани шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, тупроқ ўзанли каналларда фильтрация орқали йўқотишларнинг олдини олиш ҳамда сув ресурсларини самарали бошқарилишини таъминлаш мақсадида каналлар бетонлаштирилиб, гидротехник иншоотлар модернизация қилинмоқда.

Сўнги йилларда каналлар нафақат бетонлаштирилмоқда, балки шаҳарлар ҳудудидан ўтган қисмлари, жумладан Нукус шаҳридаги "Дўстлик", Жиззах шаҳридаги "Қўрғонтепа", Зомин шаҳридаги "Зоминсой" ва "Ём", Гулистон шаҳ-

ридан ўтувчи "Дўстлик", Фарғона шаҳридан ўтувчи "Марғилонсой" каналлари атрофларида замонвий шаҳарсозлик ечимлари асосида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Назорат ва пиёдалар йўлаклари қурилди, металл панжаралар ва тунги ёриткичлар ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда қурилиш ишларида замонвий архитектура ечимларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Гулистон шаҳридаги



"Дўстлик" каналини бетонлаштиришда фильтрация орқали сувнинг йўқотилишини чеклаш ҳамда Гулистон шаҳри ерларининг сизот сувлари сатҳини пасайтиришда бетон қопламалари орасига геомембранадан унумли фойдаланилди. Натижада, шаҳар ер ости сувларининг сатҳини 1-1,5 метрга пасайтиришга эришилди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида республикамиздаги 1 млн. 123 минг гектардан ортиқ майдондаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томорқа ерларининг сув таъминоти яхшиланишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги қарорига асосан ирригация тармоқларини ривожлантириш, йирик ва ўта муҳим сув хўжалиги объектларини ишончли фойдаланилишини ва хавфсиз ишлатилишини ошириш тадбирлари учун жорий йилда қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига давлат

бюджетидан 451,0 млрд. сўм капитал маблағ ажратилган.

Ушбу маблағлар ҳисобига жорий йилда жами 138 та устувор, шу жумладан 73 та йилдан йилга ўтувчи ва 65 та янгидан бошланган лойиҳаларда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур объектлар доирасида, йил якуни билан республика бўйича жами 409,9 км умумий узунликдаги каналлар, 71,9 км узунликда лоток тармоқлари, 103 дона гидротехник иншоотлар, насос станцияларнинг 10,5 км узунликдаги босимли қувурлари, 13,8 м³/сек. қувватли насос станциялари, 16 км узунликда қирғоқ ҳимоя ишлари ва 3,0 млн. м³ сизимли сув омборларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширилиш режалаштирилган.

Қайд этиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида каналлар қирғоқларини кўтариш ҳисобига насослардан воз кечиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг январь-май ойларида сув хўжалиги объектларида 194,7 млрд. сўм ёки тасдиқланган тармоқ жадвалига нисбатан 101%, йиллик ажратилган лимитга нисбатан эса 43,2% капитал маблағ ўзлаштирилиб, 161,4 км узунликдаги каналлар, 25,6 км узунликда лоток тармоқлари, 10 дона гидротехник иншооти, 5,3 км узунликдаги насос станцияларининг босимли қувурлари ҳамда Хитой Халқ Республикасининг грант маблағлари ҳисобига олиб келинаётган земснарядлар учун 13 км узунликда ташқи электр узатиш линияси қурилди ва реконструкция қилинди.

Амалга ошириладиган тадбирлар натижасида 275 минг гектардан зиёд ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

Тадбирда журналистларда каналлар қирғоқларини кўтариш ҳисобига насослардан воз кечиш ва электр энергиясидан тежамли фойдаланиш лойиҳалари катта қизиқиш уйғотди. Уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати.

ПАХТАЧИЛИККА ОИД ҚОМУСИЙ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёдаги етакчи давлатлардан бири бўлса-да, шу пайтга қадар соҳага оид илмий қўлланмалар жуда кам эди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бундан йигирма беш йил муқаддам ўзбек тилида "Пахтачилик справочниги" нашр этилганди, холос.

Ваҳолангки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда пахтачилик илми ва амалиётида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни алмашлаб экиш, такрорий, оралик ва сидерат ўсимликлар ўстириш, тупроқ эрозияси, тупроқ унумдорлигини ошириш, чигитни доналаб экиш, ғўза парваришида ноанъанавий агрорудалар, суюқ ўғитлар ва ўстирувчи моддалардан фойдаланиш борасида кўплаб янгиликлар яратилди.

Шунингдек, соҳада ғўза зараркунандаларига қарши курашда биологик усулларни кенг қўллаш, инсон саломатлиги учун кам зарарли дефолиантлардан, сувдан самарали фойдаланиш, ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш бўйича катта ютуқларга эришилди. Хуллас, бу каби ютуқ ва янгиликларни ўзида мужассам этган қўлланма яратиш вақти етган эди.

Ўтган йилнинг охирида шу кемтик тўлди. "Фан ва технология" нашриётида "Пахтачилик маълумотномаси" китоби чоп этилди. Яқинда ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Китобни Ўзбекистон республикасида пахтачилик соҳаси бўйича кўзга кўринган тадқиқотчи олимлар гуруҳи томонидан бир неча йиллар давомида олиб борилган изланишлар, тажрибалар самараси ўлароқ юзага келган қомус дейиш мумкин. Китобни яратишга қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ш. Тешаев ва биология фанлари доктори, профессор Б. Сулаймонов илмий раҳбарлик қилишган. Илмий маслаҳатчи - қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ш. Нурматов. Лойиҳа координатори - қишлоқ хўжалик фанлари доктори Б. Халиков, масъул муҳаррир ва нашрга тайёрловчи - техника фанлари доктори, профессор М. Тошболтаев.

Китоб кириш қисми ва 9 бобдан иборат бўлиб, у пахтачилик соҳасида эришилган ютуқлар ва янги-

ликларни тўла қамраб олган. Унинг 67 босма табоқдан иборат эканлиги ҳам гапимизга исбот бўлади. "Умумий маълумотлар" деб номланган биринчи бобда дунё пахтачилигида Ўзбекистоннинг тутган ўрни, селекционерларимиз яратётган истиқболли навлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар, фактлар, далиллар келтирилган.

Шунингдек, хорижий мамлакатларда пахта хомашёси ва толаси етиштириш ҳақида атрофлича



фикр юритилиб, соҳага тегишли маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланадиган Халқаро Пахтачилик Маслаҳат кенгаши (ICAC) эълон қилган статистик ахборотларнинг баъзилари келтирилган.

Китобнинг иккинчи бобида тўғридан-тўғри пахтачилик масалалари - пахта экиладиган ер майдонларининг ҳолати, шарт-шароитлари, иқлим ва об-ҳаво омиллари, тупроқ тавсифи, сифати каби мавзулар ёритилган. Учинчи бобда асосий эътибор ирригация ва мелиорация масалаларига қаратилган. Бунда суғориладиган ерларни текислаш, тупроқ шўрланишини назорат қилиш, захни қочириш, коллатор-дренаж-ташлама сувлардан ғўзани суғориш ва ерларнинг шўрини ювишда фойдаланиш каби

ўта муҳим муаммолари ва уларнинг ечими ҳақида сўз юритилган.

Шунингдек, ушбу бобдан тупроқ ва шамол эрозияси, улар тупфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларни бартараф этиш йўллари жадваллар ёрдамида тушунтириб берилади.

Мажмуанинг тўртинчи бобида ғўза биологияси, селекцияси ва уруғчилиги ҳақида сўз боради. Дунё бўйича тарқалишига кўра ғўза турлари шартли равишда Янги Дунё (Жанубий ва Шимолий Америка, Океания, Тинч Океани минтақасидаги қуруқ ерлар), Эски Дунё (Европа, Осиё ва Африка) ва Австралия турларига бўлинишини мана шу фаслда билиб олиш мумкин.

Бешинчи боб ғўза ва алмашлаб экиш мажмуидаги экинлар агротехникаси, олтинчи боб ғўза зараркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш, еттинчи боб қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларни ишлатиш, саккизинчи боб пахтачилик тармоғи иқтисодиёти, тўққизинчи боб пахтадан нималар олиниши ҳақидаги шу кунгача маълум бўлган энг кейинги хабар ҳамда маълумотлар ўзининг ихчам тафсилотлари билан келтирилган.

Китоб тақдимотида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори, профессор Ш. Тешаев дон ва дуккакли экинлар, тоғ ва тоғ олди ерлардан, сувдан унумли фойдаланиш, уруғчилик ҳамда деҳқончиликнинг янги илмий асослари каби мавзуларда ҳам худди шундай қўлланмалар тайёрлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Пахтачилик маълумотномаси" китоби бир неча ўн йиллик сермаҳсул меҳнат ва тадқиқотлар натижасидир. Ундан пахтачилик соҳасининг катта-кичик мутахассислари, деҳқон ва фермер хўжалиги ходимлари, талабалар ҳамда ушбу соҳага қизиққан барча юртдошларимиз фойдаланишлари мумкин.

Б.ЭСОНОВ,
ўз мухбиримиз.

ЧИЛЛА СУВИ — ТИЛЛА СУВИ

Об-ҳаво ўзига хос ўзгарувчан келаётган бу йилги шароитда пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида маромига етказиб бажариш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳозирги кунда ниҳоятда долзарбдир.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти олимларининг кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижалари шундан далолат берадики, мўл ҳосил етиштиришда ғўзани сувга бўлган талабига қараб суғориш, уни сувга чанқатиб қўймаслик ва ортиқча суғормаслик талаб этилади. Ғўзаларнинг ўсиш-ривожланиш даврининг биринчи фазасида суғориш тўғри ўтказилганда ўртача ўсиб, ўз вақтида гулга киради ва поясининг пастки қисмидаги ҳосил тугунчалари — шона, гулларнинг ҳаммасини сақлаб қолади. Ғўза шоналаган, гуллаган даврида уни етарли меъёردа суғориш лозим, чунки бу вақтда суғоришлар бирмунча кечиктирилдиган бўлса, биринчи ва ўрта яруслардаги ҳосил тугунчалари, шона, гуллари тўкилиб кетиши натижасида пахтанинг мажбуран очилиши ва ҳосилининг камайишига олиб келади.

Ҳар суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан ғўза қатор ораси сифатли культивация қилиниши лозим. Бу тупроқда тўпланган намликнинг узоқ муддат сақланишига имкон беради. Суғориш тартиби ва унга боғлиқ бўлган суғориш техника-технологияси сувдан режали фойдаланишнинг асоси ҳисобланади.

Ғўзани суғоришда эгат оралатиб суғориш технологиясини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ер ости сувлари яқин жойлашган ерларда юқори ҳосил олиш ва сувни тежаш имконини беради. Сувдан самарали фойдаланишда суғоришни шарбат усулида ўтказиш яхши натижа беради. Шарбат усули қўлланилганда гўнг ғўзага озика бериш билан бирга мульча вазифасини ҳам бажаради. Бу усул сувнинг буеланишини камайтириб, унинг тупроққа сингишини яхшилади. Бунинг учун ҳар бир дала контурининг сув кирадиган жойига шарбат учун хан-

дак (ўра) қазилиб, суғоришдан 5-7 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўнг аралаштирилиб гўнг шалтоғи-жижжа тайёрланади. Бунда тоза мол гўнги, чириган гўнг ёки компостдан фойдаланиш мумкин. Бундай қўлланилганда гўнгнинг даладан сув билан оқовага чиқиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди, яъни гўнгнинг эгатларда озика сифатида қолишини таъминлаш лозим.

Ғўзаларнинг гуллаш-ҳосил тўплаш даврида суғориш меъёр ва муддатларининг тўғри белгиланиши, бунга амал қилинмаганда ғўзалар ўсиши ва ривожланишига сал-



бий таъсир этиб, ҳосил тугунчаларининг (шона, гул, кўсак) кўп қисми тўкилиб кетишига олиб келади. Ғўза пишиш даврига келганда ўсиш жараёнлари секинлашади. Бу даврда суғоришни юқори меъёردа ўтказилиши тавсия этилмайди, чунки тупроқ совиб, қатор ораларидаги ҳавонинг намлиги ошади ва ғўза тупларининг иккиламчи ўсиши, поялари ётиб қолиши кузатилиб, кўсақлар очилиши кечикиб, тола сифатига салбий таъсир этади. Шўрланган ерларда ортиқча тузнинг ғўзаларга таъсири кучли бўлиб, уларнинг қуришига ва сийраклашишига сабаб бўлади. Бундай ер-майдонларида тупроқдаги тузларни камайтириш учун тупроқ нами кўпроқ, яъни ЧДНСга нисбатан 75-80% бўлган пайтдаёқ суғориш керак. Ўқариқларни баландроқ жойлардан олиш, уларнинг

оралиғи 60 см. тизимда 60-80 м, 90 см. тизимда экилган майдонларда 100-120 метрдан ошмаслиги лозим. Эгатлар барча узунлиги бўйича бир текис намланиши учун суғориш эгатлари мумкин қадар чуқурроқ олиниши керак. Суғоришда ғўзага керакли сув етказиб бериш учун тупроқ шароитидан келиб чиқиб, ғўзани суғоришда жўяк чуқурлиги 60 см қатор оралиғида 16-18 см, 90 см қатор оралиғида 18-22 см ни ташкил этиши лозим. Акс ҳолда ғўзага талаб қилинадиган сув таъминоти етарли бўлмайди. Бу ўз навбатида ғўза ўсимлигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Эгатлар боши плёнкалар, қоғозлар, найчалар орқали тўғриланиб сув қўйилади. Ер-тупроқларнинг аста-секин нам тортиши учун бутун эгат бўйлаб ҳар бир эгатга сувни жилдирашиб ўзгарувчан оқимда, аввал кўпроқ, кейин икки

баравар камайтириб, охирида суғориш сувларини жилдирашиб доимий оқизилишини таъминлаш лозим, яъни суғоришлар имкон қадар оқовасиз амалга оширилиши керак. Ҳар бир эгатга кетадиган сув сарфи, эгатнинг 4/3 қисмида 0,45-0,55 л/сек. (90 см); 0,35-0,40 (60 см) л/сек. оқимда, сўнгра уни 0,12-0,22 л/сек. гача камайтирилиб, сув эгат охирига етгач, эгатдаги сув оқими сарфини 0,10-0,12 л/сек. гача камайтириб, сув ўзгарувчан оқимда доимо жилдирашиб оқизилиши, суғоришлар оқовасиз олиб борилишига ҳамда бутун эгат узунлиги бўйлаб тупроқларнинг тўлиқ намиқлигини таъминлаши зарур.

Мазкур илмий муассаса олимлари академик Қ.Мирзажонов, профессор А.Авлиёқуловларнинг таъкидлашича, мелиоратив минтақа, гидромодул худудлар асосида вилоятлар, туманлар, фермер хўжаликларнинг, ер эгалари мисолида суғориладиган ерлар шароитида тезпишарлиги турлича, ўрта-ингичка толали ғўза навларини суғориш, чекланган дала нам сиғими (ЧДНС)га нисбатан энгил қумоқ тупроқларда суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-60%, ўртача тупроқларда 70-75-60%, 70-70-60%, оғир соз-лойсимон тупроқларда эса 65-65-60%, 70-70-60% (айрим навлар-

да 60-60-60 %) суғориш олди тупроқ намлиги сақлансагина юқори ҳосил олиш таъминланади.

Ерости сувлари сатҳи 3,0 метрдан чуқур тупроқларда — биринчи мелиоратив минтақа, Ia, I, II, III гидромодул ҳудудларда суғоришни 5-6 мартаба - 1-3-1, 1-4-1, 2-3-1, 1-4-1, 2-2-1, 1-3-2, 1-2-2 тизимларда; сув сатҳи 2-3 м бўлган тупроқларда - иккинчи мелиоратив минтақа IV, V, VI гидромодул ҳудудларда суғоришни 4-5 мартаба 1-2-1, 1-3-1, 0-3-2, 2-4-0, 2-3-0 тизимларида; сув сатҳи жойлашуви 0,5-2,0 метргача бўлган тупроқларда - учинчи мелиоратив минтақа VII, VIII, IX гидромодул ҳудудларда эса 2-3 мартаба суғоришни 0-1-1, 0-2-0, 0-2-1, 1-2-0 тизимларида ўтказилиши керак. Енгил қумлоқ тупроқларда бир марталик сув меъёри 800-1000 м³/га, ўртача тупроқларда 1000-1200 м³/га, оғир соз-лойсимон тупроқларда эса 1200-1400 м³/га, суғоришнинг охириги муддати 10-20 сентябрь ойдан минтақалар бўйича кечиктирилмаслиги керак. Чунки ғўзанинг сувга бўлган талабига кўра суғоришнинг 1-3 кунга кечикиши ҳосилдорликни 3-12 ц/га гача камайишига олиб келади. Ҳар бир суғоришлар оралиғи автоморф тупроқларда 12-14 кун, яримгидроморф тупроқларда 14-16 кун, гидроморф тупроқларда эса 16-18 (18-20) кундан ошмаслиги, қатор оралири (60; 90 см.) дан қатъий назар суғориш давомийлиги гуллашгача 18-24 соат, гуллаш - ҳосил тўплашда 32-36 соат, пишиш даврида эса 16-18 соатдан ошмаслиги лозим.

Сув танқислиги кузатилаётган даврда барча турдаги очиқ, ёпиқ-ётиқ, тик, йиғма зовур-коллекторлар сувининг минераллашуви даражасига қараб, бу сувларни оқар сувлари билан кўшиб субиригация усулида (аралаштирилган ҳолда 50+50 фоиз) экинларни суғориш учун ишлатиш мумкинлиги ПСУ-ЕАиТИ мутахассис олимлари томонидан исботланган. Бунда аралаш сувларнинг минераллашуви даражасида қуруқ қолдиқ бўйича: Жиззах, Сирдарё вилоятида бир литр сувда 3-4 г дан, Бухоро вилоятида 1,5-2,0 г дан, Фарғона водийси вилоятларида оғир-соз тупроқларида 2,0 г, енгил тупроқларда эса 3-4 г дан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1,5 г дан, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида тупроқ тип-турлари бўйича 2,0-4,0 г дан ошмаслиги зарур. Ғўзани биринчи мартаба суғоришни ариқ оқар сувлари билан, иккинчи марта оқар сувларга зовур сувларини аралаштирилган ҳолда, охириги суғоришларни албатта тоза оқар сувлари билан ўтказилиши тавсия этилади.

Сувдан самарали фойдаланишда замонавий ресурстежамкор суғориш технологияларини қўллаш тавсия этилиб, ғўза қатор орасига қора полиэтилен плёнка ва сомон тўшаб суғориш усули қўлланилганда ҳам ижобий натижаларга эришилган. Бунда, суғориш суви 25,1-44,6% гача, ёнилғи-мойлаш материаллари 30 % гача тежалиб, эгатларни плёнка ва сомон билан мульчалаш натижасида эгат узунлиги бўйлаб

тупроқнинг бир текис намланиши таъминланган. Пировардида суғориш техникасидан фойдаланиш коэффициенти 0,97% ни ташкил этган. Шунингдек, бу усулда тупроқ ювилиши 2 мартага камаяди, унинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хусусияти яхшиланиши, минерал ўғитлардан самарали фойдаланилиши натижасида кўсаклар пишиб этилиши 10-15 кунга тезлашиб, ҳосилдорлик 5,0-6,5 ц/га ошиши таъминланади.

Эгат орқали суғориш усулининг самарадорлигини ошириш мақсадида эгатга бериладиган сув оқимини тартибга солиш имконини берувчи ҳар 60 ёки 90 см ораликда сув чиқарувчи клапанларга эга бўлган эгилувчан қувурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уни қўллаш натижасида плёнка ёки қоғоз тўшаб оқимни ростлашга нисбатан юқори унумли ва самарали бўлади. Эгилувчан суғориш қувурларидан фойдаланилганда сувчининг иш унумдорлиги 2,0-2,5 баробар, ўқариқлар олинмаслиги ҳисобига ердан фойдаланиш коэффициенти 2-3 фоизга ошиб, мавсумий сув сарфи 10-15% гача камаяди ва ишлов тракторларининг унумдорлиги 10-12 фоизгача ортади.

ПСУЕАИТИ мутахассис олимлари томонидан ишлаб чиқилган мазкур агротавсияларга тўлиқ риоя қилинганда сувдан самарали фойдаланишга эришибгина қолмасдан, яқунда ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилади.

Тавсияномани **М.ҲАСАНОВ**, к.х.ф.н., **М.АВЛИЁКУЛОВ**, **М.ЗИЯТОВЛАР** тайёрлади

Рағбат

ХАЙРЛИ ТАШАББУСЛАРГА ҚАНОТ БЕРДИ

Президентимизнинг Самарқанд вилоятига қилган ташрифи давомида фермер хўжалигимизга келганлари ҳамда янги боғимизга ёнғоқ кўчатини ўтказганлари нафақат бизни, балки барча қўшработликларни қувонтирди.

Очиғи, бу ташриф хўжалигимиз аъзоларининг ер ва мулкка бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди, мавжуд имкониятларни изчил ишга солиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишга руҳлантирди.

Ихтиёримизда 700 гектар лалми ер бор. Бу йил хўжалигимизнинг тоғолди ҳудуди ва адирликларидан иборат 50 гектар майдонга Америка, Туркия ва Хитой давлатларидан 10 минг туп ҳосилдор ёнғоқ кўчати келтириб экдик. Президентимизнинг ҳудудимизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиб, қўшимча даромад олиш мумкин эканлиги ва бу борада берган қимматли таклифларидан хулоса

қилиб, бу билан чегараланиб қолмаслигимизни англадим. Шунинг учун ерларни экишга тайёрлай бошладик ва кузда 150 гектар ерга ёнғоқ экишни режалаштириб қўйдик.

Бундан ташқари, чорвачилик ва тадбиркорлик фаолиятини ҳам бошлаймиз. Бунинг учун Россиянинг Алтай ўлкасидан 300 бош насли эчки келтирамиз ва жунни қайта ишлаш фабрикаси ташкил этамиз. Бунинг учун Халқ банкидан 10,5 миллиард сўм имтиёзли кредит оляпмиз. Йиллик қуввати 2 минг тонна эчки жунини қайта ишлаш бўлган ушбу лойиҳа ишларига киришдик ва келгуси йилнинг биринчи чорагидан фаолиятни бошлаймиз.

Баҳодир БИНАЕВ,
Қўшработ туманидаги “Оқтепа унумдор замин”
фермер хўжалиги бошлиғи.

ҒЎЗАНИ МАШИНАБОП ҚИЛИБ ПАРВАРИШЛАШ

Етиштирилган пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олаётган фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сирдарё вилоятидаги фермерлар бу борада пешқадамлик қилмоқдалар. Ўзларига бириктирилган МХ-1,8 русумли пахта териш машиналарида мавсум давомида 100-120 тонна ҳосилни йиғиштириб бераётган механик-ҳайдовчилар ва йиллик пахта тайёрлаш режаларини фақат машина терими ҳисобига уддалаётган фермер хўжаликлари сафи кенгаймоқда.

Мазкур ижобий натижалар заминда бир қатор омиллар, айниқса ғўза ўсимлигини машинабоп қилиб парваришлаш, яъни ғўза қатор ораларига оби-тобида ишлов бериш, экинларни тўғри суғориш ва тупларини табақалашган ҳолда чилпиш агротадбирларини сифатли бажариш мужассам.

Ғўза қатор ораларини культивация қилиш. Ғўза қатор ораларига култиваторлар билан ишлов беришда қуйидаги қоидаларга амал қилиш даркор:

- 1) қатор ораларида донатор тупроқ ҳосил қилинсин;
- 2) эгатлар чуқурлиги уларнинг ўртача қийматидан 4 см. га ортиқ ёки кам бўлиши мумкин, холос. Механизаторлар охириги культивацияда суғориш эгатларини қатор орасининг қоқ ўртасидан ва барча қаторларда бир хил чуқурликда олинишига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Чунки пахта териш машинаси филдираклари терим пайтида айнан шу эгатларда юради. Эгатлар чуқурлиги ва кенлиги орасидаги фарқ катта бўлганда, пахта териш машинасининг фазовий тебраниб ҳаракатланиши туфайли терим аппаратининг иш тирқиши қатордан дам чап томонга, дам ўнг томонга силжиб туради. Бу ҳолат бир қисм ғўза тупларининг филдираклар ва аппаратлар билан эғзиланишига, шохларнинг синиши ва кўсақларнинг тўкилишига, пастдаги чаноқ пахтасининг терилмай қолишига, юқоридагиларини эса чала терилишига олиб келади;

- 3) охириги культивация пушта тепасида дўнгликлар ва ўлчами 5 см. дан катта кесақлар ҳосил бўлмайдиган тезликда ва чуқурликда бажарилсин. Акс ҳолда, улар пахта териш аппарати иш тирқишини кенгайтириб юборади, шпинделлар пастки тишларини тез ёйилиши ва ифлосланишига, демакки, терим тўлиқлигининг пасайишига сабабчи бўлади;

- 4) ясси кесувчи ва диски пичоқлар ҳамда ўқёйсимон панжаларни қатор орасига шундай жойлаштириш керакки, бунда ишлов берилгандан кейин далада қолган бегона ўтлар сони ҳар 100 метрда 5 донадан ошмасин (бегона ўтлардан чиқадиган шира шпиндел тишларига ёпишиб, уларни чирклайди, тишларнинг активлигини пасайтиради, пахта чала терилади. Энг ёмони, машина бункеридаги пахтанинг ифлослиги ошиб, сифатига путур етади).

Пахта териш машиналарининг иш сифати далаларнинг тозалигига ҳам боғлиқ. Бегона ўтлардан тоза далаларда машина бир ўтишда ғўза тупларидаги 90 фоиздан ортиқ юқори навли пахтани териб олади, ифлос далаларда эса бу кўрсаткич 50-60 фоиздан ошмайди, чунки кўп ҳосил чаноқларда қолиб кетади, унинг 15 фоизгачаси ерга тўкилади. Шундай экан, культивация пайтида ғўза тупларининг тагида ва ҳимоя зонасида қолиб кетган бегона ўтлар қўл кучи ёрдамида батамом йўқотилиши шарт.

Ғўзани суғориш. Машина терими учун ажратилган пахта майдонларини шундай суғориш керакки, бунда сув барча эгатларда бир хил миқдорда жилдираб оқсин, эгатлар бир текис чуқурликда намланин, пушталар нураб кетмасин.

Эгатларга меъёрдан ортиқча сув юборилса, эгат туби ва пушта сиртлари ювилиб кетади, эгатлар чуқурлашиб, пуш-

талар бузилади. Машина бундай эгатлар бўйлаб ҳаракатланганда терим аппаратларининг ёнлама тебраниши туфайли ғўза тупларининг пастдаги пахталар чала терилади ёки умуман терилмай қолиб кетади. Пушталар бузилган жойларда аппарат пастки рамкаси қуруқ тупроқни иш тирқиши олдига суриб, терилаётган пахтани ифлослантириб юборади.

Ғўза тупларини чилпиш. Баъзи фермер хўжаликларида ғўза тупларини ўз вақтида сифатли қилиб чилпишга етарлича эътибор берилмаслиги туфайли, шохлар тепага ва ёнига тарвақайлаб кетади.

Ғўзанинг бош пояси ва ён шохлари учларини чилпишдан асосий мақсад - бу кўрақлар сони ва улар вазнини ошириш ҳамда ғўза тупларини машинабоп, яъни ихчам шаклга келтиришдир.

Чилпиш ишларини майдондаги кўчат қалинлиги, ғўза нави ва ҳосил шохлари сонига қараб табақалаштирилган ҳолда қисқа муддатларда ўтказиш лозим.

Чилпилган ғўза тупларининг баландлиги 80-100 см. дан ошмаслиги зарур. Туплар бундан баланд бўлса, пахта териш машинасининг терим тўлиқлиги 3-5 фоизга камайд. Туп қанчалик баланд бўлса, у терим аппарати ичига шунчалик эгилиб киради. Кўсақларнинг асосий қисми иш тирқишининг ўрта қисмига тўпланади, шохлар уларнинг сатҳини тўсиб қўяди, шпиндел тишлари чаноқдаги пахта палларини тўлиқ илиб ва тортиб ололмади, пировардида машинанинг агротехник кўрсаткичларига путур етади.

Ғўза тупларининг ён шохлари ҳам чилпилиши шарт. Чунки тарвақайлаб ўсган ён шохлар кўсақларнинг аппарат иш тирқишидан эркин ўтишига ҳалақит беради, тирқиш ўрнатилганидан кенгайиб, шпинделларнинг пахта илинтириш қобилиятини пасайтиради. Ёнига вовлаган туплар аппарат иш тирқиши ичида 22-36 мм ўлчамларгача сиқилганда, уларнинг шохлари, кўрақлари ва кўсақлари бир боғлам "супурги" ҳолига келади. Бундай "супурги"нинг ташқарисидаги пахталаргина териб олинади, ичкаридагилари терилмасдан қолиб кетади.

Машина терими пайтида бош пояси ва ён шохлари чилпилган ғўза тупларининг баландлиги 80-100 см, эни 40-50 см атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Пахта пайкалида ётиб қолган ғўзалар умумий ғўза тупларининг 1,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Бундай ғўзалар 10 фоизга етса, пахта териш машинасининг иш унуми пасаяди, ҳосилнинг кўпи ерга тўкилади.

Чилпиш ишлари қўлда бажарилганда бош поя ва ён шохларнинг ўсув нуқталаригина чилпиб олинади. Юқориги ярусдаги ҳосил тутунчалари ва элементлари юлиниб кетмаслиги зарур.

Чилпиш PChM-4Б каби механизмлар воситасида ўтказилганда пичоқлар биринчи чилпишда ғўзанинг ривожига қараб 80-100 см баландликка ўрнатилади. Иккинчи чилпиш 7-10 кундан кейин, яъни биринчи чилпишдан қолиб кетган ғўзаларнинг ўсиб, ривожланишига қараб ўтказилади. Бунда пичоқларнинг қирқиш баландлиги биринчи ўтилгандагига нисбатан 3-5 см юқориоққа ўрнатилади.

Чилпиш биринчи галда ғўзалари баланд бўйли ва вовлаган майдонларда ўтказилиши даркор.

Кимёвий препаратларни сепиш орқали чилпиш усулини ғўзаси бир меъёрда ўсган ва ривожланган пахта далаларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ғўзани суғориш, қатор оралари тупроқларига ишлов бериш ва ғўза тупларини чилпишда агротехника қоидаларига оғишмай амал қилиш ғўзаларни машинабоп қилиб ўстиришнинг бош омилдир.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор, (ҚХМЭИ).

ҒЎЗАНИ ЧИЛПИШ – МУҲИМ ТАДБИР

Пахтакорлар учун чилпиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Чунки чилпишнинг ўз вақтида бажарилиши шона, гул тугунчаларини сақлашга, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади, оқибатда кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга ортади.

Бу муҳим тадбир ғўзанинг асосий ва ён шохларининг ўсув нуқтасини қирқиб, ўсимликнинг вегетатив ўсишини тўхтатиш ва озиқа моддаларини ҳосил шоналарига йўналтириш мақсадида ўтказилади. Бунда тупларда тўлақонли кўсаклар кўпроқ шаклланади, уларнинг салмоғи, ҳосилдорлиги ва тола сифати ошади.

Ғўзалар кучли ғовлаган майдонларда чилпиш кўпроқ қилинади. Бунда бош поя ўсув шохларининг мўрт қисми олиб ташланади.

Илмий тадқиқот институтларининг тажрибаларига қараганда, ғўза ҳосили уч муддатда вужудга келади ва шаклланади биринчиси — июнь ойида — умумий ҳосилнинг 45 фоизини ташкил қилади, иккинчиси июль ойида ҳосилнинг 46,8 фоизи ва учинчиси август ойида ҳосилнинг — 8,2 фоизини ташкил қилади. Аммо, булар ғўзанинг парваришига қараб ўзгариб туради. Кузатишларга қараганда август ойида шаклланган ҳосил тугунчаларининг деярли ҳаммаси, кўпинча тўкилиб кетади.

Ниҳоллар ривожига ҳар хил бўлган тақдирда, чилпишни икки марта бажариш мумкин. Аввалига асосий ўсиш нуқтаси қирқилса, орадан 7-10 кун ўтгач, ён шохларининг учлари чилпиб ташланади.

Пахтакорларимиз чилпишни асосан қўлда бажаришади. Шунда асосий ва ён шохларининг ўсув нуқталари билан бир қатор ҳосил шохчаларини ҳам чилпишадик, натижада ҳосилдорликка сезиларли даражада зарар етади. Бу ҳол кўпинча четдан одамлар жалб қилганда рўй беради.

Кўпчилик хорижий мамлакатларда чилпиш кимёвий усулда амалга оширилади. Улар биздагига қараганда анча барвақт, дастлабки гуллар пайдо бўлаётган даврда ғўзага Пикс дорисини пуркайдилар. У билан бир қаторда кимёвий усулда чилпиш учун Тур, Устикс, Далпикс, Со-же-ан каби препаратлар ишлатилади.

Пикс дориси бошқа препаратларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. У сепилгач, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ўртасида мувофиқлашув яхшиланиб, ҳосил эртаги ва мўл бўлади, тола сифатли бўлади.

Шунингдек, ғўза тупи ихчам арчасимон шаклга киради. Бу эса қаторлар орасида ҳаво алмашувини яхшилашга ҳамда кўсаклар чиришининг камайишига олиб келади. Энг асосийси, биринчи терим салмоғи 5-6 центнерга ошиб, ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга имконият яратилади.

Кимёвий чилпиш қўлда бажариладиган оғир меҳнатга барҳам беради.

Пикснинг ўхшаши бўлган Устикс дорисини эса ўзимизда ишлаб чиқаришга ва амалда қўллашга рухсат берилган.

Устикснинг ижобий таъсири — ўсимликнинг ғовлаб кетишини тўхтатиши, пахта ҳосилини кўпайтиришидир.

Ўткир ҳидли эканлиги, заҳарлиги сабабли уни қўллаш ва санитария қоидаларига қатъий амал қилишни, эҳтиёткорлик чораларини кўриш талаб этилади. Булар қаторида Далпикс ҳам тавсия қилинган. Бу препаратнинг 1 гектарга 1,0-1,5 л миқдорда сепилиши мақсадга мувофиқ.

Кимёвий чилпиш учун бу дориларни пуркаш вақти ва сарфлаш меъёри ғўза ривожига ҳамда бош поя баландлигига кўра белгиланади. Энг мақбул муддат-ўрта

толали ғўза навларида ҳосил шохи 12-14 тага етган пайтдир. Дорилар билан ишлов беришни суғоришдан 6-7 кун олдин ўтказиш яхши самара беради.

Пиксни ишлатиш меъёри ўсимликнинг ривожланиш даражасига қараб гектарига 0,5-1,0 литрни ташкил қилади. Агар ғўза тупи баққуват бўлса, унинг сарфи 1,5 литргача етказилиши

мумкин. Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак.

Ўсимликка препаратни ОВХ-28 ёки бошқа турдаги агрегатлар ёрдамида пуркагичлар билан тонгги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, ғўза фарқ гулга кирган пайтда чилпиш ўтказиш энг яхши натижа беради. Кўпчилик туманларда чилпишни амалга ошириш июлнинг 2-3 ўн кунлигига тўғри келади.

Агрономлар ва тажрибали фермерлар чигит экиш муддати, ернинг унумдорлиги, қўлланилган агротехника тадбирлари, ғўзанинг нав хусусиятлари ва ҳолатига ҳамда ундаги ҳосил шохларининг миқдорига қараб ҳар бир пайкалда энг мақбул чилпишни ўтказиш муддатларини тўғри белгилашлари лозим.

Чилпиш ўз вақтида ўтказилиб, кўсакларнинг яхши етилиши таъминланса, барглари сунъий тўктириш ҳам етарли самара беради.

Р. НАЗАРОВ,

қишлоқ хўжалик фанлари доктори.



МЕВА ВА УЗУМ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ ВА САҚЛАШ

Мамлакатимиз боғлари ва токзорларида авжи пишиқчилик палласи. Ёзги мева ва узум навлари бирин-кетин пишиб етилмоқда. Ушбу етилаётган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиштириб олиш боғбону соҳибкорларимиздан катта масъулият талаб этади.

Ёз ойида (июль, август) пишиб етиладиган мевалардан шафтоли, олхўри ва узумнинг кишмишбоп навларини узоқ сақлаб бўлмайди, улар кўпи билан (энг сифатлиси) бир ой сақланади. Шунинг учун истеъмолдан ортган мевалар қуритилади. Улар очик ҳавода, кўёшда қуритилганда сифатсиз маҳсулот олинади. Уларни салқин ерларда ёки махсус палаткаларда (полиэтилен плёнка қопланган) қуритилса меванинг сифати анча юқори бўлади.

Эртанги меваларни қуритиш натижасида ўрикдан туршак, кайса, курага тайёрланади. Данакли мевалардан шафтоли, олхўри ҳамда олманинг барча навларини қуритиб, қоқи қилинади.

Туршак асосан ўрик навларидан тайёрланади. Ўрик ўз навига хос ранг ва шаклга кирган, эти етарли даражада тўлиқ бўлган даврда узилади. Мевалар катта кичиклигига қараб, навларга ажратилади (калибровка қилинади). Бунда чириган, могорлаган, эзилган, хашарот тушган ва касалланганлари олиб ташланади. Мевалар етилиш даражаси жиҳатидан ҳам сараланади.

Хомашёни симдан ёки новдадан тўқилган катта бўлмаган саватни тўлдириб, 5% каустик содали қайноқ эритмага ботириб олинади. Сўнг бланшировка қилинган ва ювилган мевалар дарҳол тахта идишларга бир қатор қилиб ёйиб қўйилади ва олтингугурт билан дудлаш камераларида дудланади. Дудланган ўрик ўз табиий ран-

гини сақлайди ва хашаротларга чидамли бўлади. 1 кг. мевага 2-2,5 г. олтингугурт сарфлаб, 1-1,5 соат давомида дудланади. Кейин 3-4 кун очик жойда, сўнг сояга олиб қуритилади. Қуритиш 8-10 кун давом этади.

Шафтоли меваларини қуритиш навнинг шаклига хос, максимал қуруқ моддаларга эга бўлган, йириклашган ва ранг кирган



пайтда узилади. Бунда меваларнинг эти тўлиқ бўлиши керак, аммо бундай мевалар хомашё сақланадиган майдончада турган пайтда пишиб етилиши лозим, шунда шафтолидан яхши қоқи олинади.

Шафтолини тўғраб ёки паллага ажратиб қоқи қилинади. Мева қўлда пичоқ билан тўғралади. Икки паллага ажратилган мевалар бўлса, чизигидан ёрилади ва данаги олиб ташланади. Данаги ажралмайдиган шафтоли қуритилмайди.

Иккига ажратилган шафтолини каустик сода эритмали қайнаб турган сувга ботириб олинади. Каустик соданинг 5%ли қайноқ эритмасида хомашё 30-35 сония тутилади. Бунда мева паллачалари дарҳол ювилади, шафтолининг пўсти тез ажралади. Ювилгандан сўнг қолган пўстлари пичоқ билан олиб ташлана-

ди. Совуқ сувда чайиб олинган шафтоли паллалари ички томонини тепага қилиб, тахта патнисларга терилади ва олтингугурт билан дудланади. 1 кг. мевага 2-2,5 г. олтингугурт сарфлаб, 1,5 соат давомида дудланади.

Дудланган мева патнислари билан бирга қуритиш майдончасидаги сўкчакларга қўйилади. 2-3 кундан сўнг шафтоли паллачалари ағдариб чиқилади. Қоқи намнинг 3/3-4/3 қисми қочгандан сўнг патнислар соя жойга олиниб, устма-уст қилиб тахлаб қўйилади. Яхши қуриган қоқининг эти тигиз, пишиқ эгилувчан, аммо синмайдиган бўлади.

Олмани қоқи қилишда асосан қанд моддаси ва кислотаси кўпроқ, хушбўй, эти оқ ёки оч сариқ, навлари қуритилади.

Олмани қуйидагича қуритиш усуллари мавжуд: оддий усулда қуритиш – бунда меванинг пўсти арчилмайди; французча усулда қуритиш – меванинг пўсти арчилиб, уруғи олинади. Қоқи қилиш учун фақат пишган мевалар олинади.

Қуритишга олинган олма маҳсулоти тоза сувда ювилиб, олмани тилимлаб ёки 0,7-1,0 см. қалинликда гардиш қилиб тўғралади.

Пўсти арчилган олма тўғралган заҳоти 2-3% ли намакобга солинади, бу унинг табиий рангини сақлаб қолишга ёрдам беради. Кейин олмани тахта патнисларга солиб, олтингугурт билан дудланади ёки олтингугурт ангидриди эритмасида дориланади, олма ҳам шафтоли каби дудланади, меванинг ҳар 1 кг. га 1,5-2 г. олтингугурт сарфланади, дудлаш 30-35 дақиқа давом этади. Дудланган патнислар қуритиш майдончасидаги сўкчакларга қўйиб, офтобда қуритилади. 24-30 соатдан сўнг олма гардишлари ағдариб чиқилади, яна шунча вақт ўтгач, патнислар соя жойга олиниб, штабель қилиб тахлаб қўйилади.

Об-ҳаво шароитига қараб, олма 3-6 кун давомида қуритилади, олмадан 10-13% қоқи олинади, нами 20% дан ошмаган қоқи қуриган ҳисобланади.

Олхўри меваларини қуриштида меванинг катта кичиклигига қараб, навларга ажратиб, мева яхши ювилиб, 0,5% каустик сода эритмасига ботириб олинади. Навларга қараб, эритмага ботириб олиш муддати 15-30 сониядан ошмаслиги керак.

Олхўри меваси тоза патнисларга солиниб, қуритиш майдончасидаги сўкчакларга, офтоб яхши тушадиган жойга қўйилади. 3-4 кундан кейин мевалар ағдариб чиқилади, яна 5-7 кундан сўнг уларнинг нами анча қочгандан кейин штабелларга тахлаб қўйилади ва қуритиш сояда давом эттирилади. Олхўрининг майда ёки йириклигига қараб, 8-19 кун давомида қурилади.

Мева-узум маҳсулотларини кўпайтириш билан бирга уларни йил давомида аҳолига таъминоти учун етказиб беришга аҳамият қаратилади. Бунинг учун албатта узоқ сақланадиган мева-узум навларини кўпайтириш зарур.

Кейинги йилларда республикаимизда мева-узум майдонларининг кенгайиши билан бирга уларни сақлайдиган омборхоналар, замонавий музлатгичли омборхоналар барпо этилмоқда.

Жорий йилда мева-узум мўл бўлиб, пишиб етилаётган меваларнинг бир қисми истеъмолга, қайта ишлашга, яна бир қисмини экспорт қилинса қолган қисмини омборхоналарга қўйиб сақлаш натижасида ушбу мева турлари ва навларни истеъмол қилишини узайтириш мумкин.

Ўртапишар мева ва узум навларини узоқ сақлаб бўлмайди, улар асосан истеъмолга экспортга ҳамда қайта ишлашга юборилади.

Кузги ва кечки (қишки) мева-узумларни узоқ муддатли омборхоналарда сақлашга қўйишда уларни пишишидан 15-20 кун олдин терилади. Бунда меваларнинг таркибидаги кимёвий хоссалари, таъми, сақланиши яхши бўлади. Пишиб етилган мевалар-

ни омборхоналарда узоқ сақлаб бўлмайди, улар тезда айний бошлайди. Агарда мева тўлиқ етилмаган бўлса, у ҳолда мева тезда сўлиди, буришиб, мева сифати йўқолади.

Пишиб етилган мевалар яхши истеъмол сифатига эга бўлиши билан бирга ҳосилни теришда, транспортировка қилинган вақтда зарарланади ҳамда узоқ сақлана олмайди.

Меваларни узоқ муддатда сақлаш учун ҳарорат паст даражада бўлиши лозим. Сақлаш давомида ҳароратнинг кескин ўзгариши мева-узум маҳсулотининг сифатини ёмонлаштиради. Шунинг учун омборхоналарда бир хил ҳароратда сақлашга эътибор бериш лозим.

Омборхонада ҳарорат маълум даражада ўзгариб қолса, тезлик билан ҳароратни ўзгартиришга



ҳаракат қилиш керак.

Мева-узумни сақлашга қўйишда уларни нафақат тури, балки навига ҳам эътибор бериб, ҳароратни шунга қараб тўғрилаш керак. Мевалар терилгандан сўнг қанчалик тез омборхонага қўйилса, шунча узоқ сақланади. Омборхонада ҳарорат меваларнинг музлашига яқин ҳарорат бўлиши зарур.

Омборхоналардаги намлик катта аҳамиятга эга бўлиб, омборхона ичида ҳаво намлиги уруғли мевалар ва узум маҳсулоти 85-96%, данакли мевалар учун 80-85%, цитрус мевалар учун 70-80% бўлиши керак. Қуруқ ҳавода мева таркибидаги сув буғланади ва сўлиб қолади.

Меваларнинг нафас олиши ва бошқа физиологик жараёнлар натижасида омборхона ичида кислота ва ҳар хил газлар тўпланади, уларни ташқарига чиқариш учун омборхонани яхшилаб шамоллатиб туриш лозим.

Кўпгина мева турларининг узоқ муддат яхши сақланиши учун улар алоҳида қилиб қоғозларга ўраб қўйилади.

Омборхоналарда узоқ муддатли сақлаш учун мевалардан олманинг Ренет Симиренко, Нафис, Старкримсон, Голден Делишес навлари, нокнинг Оливье де Серр, Қишки нашвати № 2, Кулола, узумнинг хўраки Пушти тоифи, Оқ тоифи, Нимранг, Поздний ВИРА, Мускат Ўзбекистонский навлари қўйилади. Энг яхши ҳарорат 0°С дан 2°С, гача узум учун -1°С дан 0°С гача.

Кенглиги 10-20 м. бўлган омборхоналар ўртасида юриш учун 1,2-1,5 м. кенгликда йўл қолдирилади. Алоҳида партияларни ҳисоб-китоб қилиш учун уларнинг ораларини 0,2 м. қилиб қолдирилади.

Омборхоналар олдиндан сақлашга тайёрланиши керак. Бунда омборхона ичи озода, яхши шамоллатилган, дезинфекция қилинган, олтингугурт билан дудланган бўлиши керак. Омборхона поли, деворлари ва шипи 5% ли мис купороси билан ишланган, деворлари оқланган бўлиши лозим.

Унинг ичида вентилятор ўрнатилган, термометрлар ва психометрлар, троз, ёритиш учун лампалар ҳамда қайтариладиган (оборотная) таралар (яшиклар) бўлиши керак. Унга қуёш нурининг тушишига йўл қўймаслик даркор.

Маҳсулот қўйишдан олдин омборхона ичи олтингугурт гази билан дудланади, 2 суткадан сўнг хона шамоллатилади. Олтингугурт сарфи 1 м³ учун 50-60 г.

Маҳсулот омборхонага қўйилгач, мунтазам равишда ҳар 10-15 кунда кўздан кечириб, айний бошлаган мевалар олиб ташланади.

Сақланаётган мева-узум маҳсулотлари керак вақтида омборхонадан олиниб, истеъмол учун юборилади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.н.,

Н.ДЖАЛИЛОВ,

к. и. х., Академик М.Мирзаев номли
БУВа ВИТИ.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР УЧУН УНИВЕРСАЛ АГРЕГАТ

Республикамизда мустаққилигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб боғдорчилик тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Натижада узум, мева ва сабзавотлар етиштириш бўйича салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Бу борада интенсив боғлар майдонлари ортиб бормоқдаки, улар орасига ишлов бериш тизимини ташкил этиш ишларини кенг кўламда олиб боришни тақозо этади.


Чунки интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига ишлов берувчи махсус агрегатлар ишлаб чиқилмаганлиги учун, мавжуд агрегатлардан ёки уларнинг мослаштирилган вариантларидан фойдаланиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида энергия сарфини ҳамда

юмшатиш қатлам тупроғини майдалайди, текислайди, зичлайди ва пушта олади. Агрегат чуқур юмшаткич 1, чизел-юмшаткич 2, ғалтакмола 3, пушта олгич 4, тишли борона 5, таянч ғилдирак 6, рама 7, агрегат иш органларини созловчи махсус рама 8 лардан ташкил топган, (1-расм).

Таклиф этилаётган комбинациялашган-универсал агрегат иш органларидан боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига экин экиш ёки экмаслигига қараб фойдаланилади, яъни:

-боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига экин экилмайдиغان ҳолат. Бунда тупроқ ағдарилмасдан йўл-йўл юмшатилади, юмшатиш қатлам тупроғи майдаланади, кўчат тагига ариқ очиб кетилади, холос.

-боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига экин экиш керак бўлган ҳолат. Бунда ҳам тупроқ ағдарилмасдан йўл-йўл юмшатилади, юмшатиш қатлам



1-чуқур юмшаткич; 2-чизел юмшаткич; 3-ғалтак мола; 4-пушта олгич;

5-тишли борона; 6-таянч ғилдираги; 7-рама; 8-иш органларини созловчи махсус рама.

Расм. Интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига баҳорги ишлов берувчи комбинациялашган-универсал агрегат схемаси

эксплуатацион харажатларнинг ортишига олиб келмоқда. Боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига ишлов беришда агрегатларнинг кириш сонининг ортиши, тупроқ структурасининг бузилишига яъни унинг қаттиқлиги ва зичлиги ортиб, кўчатлар илдиз тизимининг ривожланишига салбий таъсир этмоқда.

Шу боис интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига баҳорги ишлов бериш жараёнларини агрегатнинг бир ўтишида амалга ошириш учун комбинациялашган-универсал агрегатни ишлаб чиқиш лозим.

Биз таклиф этаётган комбинациялашган-универсал агрегат интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор оралари тупроғини ағдармасдан йўл-йўл юмшатади,

тупроғи майдаланади ва кўшимча равишда текисланади, зичланади ва пушта олинади.

Интенсив боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларига таклиф этилаётган агрегатнинг қўлланилиши, тупроққа ишлов беришда қўлланилаётган ҳар бир жараённи бажариш учун боғдорчилик кўчат қатор ораларига агрегатларни алоҳида-алоҳида кириш сонини қисқартиради ва ёнилги-мойлаш материаллари сарфини, эксплуатация қилишдаги харажатларни камайтиради.

Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
профессор,

А.ХУДОЁРОВ,
доцент, (АндҚХИ).

АДАБИЁТЛАР

1.Аниферов Ф. Машины для садоводства. Ленинград. "Агропромиздат", 1996.

ТЎКИНЛИК ОСТОНАСИ

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарияти томонидан эл-юрт тўкинлиги йўлида амалга оширилаётган тадбирлар жойларда кўтаринкилик билан қарши олингани ҳолда барча йўналишларда хусусан аҳоли томорқаларидан фойдаланишда самарали натижаларни бермоқда.

Бекободда деҳқончиликка бўлган меҳри туфайли тўкинлик остонаси-томорқадан мўмай даромад топаётганлар талайгина. Биз тумандаги "Дўстлик" маҳалласи аҳолисининг томорқалардан

фойдаланиш кенгайиб, аҳоли даромади ортмоқда.

Олим-агроном Жаҳонгир Мирсолиев ҳовлисида бўлдик. Томорқасидаги тартиб ва файздан кўнглимиз равшан тортди. Мазкур хонадон жорий йилда 60 туп лимон экилган 4 сотихли иссиқхонадан 35 млн., 4 тип токдан 1 млн., чорвадан 5 млн., 6 сотих ердан самарали фойдаланиш ҳисобига 10 млн. сўм, жами 51 млн. сумдан ошиқ даромад олишни режалаштирган экан.

Маҳаллада сути инсон учун фойдали бўлган зотдор эчкилар боқишга асос солинди.

- Битта эчки 10 ой давомида ҳар куни 4 литрдан сут беради. Бир литр сут 4 минг сўм. Энди даромадни ҳисоб-



"Дўстлик" МФЙ раиси Умиджон Гафуров ва Жаҳонгир Мирсолиев (ўнгда).

фойдаланаётгани билан қизиқдик.

Маҳалла раиси "Ўзбекитон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими", уста деҳқон Мамажон ака Гафуровнинг ўғли Умиджон ака, маслаҳатчи "Меҳнат Қаҳрамони", машҳур пахтакор Абдуқодир Шукурралиевнинг келини Муҳиба опанинг, қолаверса фаолларнинг ҳамжиҳатлиги туфайли мавжуд 725 та хўжалик томорқасида ҳар қарич ердан самарали фойдаланиб экинлар экилади. Шунингдек, хонадонларда барча турдаги чорва моллари ва паррандалар боқиб парвариш қилинмоқда.

- Томорқа ҳар бир оила учун файз-барака бешигидир, - дейди раис. - Бу борада баҳорнинг ҳар бир кунини ганимат билиб, экиладиган экин, ўтқазиладиган дарахт кўчатини танлашда илмий, оқилона йўл тутиш зарур. Маҳалламизда ўтказилган амалий семинар-кенгашлар, қолаверса ўқув машғулотлари ўз самарасини бергани ҳолда, ҳар бир сотих ердан



"Дўстлик" МФЙ маслаҳатчиси М. Шукурралиева (ўнгда) ва Д. Мирсолиева.

лаб кўраверинг, - дейди Майре Билялова. - Эчки боқишга қизиққанлар кўп.

Дилдора Мирсолиева бараканинг бош булоғи - томорқасидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда мавжуд 2 сотихли иссиқхонасида 2 марта бодринг, 1 марта кўкат экиб, 25 млн. сўмдан ортиқ даромад олмоқда.

- Иссиқхона илмини яхшигина ўзлаштириб олдим, - дейди Дилдора. - Олинган даромадла-

римиз ҳисобига иссиқхонани кенгайтириш ниятидамиз.

Маҳалла раиси ва маслаҳатчининг томорқасидаги ишлар билан ҳам қизиқдик. Раис хонадонда маҳаллий меваларнинг энг саранавлари талаблар даражасида парваришланаётганлиги боис, мўл ҳосил бермоқда.

- Қатор ораларига барча турдаги сабзавот ва кўкатлар экамиз, - дейди Умиджон Гафуров. - Бозорга боришга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Ҳатто, ортганини бозорга олиб чиқиб сотишимиз ҳам мумкин.

Муҳиба опа хонадони "Боғи эрам"ни эслатади. Катталиги шафтолидек келадиган ўрикнинг кўриниши ва таъми эътиборимизни тортди.

- Бу ўрик отамдан ёдгорлик. У киши қишлоқ хўжалигига, хусусан боғдорчиликка жуда қизиққанлар. Нафақат хонадонимизда, хўжалик аҳолиси хонадонларида ҳам сархил мевалар кўпайишига ҳисса қўшганлар, - дейди хонадон соҳиби Раҳимжон ака. - Хонадонимизда парваришланаётган мевалар ошна-оғайнилар орқали бутун юртимиз бўйлаб тарқалмоқда.

Бизга табиат жаннатмакон юртни инъом этган. Атрофга боқсанг кўз қувнайди. Она табиатимиз неъматларини асраб-авайлаб келгуси авлодларга қолдириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз саналади. Томорқаси бўла туриб ҳамма нарсани бозордан сотиб олиш уятли иш. Зеро, оила маънавияти, томорқа маданияти тўкинлик асосидир

Ўз мухбиримиз.



Майре Билялова

ТОМОРҚА МАДАНИЯТИ

ҳар бир оиланинг турмуш тарзига айланмоғи зарур

**- Эшитдингларми, Фарҳод уйида 50 та қуён боқётган эмиш.
- Ўзи ҳеч қаерда ишламаса, қуённи қайси пулига олибди?
- "Микрокредитбанк"дан кам фоизли, имтиёзли кредит олиб,
пулига қуён олиб келибди. Ҳозир қуёнлари кўпайиб кетибди.**

Ҳар куни бозорда қуён болаларини сотяпти. Ундан тушган пулга кредит фоизини тўлаб, уйига ҳам бозор-ўчар қилиб, иқтисодини анча тиклаб олди. Кредитини пулларини тўлаб, олган қуёнлари кўпайиб ўзига қоладиган бўлибди. Ҳозир серсут насли сугир сотиб оламан деб яна банкка ҳужжат тахлаб юрибди. Бу бола пул топишнинг осон йўлини топди-да. Давлатимизга раҳмат, унга ўхшаган ишсизларга кредит бериш, ишли қиляпти. Фарҳоднинг чўнтагида жарақ-жарақ пул, тиним билмай югуриб қолди. Гаплари ҳам бурро, пули бор-да.

- Файратни айтмайсизми? 6 сотих ерда 2 та иссиқхона қуриб, қиши билан редиска сотди. Шу иссиқхонадан олган даромадига Тошкентдаги ўғлининг институтда ўқиши учун контракт пулларини тўлади.

- Файрат редискасини ўзимиздаги бозорлар билан бирга қаршиликларга ҳам сотибди. Уларнинг ўзлари келиб уйдан олиб кетибди. Килога эмас, ҳар донасини 200 сўмдан сотибди.

- Ҳозир редискадан кейин иссиқхонага бодринг кўчатлари экибди. Ҳадемай бодрингларини бозорга сотармиш. Буни мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ўрганибди. Қўлида катта дафтар. Унда қачон сугориш, қачон озуқа бериш, қачон дорилаш — ҳаммаси ёзилган.

- Мен ҳам хўжайинга айтаман, кейин ҳовлидаги бўш турган 3 сотихгина ерга иссиқхона қуриб, лимон экамиз, яна парранда ҳам сотиб оламиз.

- Пул муаммосини нима қиласиз?

- Нима қилардик, банкдан кредит оламиз-да. Ҳозир банклар яхши бўлибди. Олдинги замонлардагидай ҳеч қандай таниш-билишнинг кераги йўқ. Кеча телевизорда айтди. Президентимиз аҳолига имтиёзли кредит бериш тўғрисида қарор чиқарибди. Банк ходимларининг ўзлари кредит берамиз деб уйма-уй юрибди.

- Лимон 4-5 йилда ҳосилга кирди-ку! Унеча олган кредитларингизни қандай тўлайсизлар.

- Эй, лимон ҳосилга кирганча ниҳоллар орасига кўкат экамиз.

- Ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўйибман. Кўрасизлар, шу кредитни олиб, товуқларни кўпайтириб, иссиқхонани ишга туширай, иссиқхонадан олган даромадимиз ва тухум ва товуқ гўшти ҳисобига битта ўзимизда ишлаб чиқарилган автомашина оламиз. Би-ир ҳамманинг оғзи очилсин.

Бу каби гап-сўзлар ҳозир ҳар бир қишлоқда ёки маҳаллада қулоққа чалинаётгани кувонарли ҳол. Қишлоқ одамларининг фикри ва дунёқарашини ўзгартириб, янгича яшаш ва янгича ишлаш иштиёқи кучаймоқда. Муҳими, томорқаси бор ҳар бир фуқаро меҳнат қилса, яхши даромад қилишини, тўкин ва фаровон ҳаёт кечиршини англаб етмоқда.

Ҳаракатда баракат, деганларидек, Кармана туманидаги "Аллон" маҳалласи аҳолиси ҳам давлатимиз томонидан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, томорқасидан яхши даромад олиб келмоқда. Аслида аллонликлар азалдан уста деҳқон ва моҳир чорвадор кишилар. Бугун эса тадбиркорлик қиламан, томорқамда иссиқхона қураман деган киши давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани уларнинг бу борадаги ишларини янада жонлантириб юборди.

3320 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган мазкур маҳаллада аҳоли ҳозир чорва моллари, парранда боқиш ишлари билан бирга ёнғоқ, унаби ва бошқа мевали дарахтлар экишга киришган. Шу йилнинг ўзида маҳалла бўйича 1000 тупдан ортиқ ёнғоқ дарахтлари экилгани фикримиз далилидир.

- Маҳалламиздаги мавжуд аҳоли хонадонларининг 60 дан ортиғида тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига иссиқхоналар ташкил этилди, - дейди "Аллон" МФЙ расиси Шавкат Ражабов. - Салкам 250 миллион сўмни ташкил этадиган бу кредитлар эвазига қурилган иссиқхоналарда лимон, помидор, бодринг, булғор қалампери ва

кўкатлар етиштирилмоқда. Яна 40 га яқин хонадон соҳиблари эса тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банклардан имтиёзли кредитлар олгани маҳалламиз аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиршига ҳисса қўшмоқда. Аҳолининг тадбиркорликка, хусусан, уйи олдидаги томорқасидан оқилона фойдаланишга бўлган интилиши туфайли маҳалламизда кам таъминланган оилалар сони камайиб бораётир. Олиб борган тушунтириш ва тарғибот ишлари туфайли маҳалла тижорат банклари ва фаоллари кўмагида кам таъминланган оилаларда ҳам иссиқхоналар ташкил этдик, айримларига чорва моллари олишга кўмаклашдик. Натижа эса кутилганидан ҳам яхши. Ўтган йили маҳалламиз бўйича кам таъминланган оилалар 17 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб, улар 6 тани ташкил этмоқда. Давлатимиз томонидан шундай имкониятлар, шарт-шароитлар яратиб берилаётган экан, яқин келажакда маҳалламизда биронта ҳам кам таъминланган оила учрамайди.

- Бир неча йиллардан бери томорқамиздаги 3 сотихга яқин иссиқхонада бодринг, редиска ва помидор етиштириб келамиз, - дейди шу маҳаллада яшовчи Файрат Исомиддинов. - Ўтган йил охирларидан бошлаб, тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилгани ишимизни янада жонлантирди. Яна 4 сотих ерда иссиқхона қуриб, ишга туширдик. Бу оилавий даромадларимизни кўпайтириш билан бирга ўзимизни ўзимиз иш билан таъминлашимизга ҳам хизмат қиляпти. Ҳозир турмуш ўртоғим Роҳила ва ўғлим Шуҳрат билан эртаю кеч тинмаймиз. Кунимиз шу иссиқхонада ўтади. Моддий манфаатдорлигимиз яхши. Меҳнатимизга яраша даромад қиляпмиз. Олган даромадимизни ҳисобласак, баъзи корхонада ишлайдиган ходимдан 2 ҳисса кўп ойлик-маошга тўғри келмоқда.

Ҳа, томорқачилик маданияти ҳар бир оиланинг кундалик ҳаёт тарзига айланса, халқимиз дастурхони янада тўкин, турмуши фаровон бўлишини аллонликлар мисолида кўриш мумкин.

Б.ТОШНАЗАРОВ.
Навоий вилояти.

САБЗАВОТЛАРНИ ТАКРОРИЙ ЕТИШТИРИШ

Эртаги сабзавот, картошка ва галла ҳосили йиғиб олинган майдонларга такрорий экин экиш учун тайёрлашда, аввало, ишни ўтмишдош ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни тозалашдан бошлаш зарур. Бунда ўсимлик қолдиқлари томорқа чеккасига чиқарилиб, ер қондириб суғорилади.

Ер етилиши билан гўнғ ёки компост сепилади, 25-28 см чуқурликда юмшатилади ва эгатлар олинади.

Томорқаларга июнь ойи иккинчи ярми ва июлнинг биринчи ўн кунлигида бодрингнинг Марғилон-822, Наврўз, Ўзбекистон-740, Ранний-645, F1 Алиби Аякс Микс навларини; сабзининг Мирзои сариқ-304, Мирзои қизил-228, Шантанэ-2461, Нантская-4, Нузли, Зийнатли навларини; ош лавлагининг Бордо-237 навини, картошканинг Диамант, Ликария, Симфония, Диёра, Тўйимли, Умид каби ўртапишар, Ақроб, Мондеал ва Фазан каби кечпишар навларини экиш тавсия этилади.

Томорқаларга июнь ойининг учинчи ўн кунлиги ёки июль ойининг 1-2-ўн кунлигида картошканинг Санте, Ред скарлет, Зарафшон каби эртапишар, Аринда, Белуга, Виктория, Умид, Кондор, Драга, Корлена, Латона, Палма, Марфона, Пикассо, Романо каби эртапишар, Тўйимли, Ақроб, Диамант, Симфония каби ўртапишар навларини экиш юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Чет элдан келтирилаётган уруғлик картошка экиладиган дала эгати олиниб суғорилган бўлиши керак. Картошка экилгач, тезда суғорилади. Агар ер тайёрлаб қўйилмаган бўлса, картошка қопи билан ёки ерга юпқа қилиб, офтоб тушмайдиган салқин жойга тўкиб қўйилади. Экиш муддати 20 июндан то 20 июлгача, 70х30 см схемада экилади. Унда олдин ўртапишар навлар, кейин ўртаки ва охирида эртапишар навлар экилади.

Июль ойининг учинчи ўн кунлиги ўсув даври қисқа бўлган сабзавотлардан шолғомнинг Муяссар, Самарқанд маҳаллийси каби ўртаки, Наманган маҳаллийси ва бошқа эртаки навларини, кўкатлардан укропнинг Узбекский-243, Ором навларини экиш тавсия қилинади.

Бегона ўтларни ўташ лозим. Ўтларни йўқотиш билан бирга ортиқча ниҳолларни яғана қилиш ке-

рак. Орадан 20-25 кун ўтгач эса, майдондаги бегона ўтларни иккинчи марта ўтаб, ўсимликларни яғана қилиб, кейин ўсимликларни озиқлантириб, суғориш тавсия этилади.

Кечки карам кўчатлари тўлиқ тутиб олгач, сабзи, ош лавлаги, картошка туганаклари ҳамда бодринг ниҳоллари ердан тўлиқ униб чиққач, ўсув даври давомида экин турига мувофиқ 8-12 кун оралатиб 2-3 марта суғориш, ўсимлик қатор



ораларини 8-12 см чуқурликда юмшатиш бегона ўтларни йўқотади, тупроқда нам ва ҳаво сақланишини яхшилайти, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланишига қўлай шароит яратади.

Эртаги картошкани йиғиш ва сақлаш. Эртаги картошкани ковлаш кўпгина ҳолларда июнь ойининг 2-ярмига тўғри келади ва офтоб тигида ҳарорат юқори бўлиб картошка сифатига салбий таъсир этади. Шунинг учун эрталаб кун исигунча ва кечқурун ҳарорат пасайган даврида ковлаб пешма-пеш териб, офтоб тигидан олиб қўйиш лозим.

Сақланадиган эртаги картошка тўла пишганда ковланади. Уни ўз вақтидан кечикиб ковланса сифати ёмонлашади ва бир оз сўлиб, яхши сақланмайдиган бўлиб қолади.

Ковланган картошкани тезда қоплаб, яшиқларга солиб омборга қўйиш зарур. Бунда картошка яшиқлари устма-уст тахлаб қўйилади, бир яшиқ билан иккинчи яшиқ ўртасида 10 см катталиқда тирқиш қолдирилади. Ҳар бир тўп яшиқ орасида 40-50 сантиметрли йўл қолдирилади.

Картошка ҳаво ҳарорати 20-25°C, нисбий намлиги 60-65% бўладиган оддий хоналарда 1,5-2 ойгача анча яхши сақланади. Бинобарин, бундай картошкларни чуқур ва ярим чуқур ертўлаларда ҳам икки ойгача бемалол сақлаш мумкин.

Картошка сақланадиган жойга айниқса, уй-рўзгор шароитида ёруғлик тушмаслиги керак. Акс ҳолда туганак устида қўқ рангли соланин моддаси пайдо бўлади ва у ачиқ таъм беради.

Эртаги карамни уй-рўзгор шароитида 7-10 кун целлофан халталарга солиб, совитгичда сақласа бўлади.

Шолғом ва турп уруғи асосан августда сепилади. Бунда шолғомнинг Наманган маҳаллийси, Самарқанд маҳаллийси, Муяссар, турпнинг Андижон-9, Марғилон маҳаллийси, дайкон ёки япон турпининг Куз ҳадяси ва Содиқ навларини экиш тавсия этилади.

Мазкур экинлар уруғи мамлакатимизнинг марказий минтақасида жойлашган ва водий вилоятларида 1-15 августда, шимолий ҳудудларда 25 июль-10 август ва жанубда 20 август-20 сентябрда сочма қилиб



экилади. Эгат ораси 70 см ёки 60 см бўлиши лозим.

Бунда турп уруғи 10 сотихга 400-500 г, шолғом уруғи эса 200-300 г меъёрда сарфланади. Турп уруғи 2 см, шолғом уруғи эса 1,5 см чуқурликда экилади. Хаскаш ёрдамида тупроққа аралаштирилади.

Экин парваришида бегона ўтларни йўқотиш, яғана қилиш, эгат бағрини юмшатиш ва зарарли ҳашаротларга қарши курашга жиддий эътибор бериш зарур.

Пиёз уруғи августнинг иккинчи ярми, сентябрнинг биринчи ўн

кунлигида сепилади. Бунда пиёзнинг маҳаллий эртапишар Сунбула навини экиш тавсия этилади.

Пиёз уруғи ернинг нишаблигини инобатга олган ҳолда 70-90 см ораликда сочма ҳолда сепилади. Уруғларнинг 1,5-2 см. чуқурликка кўмилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

10 сотихга 1,4-1,6 кг уруғ сарфланиб, кўчат ораси 5-6 см. ни таш-

кил этади.

Дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см. га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда экин икки-уч марта ўтоқ ва ягана қилинади. Қатор оралари 15-16 см. чуқурликда юмшатилади.

Кўзланган ҳосилни олиш учун томорқага маҳаллий ўғит бериш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, пиёзни кўчат қилиб

экиш ҳам мумкин. Бунинг учун юқоридаги экиш муддатида 0,1 га майдонга 4-5 кг уруғ сепилади ва пиёз кўчати 2-4 барг чиқаргандан сўнг томорқага ноябрь-февраль ойида кўчириб ўтқазилади.

Бунда уруғ 3-4 баробар кам сарфланади ҳамда ўтоқ ва ягана қилиш учун меҳнат сарфи камаяди ва маҳсулотнинг товарбоплиги юқори бўлади.

РЎЗҒОРДАГИ ЁЗГИ ЮМУШЛАР

МЕВА-САБЗАВОТ КОНСЕРВАЛАРИ

Мева ва сабзавотларга турли усулларда ишлов бериш йули билан тайёрланадиган консервалар. Мева консервалари: шакар қўшиб консерваланган янги резавор мевалар ёки улардан тайёрланган компотлар, пюре, шарбатлар, мураббо ва бошқалар. Шунингдек, музлатилган мевалар, резавор мевалар ҳам мева консерваларига киради. Сабзавот консервалари: тўғраб ёки бутун ҳолида консерваланган сабзавотлар (сабзи, лавлаги, гулкарам, кўк нўхат, помидор, бодринг, ширин жўхори ва бошқ); шарбатлар (сабзи, помидор, лавлаги шарбатлари), қуюқлаштирилган помидор маҳсулотлари - паста, соуслар; ўсимлик мойида қовурилган бақлажон, сабзи, кабачки, пиёздан тайёрланган газаклар; маринадланган, тузланган, сабзавотлар. Кўзиқориндан тайёрланган консервалар ҳам сабзавот консерваларига киради.

КОМПОТ ТАЙЁРЛАШ

Қоқи ва ҳўл мевадан қайнатилиб тайёрланадиган яхна ичимлик. Туршак, тоғолча, олма ва бошқа мевалар қоқисидан компот тайёрлаш учун мева совуқ сувда ювилгач, кострюлкага солиб, сув қуйилади ва қопқоғи ёпиб қайнатилади. 1 кг қоқига 2 л сув кифоя. Янги мевадан компот тайёрлашда мева пўсти артилиб, паррак-паррак қилиб тўғралади, шакарли сувга солиниб 10-15 дақиқа қайнатилади (1 л сувга 500 г мева, 200 г шакар); 2) мевалардан тайёрланадиган консервалар. Дастлаб шакардан 30-50 фоизли компот сиропи тайёрланади (30 фоизли қиём учун 300 г шакар ва 700 г сув). Олмани совуқ сувда ювиб, бутунлигича ёки 4-8 бўлакка бўлиниб, човлига солинади ва қайноқ сувда

3 дақиқа пишириб, суви сирқитилади, банкага солиниб, устидан 35 фоизли қайноқ шарбат қуйилади. Сўнгра банка қопқоғи ёпилиб, ёғоч панжара (таглик) ўрнатилган кострюлкада стерилизация қилинади. 5 кг олма учун 1,75 кг шакар, 4,25 л сув керак. Стерилизация муддати: сув қайнаб чиққандан сўнг ҳар 1 л банка ҳажми учун дақиқа минут, сўнг банка қопқоғи қопқоқ ёпадиган машинка билан мустаҳкам ёпилади ва тўнтарилган ҳолда совитилади.

Компотлар деярли ҳамма мева ва резаворлардан алоҳида ёки аралаштирилиб (ассорти) тайёрланади.

Олча банкаларга шундайича солинади. Ўрик бутунлигича ёки иккига ажратилиб солинади. Олма ва нокнинг пўсти ва уруғлари ажратилади. Банкадаги компотни 10-15 кундан кейин истеъмол қилса бўлади. Бу даврда сироп таркибидаги шакар меваларга ўтиб, компотга ўзига хос таъм беради.

МЕВА ШАРБАТИ ТАЙЁРЛАШ

Асосан, олма, узум, шафтоли, олхўри, ўрик, анор, сабзи ва бошқалардан олинади. Мева шарбатининг 2 хили: тиниқ ва мева эти билан тайёрланадиган турлари мавжуд. Эти билан тайёрланадиган мева шарбатига ўрик, шафтоли, олхўри ва бошқа шарбатлар киради. Мева шарбатининг табиий (қанд қўшилмаган) ва 5-15% қанд қўшилган хиллари бор. Мева шарбатиде мева ва сабзавотлар таркибидаги барча фойдали озиқ моддалар (қанд, органик моддалар, кислоталар, витаминлар, минерал тузлар, пектин, клечатка ва хушбўй моддалар) бўлиб, таъми сақланади. Мева шарбати таркибида: 5-15% қанд, 0,3-3% органик кислоталар, турли витаминлар, минерал тузлар ва бошқалар бор. Мева шарбати олиш учун янги узилган, пишган ме-



валар аввал сув билан тозалаб ювилади. Кейин рўзгордаги сок ажраткичлар ёрдамида уларнинг шарбати олинади. Олмадан 55-80%, олчадан 60-70%, қизил смородинадан 70-80% шарбат чиқади.

МУРАББО ТАЙЁРЛАШ

Хўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик. Ишлатиладиган мева турларига қараб беҳи мураббо, анжир мураббо, нок мураббо, олма мураббо, узум мураббо, олхўри мураббо, олча мураббо, қулпнай мураббо, қовун мураббо, сабзи мураббо ва бошқа турлари бор.

Беҳи мураббо тайёрлаш: беҳи 4 га бўлиниб, уруғи олиб ташланади, сўнгра эни 0,5 см келадиган тилимчалар кесилади ва қозонга солиб устидан кўмиб турадиган қилиб сув қўйилади, бир қайнаб чиққач, човли билан сузиб олинади, шарбати сузгичдан ўтказилади. Қозонга шакар солиб устидан беҳи шарбати қўйилади (1,2 кг шакарга 0,5 л

қуйиб, 15-20 соат олиб қўйилади. Учинчи марта қиём мева билан бирга қайнатилади. 1 кг олхўрига 1,2 кг шакар, 0,5 л сув, тайёр мураббога қўшиш учун 10-15 томчи олхўри эссенцияси керак. Шиша идишга солинган мураббо қопқоғи зич беркитилиб, 90 °С да 25 минут пастеризацияланади. Агар мураббо чала қайнатилса, бир қанча муддатдан кейин кўпиклашиб қолади. Мураббо батамом пишган бўлса, мева идиш юзасида қалқимасдан қиём ичида бир текис тарқалади, қиём эса тиниқ тусга киради, сифатли қиём томчиси совуқ сувга томизиб кўрилганда дарров эриб кетмайди.

МЕВАЛАРДАН ШАРБАТ ВА МУРАББО ТАЙЁРЛАШДА АСҚОТДИГАН МАСЛАХАТЛАР

Ҳар бир хонадон бекаси қиш мавсумида ҳам ёз неъматлари шуқуҳини тоттиш мақсадида, албатта, мевалардан шарбат ва мураббо



Меваларни қайнатиш вақтида ёрилиб кетмаслиги ва эзилмаслиги учун уларни тезгина қайнаган сувда чайиб олиш ёки буғлаб олиш лозим. Маҳсулотга бундай тарзда ишлов бериш "бланшировка" деб аталади. Олхўрини қайнаб турган сувда "бланшировка" қилиш лозим. Олма, нок, беҳини "бланшировка" қилган вақтда улар озгина юмшаб қолиши мумкин, аммо ўз рангини сақлаб қолади.

Меваларни банкаларга эҳтиётлик билан зич жойлаштиринг. Куч билан жойлаштирманг, чунки мевалар пўсти ёрилиб кетиши мумкин. Агар меваларни жойлаштириш вақтида банкага сув йиғилиб қолса, уни тўкиб, банкага қиём ёки тузлама (сабзавотлар учун) солиш мумкин. Бунда банка охиригача тўлдирилмайди. Суюқлик ва банка қопқоғи орасида 1,5-2 сантиметр очиқ жой қолдириш зарур.

Мевалар ўзининг табиий кўриниши ва таъмини сақлаб қолиши учун 3-4 соат қиём қуйиб қўйинг. Ана ундан кейин пиширишга қўйишингиз мумкин. Пўстлоғи нисбатан қалинроқ меваларни (масалан, олхўрини) санчқи ёрдамида қиём мевага яхши сингиб кетади. Шафтоли ёки ўрикдан шарбат пиширишда уларни пўстидан ажратиб олинг. Бунинг учун мевани 3-4 дақиқага қайнаган сувга солиб қўйиб, кейин осонлик билан ажратиб олиш мумкин.

Мураббо ва шарбатларни қуруқ, салқин жойда 10-15 даражада сақлаш лозим. Мураббони совуқда ёки музлатгичда сақлаш ҳам унчалик мақбул эмас, чунки мураббонинг шакари чиқиб кетиб, таъми ўзгариши мумкин.

14-16-бетлардаги материаллар "Аҳоли томорқа хўжаликларидикишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма" китобидан олинди.



шарбат) ва қиём қайнатилади. Қайнаб турган қиёмга сузиб олинган беҳи солинади. Мураббо 5-6 минут қайнагач, олови пасайтирилади ва қиём қизил тусга киргунига қадар пишириш давом эттирилади. 1 кг беҳига 1,2 кг шакар керак.

Олхўри мураббо тайёрлаш: яхши пишган олхўрининг бандларини олиб ташлаб, иссиқ сувга 5-6 минут солиб қўйилади. Сўнгра олхўрининг бир неча ери тешилади (баъзан пичоқ билан ўртасидан тилинади). Қиём алоҳида тайёрланади. Иссиқ қиёмни олхўри устидан

ёпиб, қишнинг ғамини кўради. Бунда бекалар шарбат ва мурабболарни тайёрлаш ҳамда банкаларга ёпиш вақтида амал қилиш керак бўлган қоидаларни ҳам билиб қўйиши зарур.

Меваларни тозалаб ювинг. Мураббо учун доим бутун, эзилмаган ёки тўла етилмаган меваларни танлаш мақсадга мувофиқ. Бу қоидадан мустасно ҳолда фақатгина олхўри ва олча яхши пишган бўлиши шарт. Пишиб кетган, эзилган меваларни шарбат қилишга ишлатган маъқул.

САРСАБИЛ (СПАРЖА)НИНГ БИЗ БИЛМАГАН ЖИХАТЛАРИ

Ўзбекистонда сарсабилни асосан гулчи-лар етиштириб, ёш новдаларини гулнинг орасига қўйиб сотишади. Бу нарса гулга чирой ато этади. Халқимиз унинг сабзавот эканлигини деярли билмайди. Эрта баҳорда поялари ўса бошлаганда уни 15-20 см тупроқ билан кўмиб қўйса, ўсаётган новдалари оқ бўлиб истеъмолга яроқли бўлади. У юқори таъм сифати ва декоратив хусусияти билан ажралиб туради.

Сарсабилнинг кўк новдалари минерал тузлар, оқсил, витаминлар В₁, В₂, В₆, С, РР ва провитамин А га бой. Қуруқ мевасида қандлар, ёғлар, кислоталар, каротин, оксидлар бор ҳамда уруғи - 16% гача ёғ сақлайди. Ёш новдалари тузли сувда қайнатиб пиширилган, қовурилган ва консерва қилинган ҳолда ишлатилади. Ундан турли салатлар тайёрланади.

Халқ табибатида қадимдан кўплаб касалликларни даволашда сарсабилдан фойдаланилган. У инсон танасидан хлоратлар, фосфатлар ва мочевинонинг чиқариб юборишга ёрдам қилади. Қон босимини пасайтиради, юракнинг ишлашини кучайтиради, чарчоқни олади. Илдизпоя билан илдиз қайнатмаса ва ерустки қисмининг дамламаси қовуқ яллиғланганда, буйрак, жигар, бод, подагра, қандли диабет касалликларини даволашда қўлланилади.

Доривор сарсабил пиезгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик икки уйли ўт-ўсимлик. Унинг 150 га яқин турлари мавжуд. Юртимизда 20 га яқини доривор сарсабил ҳисобида етиштирилади. Унинг илдизи икки хил бўлади: хусусий илдиз ва туганаксимон йўғон илдиз, унда озиқа элементларнинг захираси йиғилади. Кейинги йил ундан новдалар униб чиқиши учун у зарур ҳисоланади. 0,5 см қалинликдаги илдизи тупроқнинг 2 м қатламигача кириб боради ва турли томонларга тарқалади. Уларда ҳар йили ингичка ипсимон томирчалар шаклланади.

Пояси тик ўсувчи, сершоҳ, баландлиги 1,5-2 м. Барглари майда тангачасимон бўлиб, уларнинг қўлтиғидан барг вазифасини бажарувчи 4-6 тадан тўп-тўп бўлиб жойлашган 1-3 см узунликдаги, ипсимон новдалар ўсиб чиқади. Майда, яшил-сариқ рангли, олгита гулбаргдан ташкил топган, бир жинсли гуллари узун банди ёрдамида поя ва шоҳларда якка-якка ҳолда ёки иккитадан тангачасимон барглар қўлтиғига ўрнашган. Меваси юмалоқ шакли, сершира, кўп уруғли резавор

мева. Июнь-июль ойларида гуллайди, меваси сентябрь ойида пишиб етилади.

Сарсабил - совуққа чидамли экин. У - 30°С гача бўлган совуққа чидайди. Лекин ёш новдалари совуқдан жараҳатланиши мумкин. Ўсиш ва ривожланиши учун қулай ҳарорат 10-12°С. У нам севувчи ўсимлик. Аммо намлик ҳаддан юқори бўлса, илдизи чирийди.

Ўзбекистонда Давлат реестрига киритилган навлари йўқ. Лекин ҳэт эл селекциясига мансуб навлар экилади. Уларга кўк новдали Венская, Кўк Голландия, Снежная головка, оқ новдали - Горбутская, Мамонтовская белая, Ранняя желтая, Слава; қизил новдали - Брауншвейга, Гигант Радин-2, Мери навлари киради.

Сарсабил бир жойда 15 йилдан ортиқ ўсади. Сарсабил кўчат ва тупи бўлиш йўли билан кўпайтиради. бир-икки йил давомида очиқ кўчатхоналарда ва парникларда етиштирилади.

Кўчат экилгандан кейин бир неча марта суғорилади, кейин чуқурча (уя) га гўнг солинади. Икки-уч ҳафтадан кейин, ўсимлик тутиб олгандан сўнг тупроқ енгил юмшатиладиганда

илдизга шикаст етмаслиги керак. Пайдо бўлган узун поялар қозикларга бойлаб қўйилади. Кузда озгина тупроқ сепаб қўйилади.

Кейинги йилнинг баҳорида сарсабил 1 м²га 10-15 г. мочевино билан озиқлантирилади ва тупроқ 8-10 см чуқурликда юмшатилади. Кейинчалик тупроқ юмшоқ, бегона ўтлардан холи бўлган кўринишда тутилади. Қишга сарсабил чиринди билан ёпиб қўйилади.

Учинчи йил баҳорда тупроқ қуриши билан 20-25 см баландликда ўсимлик усти тупроқ билан уйиб қўйилади. Тўртинчи йил апрель ойида тупроқ уйими текислагач, ҳосилни йиғиштириш бошланиб 1,5-2 ой давом этади. Новдаларнинг етилгани унинг боши пайдо бўлгунча тупроқ юзасида ёриқлар пайдо бўлганидан аниқланади. Сарсабилнинг ҳосилдорлиги 1 м² дан 400-600 г. ни ташкил қилади. Ҳосили ҳарорати 1°С ва ҳавонинг нисбий намлиги 90% бўлган совуқгичда 2-4 ҳафта давомида сақланади. Ҳар сафар терилгандан сўнг илдизпоя тупроқ билан кўмиб қўйилади. Сарсабилдан оқ новдалар олиш учун ҳар йили кузда 15 см баландликда тупроқ уйиб қўйилади.

Оқартирилган сарсабил новдалари ҳосилини етиштириш анча машаққатли иш. Баъзи давлатлар кўк сарсабилни тупроқ уймасдан етиштиради. Лекин улар сифати бўйича оқ новдалардан қолишмайди.

Б.АЗИМОВ,
профессор, СПЭваКТИИ.





ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги экинзорларнинг катта қисми сунъий ирригация иншоотлари - лотоклар ёрдамида суғорилади. Оби-ҳаётнинг мақсадсиз ва ортиқча сарфланишининг олдини олишда тенгсиз ҳисобланган бундай мосламаларнинг афзалликлари аллақачон исботланган.

Шу билан бирга, чўл ҳудудларига ўрнатилган ва бир неча ўн йилдан буён фойдаланиб келинаётган лотокларнинг аксарият қисми таъмирталаб, ҳатто янгисига алмаштиришга ҳам муҳтож бўлиб қолаётир. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ана шу муаммонинг бартараф қилинишига эътибор қаратилмоқда. Лоток ишлаб чиқаришга ихтислашган корхоналар сони кўпайиб, улар моддий, молиявий ва технологик жиҳатдан қўллаб-қувватланыпти.

Жорий йилнинг ортда қолган даврида Жиззах вилоятида айнан лоток ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхона иш бошлади. "Ж-қурувчи" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган лойиҳа учун 1 миллиард 400 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ушбу корхона йилига 60 минг дона ёки 48 километр узунликдаги турли ўлчамдаги лоток ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги жамоада 35 кишининг доимий иш билан таъминлангани эса, нур устига нур бўлди.

Ушбу янги корхона ирригация бозорида ўзининг илк қадамларини босаётган бўлса, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган "Ирригация инвест" масъулияти чекланган жамияти бу борада ўзига хос тажриба тўплаб, кўникмага эга бўлган корхона ҳисобланади. Жиззах темир бетон буюмлари заводи негизда ташкил бўлган жамият қарийб 40 йилдан буён ирригаторлар билан ҳамкорлик қилиб келади. Бугун ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари фойдаланаётган сув иншоотларининг катта қисми мана шу жамоа қўлидан чиққан жиҳозлар билан таъминланган, десак муболаға бўлмайди.

- Икки вилоятдаги ирригация тармоқларини реконструкция қилиш ишларини амалга ошираётган корхоналар билан ишлаймиз, - дейди МЧЖ раиси Собир Зокиров. - Жорий йилда уларни 20 километрдан ортиқ узунликдаги турли ўлчамдаги лотоклар билан таъминлашни зиммамизга олганмиз. Шартномага биноан вегетация мавсуми бошигача фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектлар учун 170

дона атрофида лотоклар етказиб берилди. Айни кунларда биз тайёрлаган бетон "арик"лар ёрдамида Зафаробод, Арнасой, Боёвут, Сардоба каби ўндан ортиқ тумандаги минглаб гектар экинзорлар оби-ҳаётга қондирилмоқда.

"Ирригация инвест" МЧЖ билан ҳамкорлик қилаётган қурилиш қорхоналари ҳақида сўз кетганда объектлардаги ишларни сифатли қилиб, вақтида бажариб келаётган "Оқолтиндавсувмахсуспудрат" ДУК, "Махсумелиорациятаъмир" ШК, "Элитгидростройсервис" МЧЖ каби жамоаларни санаб ўтиш жоиз бўлади. Лоток ишлаб чиқариш корхонаси ва бунёдкорлик жамоаларининг ўзаро манфаатли фаолияти туфайли шу йилнинг ўзида 5 минг гектар майдондаги галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдонларни айни жазирама кунларда беминнат сув билан таъминлаш имконияти яратилди.

- Суғориш мавсуми бошлангунга қадар "Ирригация инвест" МЧЖнинг 4,7 километр узунликдаги лотокларини қабул қилиб олдик, - дея мулоҳаза юритади Сирдарё вилоятининг "Элитгидростройсервис" МЧЖ иш бошқарувчиси Элмиддин Дурсунов. - Буюртмамининг ишлаб чиқарувчи томонидан қисқа муддатда бажарилиши натижасида объектдаги юмушларимиз муддатидан олдин яқунланди.

Сув ресурслари танқислиги йилдан йилга сезилиб бораётган бугунги кун оби-ҳаётни тежайдиган барча усул ва воситалар, жумладан лотоклардан ҳам унумли фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бу эса, лавҳамиз қаҳрамонлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг долзарб ва муҳимлигини яна бир бор исботлайди.

Х.КАРИМОВ,
ўз муҳбиримиз.

Суратда: "Ирригация инвест" МЧЖ ишчилари - Фулом Шодмонов (чапдан), Акбар Акрамов ва Ҳаёт Юнусовлар янги лотокларни кўздан кечиришмоқда; "Элитгидростройсервис" МЧЖ иш бошқарувчиси Элмиддин Дурсунов (чапда) ва техника нозир Темур Исломов.

ДОРИЛОМОН КУНЛАР НАШИДАСИ

30 йил бурунги кун билан бугунни ҳечам солиштириб бўлмайди. Бири-биридан обод манзиллар, қишлоқлар, намунали уй-жойлар, замонавий типда қурилган ижтимоий соҳа объектлари, маиший хизмат ва савдо шохобчалари аҳоли хизматида.

Ёшим 67 га етди. Шу ёшда ҳам янгилик яратишга, одамларга фойдам тегишига ҳаракат қилияпман.

Асли касбим иқтисодчи. Бутун умрим, ҳаётим қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтди. Вилоят, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва бўлимларида ҳисобчи, бош ҳисобчи лавозимларида ишладим. Иш билан бирга фарзандларим қишлоқ жойда бекор юрмасин деб 1993 йилдаёқ чорвачиликка ихтисослашган “Мўминобод чорва маҳсулотлари” фермер хўжалигини ташкил этдим. Ҳозирги кунда 80 бош қорамол, 50 бош қўй-эчки боқаяпмиз. Йилига 15 тонна сут, 4 тонна гўшт ишлаб чиқариб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилияпмиз. Келгусида ҳам оиламиз билан чорва моллари бош сонини оширишни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, ерлардан оқилона фойдаланиб, картошка, пиёз, сабзи, шолғом каби қишлоқ хўжалиги экинлари экиб келяпмиз. Бунда “Чархинкимё”

МЧЖ негизида ташкил этилган дўконлардан азотли, фосфорли, калийли минерал ўғитларни ўз вақтида олиб турганимиз туфайли юқори ҳосилдорликка эришилмоқда. Ҳозир тумандаги 3 та мактабгача таълим муассасасини сут, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келяпмиз.

Бутун дунёда аини пайтда миллионлаб одамларнинг қорни нонга тўймай, оч-наҳор яшаётган, иқтисодий инқироз кетаётган бир пайтда юртимиздаги тўкинлик, ободлик, тинчлик ва хотиржамликнинг ҳаммаси муस्ताқиллик яратиб берган имкониятлар самарасидир. Қолаверса, муस्ताқиллигимиз меъмори — биринчи Президентимиз Ислам Каримов орзу қилган кунлар нашидаси десам асло хато бўлмайди. Қарга қараманг, курилиш, бунёдкорлик ишлари, бозорлардаги тўкин-сочинлик, арзончиликни айтмайсизми?

Мана шуларни дилдан ҳис қилган ҳолда яшаб, меҳнат қилаяпмиз. дориломон кунлар шукронаси бизни янада улкан натижаларга эришишимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат бағишламоқда.

Мамарайим БЕРДИАЛИЕВ,

Пастдарғом тумани “Мўминобод чорва маҳсулотлари” фермер хўжалиги бошлиғи.

БАРАКА АҲИЛ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Юрган йўлларимизда сахийлик ва фидойилликни кўрсак, қалбимиз нурга тўлади. Зеро, жаннатмакон Ўзбекистонимиз халқи меҳнати билан эъзоз топган эллардан ҳисобланади. Тинчлигимиз, тотувлигимиз ўз ризқини ўзи яратиб яшаётган халқимизга ярашади.

Сўзимизни мухтасар айлаб, фидойи элдошларимиз ҳақида фикр юритсак. Раҳматилла ота Мавлонов далалар ҳавосини, кенг гуллар экилган боғларни хуш кўради. Болалиғи, ёшлиғи шу далалар шабадасида, жазирасида тобланди, Жиззахнинг Дўстлик туманида яшаб, ҳалол меҳнати билан элга танилди. 1991 йилда мамлакатимизда биринчилардан бўлиб “Чашма-2” фермер хўжалигини тузди. Қийинчиликлардан чўчимай меҳнат қилди, азиз бўлди. 2015 йилда ота нафақага чиқиб, унинг ўрнига хўжаликка ўғли Зоир Мавлонов раҳбарлик қила бошлади.

- 2016 йилда 29 гектар ерга ғалла экиб, режадаги 34 центнер ўрнига 60 центнердан ошириб ҳосил олдик, - дейди у. - 42 гектар ерга пахтанинг “Анбоёвут” нави экилди. Ундан ҳар гектар ҳисобига режадаги 31 центнер ўрнига 36 центнердан хирмон уйилди, бу 105 фоиз демакдир. Бу йил 29 гектар ерга ғалла, 42 гектар ерга уруғлик пахтанинг “Порлоқ” нави экилди. Баракани кузда биламиз.

18 нафар ишчи-хизматчимиз бор, уларнинг оилаларида тўкинлик бўлишига ҳаракат қиламиз. Тарвуз, қовун, картошка, пиёз, кўкатлар, бодринг, помидор, хуллас, ўзимизга керакли маҳсулотларни иккинчи экин сифатида етиштирамиз.

Томорқа хўжалигига эътибор оила аъзоларининг асосий вазифасига айланган.

- Мева ва сабзавот, полиз маҳсулотларини ўз боғингдан узиб олиб есанг ширин, ишонarli ва сифатли бўлади, невараларга ҳам фойдали, - дейди Раҳматилла

ота Мавлоновнинг умр йўлдоши Моҳира ая.

Ҳа, бу гапда жон бор. 6 сотих жойдаги олма, гилос, ўрик ва узум шохларида етишган мева маҳсулоти етарли. Сабзи, пиёз, кўкатлар ҳам бисёр. Қўй-қўзи, парранда ҳам уйда боқилади. Қайнонаси кўп ишларни ўрганган Ўғилой Мавлонова ишда ҳам, уйда ҳам турмуш ўртоғи Зоиржонга ҳамкор. Аҳил қайнона-келиннинг саъй-ҳаракатлари билан хўжаликда ҳар йили 4 қути ипак қурти боқилади, давлатга 180 кг. пилла топширилади.

Атроф ободончилигига эътибор қаратган Зоир Мавлонов тармоқни кенгайтиришни ўйлаб, келгусида қишлоқда халққа хизмат кўрсатувчи кичик шохобчалар қуришни ният қилмоқда. Йилнинг баракасини кутаётган деҳқоннинг мавсуми тўкинликка, сахийликка тўла бўлсин.

Суратда: “Чашма-2” фермер хўжалиги раҳбари Зоир Мавлонов. Ўз мухбиримиз.



БЕШБОЛАЛИКЛАРНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛИ

Хар бир баркамол инсон келгуси авлодларга эзгу амаллар, хайрли ишлар қолдириш учун интилиб яшайди. Хар сафар Фарғонага йўлим тушганда, бу шаҳар ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори гуллаб, яшнаб бораётганлигини ва айниқса шаҳарга кираверишдаги Бешбола қишлоғида ниҳоятда дид билан худди тирикдек қилиб ишланган от ва кийик ҳайкалига кўзим тушади. Мазкур мўъжизавий қурилма ғоясининг муаллифи, ташкилотчиси билан қизиқиб, шу атрофда келаётган нуронийларга юзландим.

— Табиатнинг сўлим, ажойиб гўшаси, содда, оққўнги ва иймон-эйтиқодли, меҳмондўст халқи билан гўзал Бешбола маҳалласи кўркам Фарғона шаҳрининг остонаси саналади. Қишлоғимизда эл-юрт ободлиги, тўкинлигига муносиб ҳисса қўшиб яшаётганлар кўплаб топилади. Улар орасида Шавкатжоннинг ўрни алоҳида эътирофга лойиқ. Кўриб турганингиз худди жонлидек ўйноқлаб турган кийиклари отлар



Шавкатжоннинг шаҳримиз ободлигига қўшган ҳиссасининг бир бўлаги, -- дейди оқсоқоллардан бири, бешболалик таниқли ёзувчи-журналист Омонжон ака Ҳошимов.

Серкўёш ўлкамизда истиқлол шабадаси эса бошлаганида Шавкатжон биринчилардан бўлиб "Бешбола Шавкат Саховат" фермер хўжалигига асос солди. Унга хўжаликнинг маҳсулдорлиги пасайиб кетиши оқибатида иқтисодий таназзулга юз тутган молхонаси ва ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилган иссиқхонасини ишониб топширишди. Қишлоқ хўжалигининг илмий асосларига, илғорлар ҳамда хорижликлар тажрибаларига таянган ҳолда ишни ташкил қилиш баробарида эл ишончи оқланиб, чорва моллари сон ва сифат жиҳатидан яхшиланиб, ҳар бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 2-3 литрдан 15-20 литрга, иссиқхонадан етиштириладиган сабзавот ҳосили 20 тоннадан 140 тоннага етди.

Тез орада маҳалла гузарининг қуриб ишга туширилиши унинг дастлабки саховатли иши эди.

У аста-секин хўжалиқда мукамал техника базасини яратди. Шунинг учун барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилади ва ҳатто шартнома асосида бошқа хўжаликларга техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам

намунали йўлга қўйилган.

Фермер хўжалигига тошлоқ, унумдорлиги паст, айниқса, сув таъминоти анча мураккаб ер майдонлари ажратиб берилган бўлса-да, астойдил ўқиб-изланган фермер ва унинг атрофидагилар меҳнати билан ерларнинг хоссалари тубдан яхшиланди. Хар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қатор йиллар давомида гектар бошига 70-80 центнердан ошириб сифатли уруғлик дон етиштирилиб келинмоқда. Ҳосилдорлик 4 бараварга ортди.

Хўжалиқдаги мавжуд 26 гектар боғнинг 6 гектарида гипос, 20 гектарида шафтолининг сара, экспорт навлари мевалари ҳосилининг деярли ҳаммаси экспорт қилинмоқда.

— Харидорлар маҳсулотларимизга олдиндан буюртма бериб қўйишади. Келгусида боғлар ҳажмини мева турларини кўпайтириш орқали кенгайтириш, иссиқхона қуриш, аҳолини йил давомида сифатли сабзавот-мева билан таъминлаш баробарида бозорларимизнинг тўкинлигига ҳисса қўшиш каби ниятларимиз бор, — дейди Шавкатжон Саидалиев. — Бу борада дастлабки қадамлар қўйилган. Имкониётларимиздан келиб чиқиб, белгиланган ишларимизни ниҳоясига етказамиз.

— Етти хазинанинг бири бўлган пиллачиликнинг аллақачонлар барқарор тармоққа айланганлиги хўжалиқда талабларга мос келадиган махсус пиллаҳона қурилиши билан мустақамланди. Шунинг учун ҳар йили бу борадаги режалар ортиғи билан пешқадамлар сафида уддаланиб келинмоқда.

— Шу аҳил жамоа ишни бошлаган вақтларимда сабр билан, асосийси ишонч билан менга эргашишди. Эндликда ютуқларимиз жамоамизники. Уларнинг ҳаётий муаммоларини эса ўзимники деб қабул қиламан. Шаҳар худудида жойлашганлигимиз туфайли ободонлаштириш ишларида қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Асосий вазифамиз хўжалик ерлари унумдорлигини муттасил ошириб бориш, бинобарин, Мавлоно Румий айтганларидек:

*Ер ҳалолдир, беҳиёнат ҳар маҳал
Экканингни қайтариб бергай тугал.*

— Танти, меҳнатсевар халқимиз ҳар доим эгуликни кадрлаб келган. Саховатпеша инсон Шавкатжон Саидалиев ёш бўлса-да, эл ва ер фарзанди бўлишга улгурди. Унда



ҳақиқий ўзбек йигитининг тимсоли, эрийгитлик мужассам. Ватанимизнинг бунданда нурли келажаги қаҳрамонимиз сингари баркамол ўғлонларнинг хизмат ва ғимматларига эш бўлаверсин.

Ўз мухбиримиз.

ДАЛАЛАРДА ҚАЙНАЙДИ ҲАЁТ

Ҳикоямиз қаҳрамони Бурхон Джалғашев 1966 йилда Сирдарё туманида деҳқон оиласида туғилган. Унинг болалиги, ёшлиги, ҳатто бугуни ҳам далаларга боғланди. 1986 йилда Сирдарё вилояти, “Оқ олтин” туманидаги техника-машинасозлик билим юртини тугатди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, ўзи яшаётган хўжалиқда бригада бошлиғи вазифасида ишлаб, 60 гектар ерда пахта етиштирди. Белгиланган режаларни ўз вақтида уддалагани учун тез орада уста пахтакор сифатида танилди.

Деҳқончиликда янги йўналиш бошланган 1996 йилда фермерлик ҳаракатига қўшилди. Шундай қилиб, “Тилов ота” фермер хўжалиги тузилиб, 11 гектар ерга пахта уруғи қадалди.

– Дастлаб уч киши иш бошлаган хўжалигимизда бугунги кунда 12 нафар ишчи меҳнат қилмоқда, – дейди фермер. – 77 гектар ер майдонининг 30 гектарига пахта, 22 гектарига ғалла, 22 гектарига чорва учун озуқа экинлари – беда, маккажўхори, арпа экяпмиз, 3 гектар ерда боғдорчиликни йўлга қўйдик.

Ишчилар дам олиб, хордиқ чиқаришлари учун қурилган дала шийпони доимо озода, саранжом-



саришта. 20 сотих жойдаги сунъий ҳавзада эса баликлар ғужғон ўйнайди. Хўжалик аъзоларининг ўз вақтида яйраб-яшнаб дам олишлари, хордиқ чиқаришлари уларнинг фидокорона меҳнат қилишлари учун замин бўлмоқда.

Йиллар давомида мукамал тажриба ва кўникмалар асосида иш олиб борган фермер барча тармоқлар бўйича юқори натижаларга эришиб келаяпти. Паст ҳосилли ерлардан ҳам юқори ҳосил олишни кўзлаган, излаб имконини топган хўжалик аъзолари ўтган йили 10 гектар ерга ғалла уруғи қадаб, режадаги 28 центнер ўрнига 55 центнердан дон ҳосили йиғиб олишди. Режада белгиланган 25 центнер ўрнига 40 центнердан пахта хирмони бунёд этилди.

Тушлик пайти бўлгани боис тракторчи Камол Исмоилов, сувчилар Фурқат Фазижаев, Жаҳон Жалғашевларни шийпон яқинида учратдик.

– Суғориш ишларида фермер хўжалигимиз раҳбарининг ўзлари бош-қош бўладилар, – дейди сувчи Собир Аввалбаев. – Суяги далада, меҳнатда қотгани учун Бурхон ака деҳқончиликнинг барча сир-асрорларидан яхши хабардор.

– Хўжаликнинг техникаси етарли, ҳатто атрофдаги фермерларга ҳам бу соҳада ёрдам кўрсатишмоқда, – дейди СИУ раиси Раҳмон Жайнақов.

Дарҳақиқат, фермер СИУ раиси билан маслаҳатлашган ҳолда байрамлар ва турли тадбирларда кам таъминланган оилаларга, мактаб, болалар муассасаларига ёрдам уюштириб туради.

Чорвачилик етакчи соҳалардан бири ҳисобланади. Буни билган Азизбек Жалғашев ҳам отасига ёрдамчи бўлиб, молбоқарликни ўзига касб қилди. 85 бош аралаш қорамолнинг 30 боши “Қора ола” зотли бўрдоқи қорамоллардир. Хўжалиқда 26 бош соғин сигир, 19 бош бузоқ, 63 бош совлиқ қўй, 40 бош бўрдоқи қўчқор, 56 бош қўзи боқилмоқда. Ишчилар Улуғбек Жавқанов ва Дилшод Эргашев қўй-қўзиларнинг соғлом боқилишига масъул. Йилига 6 тонна арзон ва сифатли гўшт маҳсулоти истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Фермер оиласида доимо тотувлик, меҳр-муҳаббат ҳукмрон. Икки ўғилу икки қизнинг онаси Раъно Жалғашева мактабгача тарбия муассасасида тарбиячи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, у хўжалик ишларида ҳам турмуш ўртоғининг ёрдамчиси, маслаҳатгўйи.

– Биз аёллар шойи ва атласдан тикилган либос кийишни хуш кўрамыз, миллий кийимимизда, ҳаммага бирдай ярашади. Ипак тола етиштириш эса бир ойлик қаттиқ меҳнат талаб қилади, бундан чўчимаслик керак, инсонни меҳнат улуғлайди...”, – дейди у.

Яратиш, яшнатиш завқи билан яшаётган фермернинг ҳар куни файзли, завқли ва жўшқин ўтмоқда. Хўжалик йилига 300 миллион сўм даромадга эга бўлиб, соф фойда 70 миллион сўмни ташкил қилади. Фермер Бурхон Джалғашев ушбу маблағни чорва сонини кўпайтиришга, гўштни қайта ишловчи цех қуришга сарфлашни мақсад қилган. Унинг бу эзгу орзулари яқин вақтда, албатта, амалга ошишига ишончимиз комил.

Ш.СОДИҚОВА,

Суратда: фермер хўжалиги ишчиси Улуғбек Жавқанов.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— *Мен яшайдиган ҳудудга яқин жойларда ёнғоқ етиштириш учун қулай бўлган лалми ерлар мавжуд. Мен ушбу ерларда ёнғоқ плантацияларини ташкил этмоқчиман. Шундай плантациялар ташкил этилган тақдирда, фаолиятим давомида ҳамкорлик қилишим мумкин бўлган ташкилотлар ҳамда республикамизда яратилган имтиёзлар юзасидан маълумот берсангиз.*

Х. Синдоров.

Қўшабот тумани.

— Сиз мурожат қилган масалаларга, шунингдек, ушбу соҳани ривожлантиришга республикамизда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, 2017 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори (ПҚ-3025-сон) қабул қилинди.

Мазкур қарор билан ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси, "Ёнғоқ логистика маркази" ҳамда "Sag agro МТП" МЧЖ ташкил этилди.

Белгиланган тартибга кўра, "Sag agro МТП" МЧЖ ёнғоқ ишлаб чиқарувчиларга агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича механизация хизматлари, "Ёнғоқ логистика маркази" ёнғоқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга, экспорт қилинадиган маҳсулотларни тайёрлаш ва божхона ҳужжатлари расмийлаштирувини таъминлашга ихтисослашади.

Сиз ёнғоқ плантацияларида агротехник тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ёнғоқ маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва экспорт қилиш масалалари юзасидан мазкур ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишингиз мумкин.

Шунингдек, мазкур қарор билан ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Уюшма таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан четдан олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган томчилатиб суғориш ускуналари, маҳсус қишлоқ хўжалиги техникалари, ёнғоқ кўчатлари, пайвандтаглари, пайвандустлари, оналик ма-

териаллари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат асосида божхона тўловларидан 2020 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилди.

— *Мен фаолият юритаётган ташкилот ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни ишлаб чиқариш, сотиш билан шуғулланади. Мазкур ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва бу ҳақдаги рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси мавжуд. 2017 йил 5 июнда ташкилотимизнинг почта манзили ўзгарди. Бундай ҳолатда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш шартми?*

Н. Раҳматов.

Тойлоқ тумани.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озуқабоп қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ юридик шахс ўзгартирилганда, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, юридик шахс қайта рўйхатдан ўтгандан кейин етти иш куни мобайнида Давлат ветеринария кўмитасига рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда топшириши шарт.

Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасини қайта расмийлаштириш ва бериш Давлат ветеринария кўмитаси томонидан ариза ва тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатда амалга оширилади.

— *Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилиш тартибини тушунтиринг.*

Р. Раҳматов.

Андизжон шаҳри.

— Республикадан чет мамлакатларга олиб чиқилмайдиган уруғлар, кўчатлар, ўсимликлар, бошқа биологик объектлар ва ўсимлик маҳсулотлари ўсимликлар карантини

ва муҳофазаси бўйича халқаро битимларда, шунингдек савдо шартномаларида назарда тутилган шартларга жавоб бериши, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилмайдиган биологик объектлар Рўйхатига кирмаган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, экспорт қилинадиган уруғларнинг, ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотларининг ҳар бир туркуми белгиланган нусхадаги фитосанитария сертификати билан бирга жўнатилиши керак.

Уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ана шу маҳсулотларни мамлакатдан ташқарига жўнатиш мўлжалланаётган санадан камида ўттиз кун олдин тегишли вилоят, туман ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати органларини хабардор этишлари, улар билан биргалликда маҳсулотларни жўнатиш учун мақбул жойни аниқлашлари, жўнатишга ўн беш кун қолганда эса экспорт қилинаётган маҳсулотни текшириб кўриш учун тақдим қилишлари шарт.

— *Уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини республикамизга импорт қилишда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш бўйича қандай ҳужжатлар талаб этилади?*

Л. Хўжаев.

Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикасининг "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, чет мамлакатлардан республикага уруғларни, ўсимликларни ва ўсимлик маҳсулотларини олиб киришга:

Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси берадиган карантин руҳсатномаси;

экспорт қилаётган мамлакатнинг ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари берадиган фитосанитария сертификати ёки гувоҳномаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Саволларга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги юридик бошқармаси бош мутахассиси Дилмурод ҲУСАЙНОВ жавоб берди.

ЯНГИ МАВСУМГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

"Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясида янги мавсумга тайёргарлик тизимли асосда олиб борилмоқда. Пахта тозалаш ва ёғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мавсумга техник ва технологик жиҳатдан оптимал тайёрлигини таъминлаш, хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни кучайтириш ва рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, соҳага инвестиция жалб этиш сингари долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятининг Шеробод пахта тозалаш заводида амалга ошириляётган қиймати 4 миллиард сўмлик қайта модернизация қилиш лойиҳаси натижасида, мазкур заводда ҳам ўрта, ҳам ингичка толали пахта қайта ишлаш имкони яратилади. 20 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга корхона 2017 йилги пахта ҳосилини қабул қилиш мавсумига қадар тўлиқ қурилиб, шай ҳолга келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури"га кўра, амалга оширилган 5 та лойиҳа бўйича маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясига берган тавсиялари, кўрсатма ва тақлифлари асосида, ҳозирда Хонқа туманида умумий қиймати 10 млрд. сўмлик енгил конструкцияли қурилиш материалларидан фойдаланилган экспериментал пахта тозалаш корхонасининг қурилиши белгиланган режага мувофиқ жадал суръатда давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур корхонага замонавий техника-технологиялар ўрнатиш, илғор ахборот коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш, энг муҳими янги мавсумга қадар тўлиқ ишга туширилиши кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларнинг тезкорлиги, аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида электрон тарозилар ўрнатилади. Қолаверса, бу ерда камхарж, самарли ҳамда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш ва ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олдини олишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Лойиҳанинг эътиборли томони шундаки, корхона айни пайтда экспериментал илмий муассаса сифатида олимлар-

нинг тадқиқот ва изланишлари учун ҳам муҳим марказга айланади. Пахта саноати соҳасида илмий ишлар билан шуғулланаётган олимлар, тадқиқотчи ёшлар ўз лойиҳа ва ишланмаларини реал вазиятда, малакали мутахассислар билан ҳамкорликда амалиётда синаб кўриш имконига эга бўлишади. Ўз навбатида бу ерда тўпланган тажрибалар, синовдан муваффақиятли ўтган илғор ишланмалар пахта саноатининг барча тизимларига татбиқ қилинади.

Шунингдек, аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шаҳарнинг аҳоли истиқомат қиладиган қисмида жойлашган корхоналарни шаҳар ташқарисига кўчириш ишлари олиб бориляпти. Жумладан, Хоразм вилоятининг Хива туманида умумий ер майдони 7,5 гектардан ибрат пахтани қабул қилиш тайёрлов масканининг қурилиши бошлаб юборилди. 33 та гарам майдонини ташкил этув-



чи мазкур маскан жорий йилнинг 1 августига қадар қуриб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлиб, бир мавсумда 18 минг тонна пахта хомашёсини қабул қила олади.

Маълумки, ҳозирда бўш турган бино ва ер майдонларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ва хорижий бозорлар учун сифатли маҳсулотлар етказиб бериш масаласига бутун республикада катта эътибор қаратилмоқда. "Ўзпахтасаноатэкспорт" холдинг компаниясида ҳам бу борада махсус дастур ишлаб чиқилди. Мазкур пахта тозалаш корхоналаридаги бўш турган бино ва ер майдонларида енгил конструкцияли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объекларини ташкил этиш Дастури 2017-2018 йилларга мўлжалланган бўлиб, унга киритилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 168 миллиард сўмни ташкил этади. Дастур доирасидаги лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида тизимда қўшимча 6 мингта иш ўрни яратилади. Қолаверса, ҳар бир пахта тозалаш корхонаси қошида фартук ва бошқа зарурий материаллар ишлаб чиқарувчи тикув цехлари фаолияти йўлга қўйилади. Бу жараёнга маҳаллий тикувчи-қасаначилар ва шу йўналишда фаолият олиб бориш қобилиятига эга имконият чекланган фуқаролар ҳам жалб этилмоқда.

Бинобарин, холдинг компанияси томонидан ўзбек пахтаси толасининг нуфузини янада ошириш, хорижлик харидорлар билан ҳам муносабатларни ривожлантириш бўйича фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Чунончи, Фарғона ва Жиззах вилоятида компаниямиз билан Жаҳон банкининг Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлигида "BCI" талаблари асосида пахтачиликнинг барқарор тараққиёти стандартларини жорий этиш бўйича пилот лойиҳа амалга ошириляётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Муслим МИРЗАЖОНОВ,

"Ўзпахтасаноатэкспорт" ХК матбуот хизмати ходими.



МАТОНАТ БОР БУ ЭЛДА

Жиззах республикамызда ўзига хос иқлимга эга бўлган вилоят ҳисобланади. Гир атрофи тоғ ва чўллардан иборат вилоятда бугунги кунда пахта, галла, чорвадан ташқари боғдорчилик ва томорқа хўжалиklarини ривожлантиришга эътибор яна кучайтирилган бўлиб, жорий йилда 1212 гектар ерда янги интенсив боғлар барпо қилинди.

Янги токзорлар яратиш режаси 800 гектарни ташкил қилди. 403 гектар ердаги боғ ва 66 гектар токзор қайта экиб янгиланди. 105 500 гектар ерга, шу жумладан, 90 000 гектар лалми ерларга экилган галланинг олтин бошоқлари қуёш нурларидан баҳра олиб, бўлиқ ҳосилдан дарак бермоқда. Янги экин турини қишлоқ хўжалигига жорий қилиш ниятида 500 гектар ерга соя экилган. Халқ истеъмоли ва республика саноатини ривожлантириш йўлидаги юксак интилишлар ва изланишлардан четда қолмаётган жаззахликларнинг жорий йилдан умидлари катта.

Пахтакор туманидаги "ЯЗ Бекзод" фермер хўжалиги ана шундай илғор ва етакчи хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжаликни 2001 йилда кўп йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳисобчилик қилган, эл таниган Зокир Яхшибаев ташкил қилди. Дастлаб жамоага 20 дан зиёд ишчи жалб қилиниб, 150 гектар ерга пахта ва галла экинлари экилди. Ҳосилдорлиги паст, Навбаҳор ҚФЙга қарашли ташландиқ, экин экилмайдиган ярми қамишзорликлардан иборат ерларда ҳаёт қайнади. Тинимсиз меҳнат, берилган озуқа, қаров натижасида бу ерларда йил сайин ҳосил салмоғи ошди.

Ўтган йили 79 гектар ерга экилган галладан режада белгиланган 29 центнер ўрнига 50 центнердан ҳосил олинди. Бу йил 45 гектар ердаги буғдой ўримга қолди.

- Натижани ҳосилни йиғганда кўрамиз, - дейди камтарлик билан Зокир ака. - Ўзбек халқи -- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги меҳнати орқали танилган, биз ҳам ота-боболаримиз изидан борамиз. Ҳўрматли Президентимиз ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан деҳқоннинг ишига ҳам эътибор берилиб, сийлов кўрмоқда. Бу йилги эккан буғдойимиз "Ғозгон" нави бўлиб, шундан 25 гектари уруғлик. Ҳосил орқ гектар ердан 50 центнердан ортиқ бўлишига умид боғлашмоқда.

Ўтган йили 7 гектар ерга пахта экиб, 40 центнердан ҳосил олган

миришкорлар бу йил 41 гектарга пахта экишди. Давлат режаси 29 центнерни ташкил қилса-да, хўжалик аъзолари яхши ниятлар билан 40 центнерлик марра учун курашмоқда. Бир текис униб ривожланган ғўза қатор ораларига кўз ташлаб, бу етилаётган ҳосилда жамоа аҳлининг ва шу қаторда



илғор сувчилар Ҳасан Эргашев, Мухтор Санақулов, кунни тунга улаб, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказайтган тракторчилар Йўлдош Эгамбердиев, Шуҳрат Шодиевларнинг катта ҳиссаси борлигига шубҳа йўқ.

- Техника деҳқоннинг қаноти, деганларидай 100 фоиз техникага эга хўжалик атроф фермерларига ҳам техника хизмати кўрсатмоқда. Бу эса яна бир қўшимча даромад демакдир. 3 та галла ўриш комбайни, 4 та ер ҳайдов трактори, 3 та ғўза культиватори ва ишчилар хизматига қулайлик яратаётган катта автобус ҳам мавжуд.

2013 йилда ота фарзандлари билан келишган ҳолда яна бир катта ишга бош бўлди. Янги чорвачилик хўжалиги ташкил қилиш фикри туман раҳбарлиги ва мутасаддилари томонидан қўллаб-қувватланиб, 20 гектари суғориладиган, аммо сув тақчил бўлган ерлар, қўшимча яна 54 гектар ер ажратилди.

Шундай қилиб 3 нафар ишчи билан "Бекзод насли моллари" чорва фермери ўз ишини бошлади. Бу хўжаликка отанинг ёнида изла-

ниб, ўрганиб юрган, чорва боқишга иштиғи баланд бўлган ўғли Бекзод Яхшибаев раҳбарлик қила бошлади. 1984 йилда Пахтакор туманида туғилиб ўсган йигит мактабни аъло баҳоларга тугатгач, Тошкент давлат аграр университетида ўқиб, ҳисобчилик ихтисосига эга бўлди.

- Отамнинг ёнида юриб иш ўргандим, мен ҳам қишлоқ хўжалигида тўхтадим, - дейди суҳбат чоғида кулибгина ёш фермер. - Дастлаб 30 бош жайдари қорамолларимиз бор эди. Бугун наслчилик мақомини олган хўжалигимизда 150 бош зотдор: 70 бош "Сементал", 80 бош "Гольштин" зотли қорамоллар боқилмоқда. Шуларнинг 70 боши соғин сигирлар бўлиб, кунига 500-600 литр сут соғиб олинади. Сут маҳсулоти шартномага асосан тумандаги "Зухурбек Эъзоз" хусусий корхонасига топширилади.

Ҳа, унинг мамнун қиёфасида изланувчанликни кўрдик. Аҳолига, корхоналар ва бозорга арзон ва сифатли гўшт, сут маҳсулотлари етказиб бераётган хўжаликда иш қизгин. Ёпиқ шароитда боқилаётган қорамолларга ҳар йили қишки озуқа жамланади. Бунинг учун 30 гектар ерга маккажўхори, 20 гектар ерга сули, арпа, буғдойнинг ёввойи тури экилади. Йилига қорамолларни қишлоқдан соғлом чиқариш учун 400 тонна силос, 200 тонна сенаж тайёрланади. Булардан ташқари 4 гектар ерга лавлаги экилган. 20 гектар ердаги кўп йиллик беда ўсимлиги йилига бир неча марта ўриб-йиғиб олинади. Негаки 100 бош совлиқ қўй ҳам бор.

Бекзод Яхшибаевнинг янги режалари билан қизиққанамизда, у шундай деди:

- Ватанимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, меҳнатимизга яраша эътибор ва эъзоз кўряпмиз. Ҳар йили 60 млн. дан зиёд соф фойда қиламиз. Шунинг ҳисобига яна чорвачиликни ривожлантириб, сут ва гўштни қайта ишловчи цех қуришни ният қилиб турибмиз.

Суҳбатимиз анча вақтгача чўзилди. Ишчанлик, саодат барқ урган чеҳраларда келажак улуғворлигини кўрдик.

Ш.ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Бекзод Яхшибаев қорамолларни кўздан кечирмоқда.

ШИЖОАТДАН ЯРАЛГАН БАХТ

Инсон ҳаётининг ҳар бир сонияси ўтиши билан тарихга айланади. Бинобарин, тарихни ортга қайтариб бўлмайди. Зарварақларда зикр этилган воқеа, тафсилотлар инсон хотирасининг дуру-гавҳари бўлмоғи умрнинг яхши бўлиб, яхшилик қилиб яшганликнинг ифодасидир. Яхшиликлар асосини шижоатдан яралган бунёдкорлик ишлари ташкил қилади. Демакки, яратиб, яшнатиб яшаш мазмунли ҳаёт мезонидир. Бухоро тумани "Робот Қалмоқ" маҳалла ҳудудида жойлашган "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалиги бошлиғи қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, "Меҳнат шухрати" ордени нишондори Муҳаммад ака Аҳмедов билан бўлган мулоқотдан сўнг беихтиёр қаршимда мазмунли умр соҳиби гавдаланди

Ўрта мактабни намунали хулқ ва аъло баҳоларда тугатган Муҳаммад ака ўзи ўқиган илм даргоҳида ишлаш билан бирга Бухоро педогогика институтининг география факультетини тугатиб, 1978 йилда ўқитувчиликдан мактаб директори ўринбосарлигига тайинланди.

Муҳаммад акадаги ғайрат туман раҳбарияти томонидан эътироф этилиб, у 1980 йилда "Маданият" хўжалиги раис ўринбосарлигига сал ўтмай хўжалик раислигига тайинланди. Нуфузли вазифа қаҳрамонизга хўжаликни исми жисмига мос ва хос бўлган чўққига чиқариш масъулиятини юклади.

— Ишни аввало хўжаликка инсон омилини шакллантирган ҳолда деҳқончилик маданиятини олиб киришдан бошладик, — дейди Муҳаммад ака Аҳмедов. — Қишлоқ хўжалигининг, агро илмнинг илмий асосларига таянган ҳолда ўтказиладиган ҳар бир агротехник тадбирни хўжалик тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилганлиги ҳисобига, раҳбарлигимдаги ўтган 20 йилга яқин давр давомида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кескин даражада ошишига эришдик. Хусусан, пахтадан гектаридан олинандиган ҳосил 31 центнердан 53 центнерга, ғалладан эса 18 центнердан 70 центнерга кўтарилди. Қишлоқ хўжалик экинларидан ҳар қандай иқлим шароитида, йилнинг қандай келишидан қатъий назар мўл ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича "Маданият" илмий-амалий тажриба мактаби яратилди. Амалиётдаги мактабда вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича фарий

ўринбосари сифатида агросаноат тизими вакилларига мавсум давомида ўқув машғулоти ўтказиб турилди.

Юртимизда, қолаверса дунёга Бухоро ўзининг бетакрор мазали қовунлари билан машҳур. Бухороликлар ҳозирда ҳам қовун етиштириш бўйича эътиборга молик ишларни амалга оширмоқдалар. Вилоятда ҳар йили "Қовун сайли" ни ўтказиб туриш анъанага айланган. Муҳаммад ака ҳар йили бу тадбирни алоҳида тайёргарлик билан орзиқиб кутади. Деҳқончилик илмига бўлган меҳрнинг меваси сифатида 60 ёшида олган фан номзодлиги уни бу борада янада янгидан-янги зафарларга ундайди. Фахрий олим эндиликда йўқолиб бораётган қовун навлари, хусусан "Шероз" навини тиклаш бўйича изланишлар олиб бормоқда. Изланишлар самараси ўлароқ қатор йиллар давомида "Қовун сайли" ғолиби бўлиб, совриндорлар сафидан ўрин олиб келмоқда.

Муҳаммад Аҳмедов ҳаётида "Бешикдан қабргача илм изла" ақида-си мустаҳкам ўрин олган. Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Бухоро филиалида фаолият кўрсатиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик экинлари қатор ораларига уйғунлаштирилган ишлов бериш ёки бирданига 3-4 хил агротехник тадбирни бир вақтнинг ўзида ўтказадиган механизм яратиш йўлида тадқиқодлар олиб бормоқда. Олимнинг эътирофича, бу йўл билан тупроқнинг донаторлигини сақлаш билан бир қаторда гектар бошига 20 литргача ёқилги иқтисод қилинади, муҳими ҳосилдорлик ошади.

Ўн йил муқаддам ўзи ташкил этган "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳам таҳсинга лойиқ. Кўп тармоқли пахта-ғалла уруғчилиги хўжалиги ўтган қишлоқ хўжалиги йилида буғдойнинг "Краснодар - 99" нави супер элита уруғидан экиб гектаридан 71 центнердан, ғўзанинг Муҳаммади ака ҳаммуаллифлигидаги "Жондор Қудрати" навидан гектаридан 43 центнердан хирмон кўтаришди. Эндиликда мазкур нав экилган майдонлар салмоғи йилдан-йилга ошиб, 5000 гектарга етди. Хўжаликда қорамолчилик, қўйчилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича ҳам мақтовга арзигулик тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг истиқболли асоси саналади. Хўжаликда 87 гектардаги "Жондор Қудрати" навли ғўза, 2 гектар полиз, 10 гектар майдондаги супурги ва 1 гектарли боғ сифатли парвариш қилинмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларда алмашлаб экишга амал қилинган ҳолда тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган экинлар уруғлари экилмоқда.

Олий мажлис ва қатор йилларда вилоят ҳамда туман кенгаши депутатлигига сайланган тиниб-тинчимас Муҳаммад ака маҳалла оқсоқоли сифатида ободонлаштириш, томорқадан самарали фойдаланиш ишларига алоҳида эътибор қаратаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Ошиқча уйку умрнинг эгови, — дейди М. Аҳмедов. — 3-4 соатдан кўп ухлаган кунларимни эслолмайман. Ўлчаб берилган умримни уйкуга бериб қўйишдан қизганиман. Эришганларимнинг асоси вақтдан самарали фойдаланганлигимдан деб биламан.

Озод юртнинг бахтли фарзанди шижоати сира пасаймаган, аксинча, Мустақиллик ҳарорати билан яратувчилик орзулари ижобати сари янада шиддатлироқ парвоз қилмоқда.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

СОҲИБКОР САБОХОН ОПА

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳам қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олинаётган туманлардан саналади. Бу ерда ер билан тиллашиб, сувнинг қатрасиниям исроф этмай, техникани юксак унум билан ишлатаётган фидойилар талайгина.

- Ҳалол ва ибратли меҳнатлари билан эл ўртасида обрў-эътибор топаётган миришкорлар кўп, - дейди туман Фермерлар кенгаши мутахассиси Ҳайдарали Исвалиев. - Жорий йилда туманимизнинг 239 та фермер хўжаликлари 10948 гектар майдонда пахта ва галла парвариш қилишяпти. Улардан 113 таси кўп тармоқли. Қарийб 10000 дан зиёд ишчи далада тер тўкаётган бўлса, жорий йилда яна 570 нафар доимий иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Бу борада кўп йиллик тажрибага эга бўлган деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари бизга яқиндан ёрдам қўлини чўзишмоқда. "Шоҳсултон дидари" фермер хўжалиги фермерлик йўналишида фаолият бошлаган илк қалдирғочлардан. Бу хўжаликнинг туманимиз миқёсида олиб бораётган ибратли ишлари ёш фермерларимиз учун тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда.

- Гарчи касбим ҳисобчи бўлса-да, она замин ифори мен учун жуда қадрли, - дейди хўжалик раҳбари Сабохон Жакбаралиева. - Мустақиллигимизнинг илк йили биринчи президентимиз Ислам Каримов фермер хўжаликлари ташкил қилиш ҳақида сўзладилар. У пайтда туман хокимлигида бош ҳисобчи эдим. Бу маъруза мени ларзага солди, юрагимга ўт ёқди. Эрта тонгда туман ҳокими ҳузурига кириб, фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақида мурожаат қилдим. Ҳоким рози бўлди. Ноябрь ойида 10 гектар экин майдони билан иш бошладик.

У пайтларда хўжалигимиз "Султон" хусусий кичик корхонаси деб аталарди. Хўжалигимиз асосан чорвачилик, асаларичилик ва паррандачилик йўналишларида фаолият юритар эди. Кўпгина одамлар "Ҳой, эртаю кеч ишлаганинг билан ерингни яна колхоз қайтариб олади, нима қиласан ўзингни қийнаб", деб ўзларича маслаҳатлар ҳам бериб қўйишарди. Биз ортга чекинмадик, Юртбошимизга қаттиқ ишондик.

1994 йилга келиб экин майдонимиз 60 гектарга кенгайди. Бу эса биздан янада кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилди. 5 нафар доимий ишчи билан фаолият бошлаган бўлсак, ишчилар сони 33 нафарга етди. Йиллар давомида қаровсиз, эгасиз бўлган ерга яна қайтадан жон кира бошлади. Фастлаб эски тракторлар билан ҳаракат қилган бўлсак, ҳозирга келиб ерга ишлов берувчи барча турдаги қишлоқ хўжалик техникаларга эгамиз. Механизаторимиз Соҳибжон Тошпўлатов ёш механизаторларга ўз касби сир-синаотларини ўргатиб келмоқда. Сувчиларимиз Бургутали Султонов ва Шоҳжаҳон Раҳимовлар экин майдонларини бир текис суғоришининг ҳадисини олишган.

Жорий йилда 32,5 гектар майдонга галланинг "Гром" навини экиб, ҳар гектар майдондан режасидаги 40 центнер ўрнига 70 центнердан ҳосил кўтардик. 27,5 гектар майдонда пахтанинг "Андижон-35" навини парваришляяпмиз. Режада ҳар гектар майдондан 32,9 центнердан ҳосил олиш белгиланган бўлса-да, биз 40-41 центнер учун меҳнат қиляпмиз. Ҳосил мўл бўлса деҳқоннинг уйига барака киради. "Бўш қоп тик турмайди" дейишади. Ишчиларнинг ҳам эҳтиёжини қондириш керак. Ана шунда улар ҳам жон



қуйдириб ишлашади. Биз ҳар бир ишчига бажарган ишига қараб 500-600 минг сўм ойлик иш ҳақи берамиз. Бундан ташқари, режадан ортган бугдой ҳамда такрорий экин учун ер берамиз. Шунда уларнинг ҳам оиласи тинч ва осойишта бўлади.

Хўжалигимизда 100 бош наслии Ҳисори қўйлар, 50 та яшик асалари, 50 бош парранда, 1 бош от ҳам парваришланади. Бундан ташқари, касаначилик цехимиз йил давомида фаолият олиб борса, пишиқчилик мавсумида мевани қайта ишлаш цехимизда иш қизийди. Меҳнат билан даромад ёнмаёن юради. Ўтган 2016 йил 130 млн. сўм даромад олдик. Олган даромадимиз ҳисобидан 2 та кам таъминланган оилага уй қуриш ишларига ёрдам бердик, бир неча оилавий шароити оғир талабаларнинг ўқишлари учун шартнома тўловларига ёрдам бердик, маҳалла ободончилигига ўз ҳиссизни қўшдик.

Сабохон опа гарчи 67 ёшни қаршилаган бўлса-да, ундаги ғайрат, шижоатдан кўплаб ёшларимиз ўрناق олса арзийди. Турмуш ўртоғи Султонали Жакбаралиев билан 5 нафар фарзандни ўстириб, олий маълумотли қилиб, халқимиз корига шай қилдилар. 16 неварга, 3 чеваранинг сеvimли мосуи. Туман аҳли опани "фермерларнинг кайвониси" деб ҳурмат қилишади. Ёш фермерлар опадан маслаҳат сўрашади. Опа эса "Халқимга керакли қилганинг учун шукур" деб қўяди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) туман фермерлар кенгаши мутахассиси Ҳайдарали Исвалиев ва фермер Сабохон Жакбаралиева.

БЕШАРИҚЛИК МИРИШКОР

Бешариқ тумани ҳудудининг каттагина майдони қўшни Тожикистон республикаси билан чегарадош. Шунингдек, бу тумanning анчагина қисми чўл ва даштлардан иборат.

- Жорий йилда 354 та фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 12500 нафар ишчилар билан 10 329 гектар майдонда пахта ва 7935 гектар майдонда ғалла экинларини парвариш қиляпмиз. - дейди туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Адҳамжон Умаров. - Хўжалик раҳбарларининг бир неча йиллик тажрибалари ва ерга бўлган ижобий муносабатлари туфайли йил сайин ҳосилдорлик юқорилаб бормоқда. Бу ҳолатни биргина "Йигитали пахтакор замини" хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бу хўжалик менга яхши таниш. 2013 йил хўжаликда бўлиб, у ерда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида мақола ёзган эдим.

- Ота касбини давом эттирган ҳеч қачон кам бўлмайди, - деб сўз бошлади хўжаликка мен билан ҳамроҳ бўлиб келган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Фуломжон ака. - Икромали аканинг отаси Йигитали Пўлатов ҳам туманимиздаги уста деҳқ-



онлардан бири эди. У кишининг ўғиллари бугун отасининг шонли ишини давом эттираяпти.

Дала шийпонига кириб борар эканман "Одамнинг қўли гул" деган нақл ҳаёлимдан кечди. Бизни хўжалик раҳбари Икромали Йигиталиев кутиб олди.

- Бир неча йил аввал келганингизда сиз билан келгуси режаларимиз ҳақида суҳбатлашган эдик, - деб сўз бошлади Икромали ака. - Энди сизга бемалол амалга ошган режаларимни кўрсатсам бўлади. У шундай деб бизни 14 сотихлар чамаси бўлган иссиқхона томон бошлади ва сўзида давом этди: - Иссиқхона кони фойда, фақат эътибор ва масъулият зарур. Мана, шу иссиқхонамизда 120 туп лимон, мандарин ва апельсин кўчатларини парваришлаймиз. Кўчатлар остида турли хил кўчатлар етиштирамиз. Шийпон олд қисмида 1

гектар боғ барпо этиб, сараланган олма, ўрик, шафтоли, гилос кўчатларини ўтқаздик. Боғимиз ҳам ҳосилга кириб, қўшимча даромад манбаига айланиб бормоқда.

Шийпон ҳовлисида кичик ҳажмда ҳовузимиз бор, унга 30 кг. балиқ чавақларини ташладик. Кузга бориб бу балиқларни ишчиларимизга ва қишлоғимизнинг кам таъминланган оилаларига бепул тарқатамиз.

Икромали ака билан суҳбатлашиб, ғалла майдонига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Экин майдонлари турли хил мевали дарахтлар билан ўралганлигига кўзимиз тушди.

- Барча экин майдонлари кўчатлар билан ўралган. Ҳисоблаб чиқсам, 5 гектарлик боғнинг кўчатини экиб чиқибмиз. Мева — кони фойда. Йўлдан ўтганлар, ишчилар, оила-аъзоларимиз беминнат истеъмол қилишади. Органини қишга сақлаймиз, бозорга олиб чиқамиз. Кўплаб хўжаликларнинг экин майдонлари атрофидаги зовурлар бўйлари бўш ётганини кўриб ҳайрон қоламан. Ундан унумли фойдаланиш керак.

Жорий йилда 54 нафар доимий ишчимиз билан 32 гектар майдонга ғалланинг "Нота" навини эдик. Давлатга сотиш режаси ҳар гектар майдондан 34 центнер этиб белгиланган бўлса-да 60 центнердан ҳосил кўтардик. 44 гектар майдонда пахтанинг уруғлик супер-элитта "Наманган-77" навини экиб парваришляпмиз. Кўчатлар ривожидан кўнглимиз тўқ. Ҳар гектар майдондан давлатга сотиш режаси 33,5 центнер этиб белгиланган. Биз эса 40 центнердан ошириб ҳосил олишни мақсад қилганмиз. Хўжалигимизнинг техник базаси мустаҳкам. Юқори унумли ТС-130 ҳайдов тракторидан тортиб, Классдоминатор ғалла ўриш комбайнигача лизинг асосида харид қилганмиз. Механизаторларимиз Нодиржон Арслонов, Муҳаммаджон Раҳмоновлар техника билан тиллашган уста. Экинларни қондириб сугоришда Собитали Имомчаев ва Аҳмаджон Йигиталиевларга тенг келадиган кам топилади. Хўжалигимизда пилла етиштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. 4,5 гектар ерда 10 000 туп тут кўчатларини парваришляпмиз. Жорий йилда 35 қути ипак қурти парваришлаб, давлатимизга 2200 кг. сифатли пилла маҳсулоти топширдик.

Меҳнат бор жойда даромад ҳам бўлади. Хўжалик ўтган 2016 йилни 106 млн. сўм соф фойда билан яқунлаган эди. Шу даромад ҳисобидан 26-мактаб биносини таъмирлаш ишлари учун маблағ ажратилган, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак берилган эди. Бу анъана жорий йилда ҳам давом этмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлиги яхшиланиб, маҳалла ва қишлоқларимизнинг янада чирой очиб боришида Икромали ака каби фермер хўжаликларининг ўрни катта. Зеро, деҳқон бой бўлса, мамлакат бой бўлади, деган гап бекорга айтилмаган.

К.ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) туман қ.с.б. мутахассиси Фуломжон Давлатов ва хўжалик раҳбари Икромали Йигиталиев лимон кўчатларини кўздан кечиришмоқда.

ИЛМ ВА АМАЛ УЙҒУНЛИГИ

Аграр соҳани илм-фан ютуқлари асосида ривожлантириш, амалга оширилаётган илмий изланишлар самарадорлигини ошириш, тайёр илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш, илм-фанга ёшларни кенг жалб қилиш борасидаги мамлакатимиз Президенти ва ҳукуратимиз фармон, қарорларини ўз ишларида кенг жорий этаётган илм аҳли орасида Қарши Давлат университети олимларининг, жумладан тупроқшунослик ва экология кафедраси мудирини қ.х.ф.н. Акмал Хайриддинов раҳбарлигида ўқитувчи ва талабалар илмий тадқиқотлардаги стратегик йўналишларни, истиқболли мавзуларни белгилаш ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги долзарб муаммолар бўйича илмий изланишлар олиб боришни ташкил қилиш борасида услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш; селекция ютуқларини кенг кўламда синовдан ўтказиш ишларини ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари бирламчи уруғчилигини ривожлантириш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришга илғор илмий ишланмалар ва интенсив агротехнологияларни жорий этиш каби қатор вазифалар асосида меҳнат қилмоқдалар.

Ўзанинг бутун амал даврида, аниқроғи тўла қўсаклаш давригача тупроқдаги намликнинг буғланиши, тупроқ қатлами зичлигини камайтириб туришнинг асосий воситаси қатор ораларига ишлов бериш ёхуд культивация ўтказишдир. Экин қатор ораларини культивация қилиш, айниқса ишлов чуқурлигига оид кўплаб тажрибалар ўтказилган бўлса-да, ҳалигача мазкур мавзу тўла илмий асосланган эмас.

Кафедра томонидан ўза қатор ораларига ишлов беришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш мақсадида Нишон туманидаги қатор мукофот ва тақдирланишлар соҳибини Муҳиддин Турдиев бошчилик қилаётган "Қувонч" фермер хўжалиги майдонида тажрибаси ўтказилиб, натижалар ҳудуддаги 60 дан ортиқ фермер хўжалиқларига жорий этиш тавсия этилди.

Тажриба натижаларига кўра, ўза қатор ораларига ишлов бериш чуқурлиги тупроқнинг 0-40 см ли ҳайдов қатлами ҳажмий вазнига жиддий таъсир этади. Бунда культивация чуқурлашиши билан тупроқ зичлиги камайиб боради. Биринчи ишловда культивация чуқурлиги 13-15 см бўлганда 0-40 см ли қатламнинг ҳажмий вазни 1,30, 2-вариантда 1,27, 3-вариантда эса 1,25 г/см³ бўлади. Кейинги ишловларда ҳам культивация чуқурлигининг тупроқ ҳажмий вазнига шундай таъсири сақланди.

Илмий манбаларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, культивациянинг тупроқ ҳажмий вазнига нисбатан таъсири билвосита унинг сув, озиқ ва ҳаво режимига ҳам ижобий таъсир этади. Бу ўз навбатида ўза илдиз тизимининг фаол ишлаши, ер устки қисмларига озиқа, сув ва ҳавони зарур даражада етказиб турилишига, провардида ўза ўсимлигининг фотосинтез маҳсулдорлиги ортишига, кўпроқ органик модда ҳосил бўлишига олиб келди.

Шунингдек, жамоа томонидан пахтачиликда азотли ўғитларни ерга аниқ нормада, тупроқ кучини ҳисобга олган ҳолда бериш - табақалаштириб фойдаланишнинг агроиқтисодий ва хўжалик белгилари Нишон тумани эл эътирофидаги деҳқон Турдиев Раҳмиддин етакчилигидаги "Турдиев Раҳмиддин" фермер хўжалигида ўрганиб чиқилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича тавсиялар берилди.

Тажрибаларда аниқланишига кўра, ўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун унга озиқ моддалар узлуксиз ва бир меъёрга келиб туриши керак бўлади. Ўғит солиш, тупроқни ишлаш ва суғориш йўли билан ўзанинг озиқланиш режими тартибга солиб турилади.

Пахтачиликда азотли, фосфорли, калийли ўғитларни табақалаштириб бериш пахтадан юқори ҳосил олиш билан бирга пахтани сифатини ҳам яхшилайтиди.

Азот ўза учун зарур озиқ элементи бўлиб, тупроқда асосан органик ҳолатда учрайди. Тупроқдаги органик моддалар таркибидаги азот минераллашгандан кейин аммоний ва нитрат бирикмалари ҳолида ўзага нам етарли бўлган ва ҳаво кириб турадиган шароитда яхши ўтади. Аммоний иони алмашинадиган ҳолатда тупроққа яхши сингдирилади. Нитрат иони асосан тупроқ эритмасида бўлиб, ўсимликлар уни осон ўзлаштиради.

Азотли ўғитлардан аммоний нитрат NH_4NO_3 , аммоний сульфат $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ва мочевино $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ каби ўғитларни 30%и ўзага кузги шудгор қилишдан олдин, экишдан олдин ёки экиш билан биргаликда ва вегетация даврида, қатор ораларига берилади.

Тупроқдаги ҳаракатчанлиги ва ювилиб кетиши хавфи кам бўлганлиги боис аммоний сульфатни кузги шудгор остида киритиш лозим. Баъзи ҳолларда аммоний ионининг кўп миқдорда ютилиши салбий оқибатларга олиб келади. Қўшимча озиқлантириш пайтида ёки экиш билан қатор ораларига киритилганда, илдиз тизими яхши ривожланмаган ёш ниҳоллар аммоний сульфат таркибидаги азотдан яхши фойдалана олмайди.

Аммоний сульфатни нордон тупроқларда қўллашда 1 ц ўғитга 1,3 ц оҳак қўшиш мумкин. Бўз тупроқларда унинг самарадорлиги аммиакли селитрадан юқори бўлади.

Аммоний селитра таркибида соф азот миқдори 34,6%ни ташкил қилади. Осон эрувчи аммиакли селитра тупроқ намлиги таъсирида тўла эрийди. Тажрибаларда ўсимликлар томонидан аммиакли селитра эритмасидан аммоний катионига қараганда нитрат аниони тез ўзлаштирилиши аниқланган. Шунинг учун аммоний селитра физиологик жиҳатдан нордон ўғит ҳисобланади. Аммиакли селитра таркибидаги азотнинг бир қисми серҳаракат (NO_3) ва бир қисми кам ҳаракат (NH) шаклида бўлганлиги боис уни табақалаштирилган ҳолда ўғитлашнинг барча муддатларида қўллаш мумкин.

Тупроқда тўла эрийдиган мочевинони яхши кўмилган ҳолатда асосий ўғит сифатида ва қўшимча озиқлантиришда қўллаш мумкин.

Пахтачиликда азотли ўғитларни юқорида келтирилганидек, табақалаштириб илмий асосда қўлласак, ҳосил мўл бўлиши билан бирга азотли ўғитларни самарадорлиги ошади.

Университетнинг агроилм йўналишидаги олимлари яқинда бўлиб ўтган XII Инновацион ғоялар ва агротехнологиялар кўргазмасида бир қатор истиқболли, эл-юрт тўқинлигига хизмат қиладиган эътиборга молик ишлари билан қатнашишди. Жумладан, оч-бўз тупроқларда соя етиштиришнинг жадаллашган усули бўйича олиб борган изланишлари мутасадди ташкилотлар билан жорий этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Мухтасар қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги илм-фанини янада ривожлантириш фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўламини ошириш асосида қишлоқ хўжалиги тармоғи иқтисодиётини янада юксалтириш вазифаларига хизмат қилади.

С. ХАЙРУЛЛАЕВ.

ТАЖРИБАЛАРГА ТАЯНИБ

Юртимизда мустақиллигимиз шарофати билан аёлга бўлган эҳтиром янада ортди. Ўзбек аёллари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақи-га муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Асакалик Маҳфуза Аҳмедова ана шундай фидойи аёлларимиздан бири.

- Истиқлол биз аёлларга жамиятда фаоллигимизни янада ошириш имконини берди, - дейди Маҳфуза опа. — Шу имкониятлардан фойдаланиб 2006 йилда "Кужган олтин даласи" фермер хўжалигини ташкил этдим. Илм-фан ютуқларидан фойдаланиш, илғорлар тажрибаларни амалиётга жорий этиш ҳисобига жамоамиз муттасил равишда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, режаларни ортиғи билан бажариб келмоқда. Берилган имтиёزلардан кенг фойдаланганлигимиз боис, хўжаликда чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, пиллачилик ва ғаллачилик барқарор соҳаларга айланди.

Фермер хўжалигида ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланилаётганлиги, агротехник тадбирлар талаблар даража-сида ўтказилаётганлиги ҳисобига экин-лар ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Ғаллачиликдаги эришилган ютуқлар ту-файли эса хўжалик ғалла уруғчилиги фермер хўжалигига айлантирилди.

- Ёшлигимда қишлоғимизда ипак қурти боқиш мавсумида дугоналарим билан уйма-уй пиллачиларга кўмакла-шишга борардик, айниқса, пилла териш кунлари байрамонга тус оларди. Завқли меҳнат ўйин-кулгу, томошага айланар-ди. Ҳар йили бу шодиёна кунларни ку-тиб яшардик. Ипак тола етиштиришга ёшликдан қизиққанам учун бўлса керак, хўжалигимиз фаолият бошлангандан буюн ипак қуртини марказлашган усулда боқишни ташкил этдик. Бу йил ҳам 20 қути ипак қуртини марказлашган усулда парваришлаб, ҳар бир қути ипак қурти-дан 65 килограмдан "қумуш тола" етиш-тирдик, - дейди фермер.

Ипак қурти етиштиришни янада ривожлантириш, унинг озуқа базаси-ни ташкил этувчи тутзорлар ва якка қатор тутларнинг сифатли, сермахсул дурагайларини яратиш бўйича агротех-нологиялар ишлаб чиқилди. Шунинг-дек, туманда ноодатий ишга қўл урил-ди. Тумандаги мавжуд 327 гектар тут-зор «Асака ипак тола» МЧЖ ҳисобига ўтказилиб, ҳар гектар майдонга бит-тадан ижарачи ва пиллачилар бирик-тирилди. Уларга тутзорни парваришлаш ва қўриқлаш масъулияти юклатилади. Демак, ҳар йили пиллачи боқадиган ипак қурти учун озукани ўзи етишти-ради. Ушбу тажриба боис туманда пилла озукаси муаммоси ҳал этилди.

Туманнинг тупроқ-иқлим шароити-га қараб, экилган кўчатларни бирин-чи йили 6-9 марта, иккинчи ва кейинги йилларда эса 5-7 марта, бута тут-зорга ниҳоллар экилган йили 8-9 мар-та суғориш тавсия этилади.

Тут даракларини ва тутзорларни ўз вақтида минерал ўғит билан озиклан-тириб, суғорилганда барг ҳосили 25-30% гача ошади. Баргнинг таркибида ипак қурти учун зарур моддалар етар-ли бўлади, шу боис қуртлар соғлом ва бақувват ўсади.

Мўл ва сифатли пилла етиштириш-нинг омилларидан яна бири ипак



қурти тухумларини кўрсатилган тар-тиб-қоидалар асосида жонлантириб, қуртларни пиллакорларга ўз вақтида тарқатишдир. Бунинг учун, аввало, жамиятнинг мавжуд инкубаториялари камида 3 хонадан иборат, ёруғ, ис-тиладиган бўлиб молхона, гўнг ва ки-мёвий моддалар сақланадиган омбор-хоналардан узоқда, жойлашиши керак. Шунингдек, хоналар сифатли таъмир-дан чиқарилиб, санитария-гигиена қоидалари асосида оқланган, декабр ойидаёқ мавсумга шай қилиб қўйили-ши шарт.

Жамият такомиллаштирилган ва электрлаштирилган "РТЛ-25" русумли барг тўғровчи ва "ЧК-1" русумли пил-лани тозаловчи, СК-150К пилла қуритгичнинг модернизациялашган вариантдан фойдаланиш, тут кўчат-ларини қазиб олиш, тут уруғи экиш ва жўяк олиш, кўчат экиш, қатор ора-ларини юмшатиш, тутзорлардан нов-да кесиш каби иш жараёнларини ме-ханизациялаштириш бўйича тажриба, ишларини йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ипак қуртини сунъий усулда озик-лантириш бўйича дастлабки қадамлар

қўйилди. Сунъий озукадан қуртнинг асосан, кичик - I-II ёшларида, шу-нингдек, катта ёшларида ҳам қўшим-ча озукани сифатида фойдаланилиб ва кат-та ёшларида эса одатдагидек, тут бар-ги билан боқилди. Бунда соя ва гўза уруғларининг шроти, бугдой унинг кепаги, тут барги талқони, пахта лин-тидан олинган целлюлоза, жўхори крахмалидан фойдаланилди.

- Мазкур тажрибаларда илк бор сунъий озуканинг тўйимлилиги, ипак қуртлари ривожланиши, ипак толаси шаклланишининг барча босқичларини тўлиқ ўтганлигига гувоҳ бўлдик, - дей-ди МЧЖ раиси Ш. Солиев. - Келгуси-да сунъий усулда тут ипак қурти бо-қиш бўйича соҳанинг олимлари билан ҳамкорликда изланишларни давом эт-тириш ниятидамыз. Қолаверса, озукани турларини кўпайтириш бўйича бир қатор голяригимизни амалда синаб кўра-миз. Бу усул ҳар қандай об-ҳаво шаро-итида ва йилнинг исталган пайтида ипак тола етиштириш имконини бе-ради.

- Пиллачиликда пилла ўраш даври ҳам маъсулият ва зийраклик талаб эта-ди, - дейди жамият бош агрономи Ҳабибулла Тоиров. - Бу давр бошида ривожланишдан 2-3 кун орқада қол-ган қуртлар териб олинди, бошқа жой-да тўйдириб, озиклантирилгандан кей-ин дасталарга қўйилади. Дасталар куза-тилганда ўлган, касалланган қуртлар олиб ташланади. - Дасталарни читир ва мингбошдан, қолаверса, райхон, жамбил, рапс, перко, шоли походи-дан тайёрлаш яхши самара беради.

"Асака ипак тола" МЧЖ замон ва давр талаблари асосида халқаро андо-заларга мос равишда қадам ташлаёт-ган аҳил жамоа. Меҳнатга муносабати аъло даражада шаклланган жамоада бугун 100 нафарга яқин ишчи фаоли-ят юритмоқда.

Пиллачилик юртимизда асрлар да-вомида шаклланган, халқимиз орасида "Етти хазинанинг бири" сифатида эъти-роф этилган соҳалардан бири. Муста-қиллигимиз шарофати билан тармоқ-ни жаҳон андозаларига мос равишда ри-вожлантириш учун улкан имкониятлар яратилмоқда. Шу имтиёزلардан кенгроқ фойдаланиб, белгилаб олган истиқбол-ли режа асосида шижоат кўрсатиб фи-докорона меҳнат қилаётган "Асака ипак тола" МЧЖ жамоасининг ёрқин кела-жагига ишонганимиз ҳолда, уларни "Ўзбек пилласи" келажагининг бунёд-корлари дегимиз келди.

Ф.МИРЗАЕВ,
ўз мухбиримыз.

Суратда: (чанда) пилла агрономи Шоира Раҳимова ва пиллачи Ёрқино Садамқонова.

Бугунги фермер бундан беш-олти йил аввалги фермердан тубдан фарқ қилади. Авваллари бир йўналишга ихтисослашган хўжалиқлар замон билан ҳамнафас ривожланиб, ҳозирги кунда кўптармоқлилиқ йўналишида фаолият юритмоқда. Натижада бозорларимиз тўкинлиги таъминланиб, маҳсулотларни чет элларга экспорт қилиш ҳажми кенгаймоқда. Энг қувонарлиси, юртимиз ёшларининг доимий иш билан таъминланиш даражаси кун сайин ортиб бормоқда.

— Туманимизнинг 389 нафар фермер хўжаликлари 13 979 гектар экин майдонида меҳнат қилишади, — дейди Фурқат туман фермерлар кенгаши раиси Иззатилла Насриддинов. — Жорий йилда 6020 гектар майдонда пахта ва 6687 гектар майдонда галла етиштиряпмиз. Ҳозирги кунда 165 нафар хўжалиқ кўптармоқлилиқ йўналишида фаолият олиб бормоқда. Хўжалиқ раҳбарларининг қишлоқ аҳолисини ва коллеж битирувчиларини қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жалб қилишлари натижасида 12707 та иш ўрни яратиш имконияти юзага келди. Ҳозирги кунга келиб 10 000 нафар фуқаро ўз иш ўринларида меҳнат қилишапти. 2707 нафар фуқарони ҳам доимий иш билан таъминлаш жараёни давом этмоқда. Фермер хўжаликлари таркибида қўшимча хўжалиқларнинг ташкил қилиниши нафақат хўжалиқ иқтисодиётини кўтаради, балки хўжалиқда ишлаётган ёшларни келажақ сари олға интилишга чорлайди. Туманимизда бир неча йиллардан буён илгорликни қўлдан бермай келаётган "Қушча" фермер хўжалиғи фикримизга яққол мисол бўла олади.

"Қушча" фермер хўжалиғи ҳудудига кириб борар эканмиз, экин майдонида ишлаётган ишчиларнинг маҳоратига таҳсин айтдик. Ҳалла майдонлари бир текис бошоқ тортиб киши ҳавасини келтирса, пахта майдонидаги ғўза кўчатлари яшнаб кўкка бўй чўзиб киши кўнглига илиқлик улашмоқда. Бизни хўжалиқ раҳбари Ҳаётбек Алиев кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг ўзлари ва хўжалиқ фаолияти билан қизиқдик.

— 1973 йилда туманимиздаги Қушча қишлоғида туғилганман — деб гап бошлади Ҳаётбек. — Асли касбим геолог, 1995 йилда "Қўқоннефт" техникумини тамомлаб, икки йил Кўнғирот шаҳри яқинида бургуловчи бўлиб ишладим. Лекин болалиқдаги ерга бўлган меҳрим мени она қишлоғим сари торттаверди. 1997 йил қишлоғимга қайтиб келиб, собиқ "Томоша" шир-

кат хўжалиғига сувчи бўлиб ишга кирдим. 2000 йил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти томонидан фермер хўжалиқларини ташкил қилиш сиёсати илгари сурилган даврда 10,4 гектар экин майдони бўлган хўжалиғимиз ташкил топди. Хўжалиғимизнинг экин майдонлари асосан чўл ҳудудига жойлашган.

ФУРҚАТЛИК "ҚУШЧА"НИНГ ПАРВОЗИ

Пахтани экиб, ғўза кўчатлари бир текис чиқди, энди ишим осон кўчади, деб ўйлаган деҳқон хомхал қилган бўлади. Чунки бу майдонлар остида сизот сув яқин жойлаш-



ганлиги сабабли кўчатлар ости қаттиқ сиқилиб, газ йиғилиб қолади. Бу кўчатларнинг ривожига салбий таъсир қилади. Шунинг учун тез-тез 30 см. дан 50 см. гача чуқурликда ишлов бериш талаб қилинади. Натижада йиғилган газ юқорига кўтарилиб, кўчатлар томирининг нафас олиши яхшиланади. Бу тадбир ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди. Ҳозирги кунда 28 нафар ишчиларимиз билан 63 гектар майдонда меҳнат қиляпмиз. Ерга ишлов берувчи барча турдаги қишлоқ хўжалиқ техникаларини тиркамалари билан соз ҳолатда сақлаймиз. Бу йил 38 гектар майдонга галланинг "Жайхун" навини экканмиз. Ҳар гектар майдондан давлатга галла сотиш режамиз 29 центнер бўлса-да, 60 центнердан ҳосил

олишга эришдик. 24,9 гектар майдонга пахтанинг "Султон" навини экиб парваришляяпмиз. Ҳозирги кунда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб, маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ишларини олиб боряпмиз. Худо хоҳласа, режада белгиланган 29 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олиш учун замин яратиб боряпмиз. Бу ишларни амалга оширишда Бекжон Акбаров, Шоядбек Алиев каби механизаторларимиз ва Асқарали Микоилов, Муқумжон Эшматов каби сувчиларимиз яқиндан кўмак бермоқда.

Экин майдонларини кўздан кечирар эканман, майдонлар четига бир қатор қилиб экилган тут ва мевали дарахтлар эътиборимни тортди. Одатда кўпгина фермерлар экин майдонлари четига терак кўчатларини ўтқазишади. Менинг кўнглимдан ўтган фикрни уққандай хўжалиқ раҳбари:

— Мен барча майдонларнинг четини бир туп тут ва бир туп мевали дарахт шаклида айлантрииб чиққанман, — деб сўзини давом эттирди. — Терак эрмаганлигимизнинг сабаби, у ўсиб кўтарилган сари майдон четигади 10—15 метр жой ўз ҳосилдорлигини йўқотиб боради. Бу эса ялпи ҳосилдорликка таъсир этмай қолмайди.

Жорий йилда 15,5 қути ипак қурти парваришлядик, уларни озиқлантиришда муаммо бўлгани йўқ. Давлатга 900 килограмм сифатли пилла сотдик. Қуннинг иссиғида ишлаётган ишчиларимиз майдон четига чиқиб, мевалардан еб, дарахтлар соясида салқинласа, қандай роҳат. Орган мевалардан менинг ҳам, ишчиларнинг оиласи ҳам баҳраманд бўлади. 2000 туп тут ва 5000 туп олма, шафтоли, ёнғоқ, бодом, хурмо кўчатларидан экдик. Кўчатлар парваришига ишчиларимиз алоҳида эътибор билан қарашади.

Фурқатлик миришкор фермер Ҳ.Алиевнинг режалари кагта. Ўйлаймизки, бу режалар албатта амалга ошади, бошқа қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари қатори чорвачилиқ, паррандачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам режалаштирилган. Бу мустақиллигимиз шарофати, чунки истиқлол деҳқонга кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) механизатор Бекжон Акбаров ва хўжалиқ раҳбари Ҳаётбек Алиев.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ БОШ ОМИЛИ

Бүгунги кунда республикада асосий турдаги қишлоқ эҳтисоти маҳсулотлари етиштирувчилари эҳтисотланган фермер эҳтисотчиларининг ҳар томонлама ривожланишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз ва ҳукумат фармон, қарорларида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, фермер эҳтисотчиларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ва рағбатлантириш ҳамда кўп тармоқли фермер эҳтисотчиларини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунга кўра, мамлакатимизда бўлгани каби Сурхондарё вилояти фермер хўжаликларидан ҳам экинлар структурасини диверсификация қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириб, юқори даромадли экинлар майдонларини кўпайтириш, маҳсулотларни қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш орқали кўп тармоқли фаолиятни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз туманидаги "Фаровон Бекзод" фермер хўжалиги кўп тармоқлилик барқарор шаклланиган намунали хўжаликлардан саналади.

Хўжалик бошлиғи Ихтиёр Жўраев аввал ТошДАУ агрокимё ва тупроқшунослик факультетини, кейин ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Тошкент юридик институтини тамомлади. Республикада фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларидан кенг кўламда фойдаланиш ҳисобига фермер хўжаликлари ташкил этила бошлаганда 2003 йилда ёш бўлса-да Ихтиёр ҳам фермер хўжалиги тузди. Ўшандан буён унинг хўжалиги ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларидан мўл, сифатли ҳосил етиштириб, зиммасидаги режаларни ортиғи билан уддалаб келмоқда.

Фермер хўжалиги ташкил этилгандан кейинги дастлабки вақтлардан оқ хўжаликда қўшимча тармоқларни шакллантиришга қатъий киришилди. Чунончи, кўп тармоқли фермер хўжалигида глобал иқлим ўзгаришига мослашиш жараёни бир хил турдаги маҳсулот етиштирувчи хўжаликка нисбатан энгилроқ кечади. Бунда, ўзгарган иқлим шароити кўп тармоқли фермер хўжалигининг маълум бир йўналишларигагина (асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга) салбий таъсир этиши мумкин. Ушбу шароитда фер-

мер хўжалиги томонидан қўшимча тармоқлардан (қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) олинган даромадни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида иқлим ўзгаришига мослашиш тадбирларини



амалга оширишга йўналтириш имконияти мавжуд бўлади.

Хўжаликда 7 та "МАН", "ДАФ" русумли замонавий автотранспорт мавжуд бўлиб, халқаро ва ички хизматлар йўлга қўйилган. Маиший қоғоз ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Савдо дўкони, сартарошхона, тикувчилик цехи фаолиятининг узвийлиги таъминланган. Эришилган ютуқлари ҳисобига фермер хўжалиги қатор йиллар вилоят ва республика босқичларидаги танловларда фаол қатнашиб, совриндорлар қаторидан ўрин олган. Мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиш ниятида яқин келажакда гишт заводи қуриб ишга туширилиши бўйича амалий ишлар бошланган.

— Чорвачиликни ривожлантирмасдан туриб, хўжалик ер майдонларининг тупроқ унумдорлигини ошириш қийин. Яқин келажакда чорвачиликни барқарор тармоққа айлантириб, тупроқнинг табиий унумдорлигини тиклашга эри-

шишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиш, — дейди изланувчан фермер Ихтиёр Жўраев. — Шунингдек, тупроқда меъёр даражасида гумус захирасини яратмасдан туриб, халқаро талабларга мос қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг иложи йўқ. Табиий мувозанатни шакллантирмасдан ўсимликларни зараркунанда, касалликлардан ҳимоя қилишда юксак самарадорликка эришиб бўлмайди. Бу борада истиқболли ва ишончли ҳимоя биологик кураш ҳаракатимизнинг асосини ташкил этиши керак.

Фермер хўжалигида ўтказиладиган барча турдаги агротехник тадбирлар йилнинг келиши, табиий иқлим шароити, шунингдек, экилган қишлоқ хўжалик экинлари навларининг агробиологик хусусиятларига таянган ҳолда хўжаликда барча турдаги техника, қишлоқ хўжалик машиналари мукамал шакллантирилганлиги боис, ўз вақтида сифатли қилиб бажарилади. Тупроқни зичлаб қолдирмаслик ҳамда ёқилғи мойлаш материалларини иқтисод қилиш мақсадида механизация билан амалга ошириладиган тадбирлар кўпинча уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилади.

Фалла-пахта навбатлаб экиш тизимида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида дуккакли дон экинлари, илмий таҳлиллар асосида оралик экинлар экишга алоҳида эътибор берилади. Асосийси, далага деҳқончилик маданиятини киргизиш, майдонларда ҳар йили жорий текислаш ишлари амалга оширилади.

Ёш фермерлар — буюк истиқболга юз тутаяётган ватанимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бугуни, эртаси, келажакдир. Улар давр талаблари асосида қишлоқ хўжалигининг илмий асосларини пухта эгаллашлари шарт. Зеро, тараққиётнинг бош омили - илмсиз барча соҳалардаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам юксак самарадорликка эришиб бўлмайди.

Ўз мухбиримиз.

ТРАКТОРЧИНИНГ АҲДИ

"Оқ олтин" тумани ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги салоҳияти билан алоҳида нуфузга эга. Юқори ҳосилдорликка эга фермер хўжаликлари туманда кўплаб топилади. Меҳнатда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари учун қатор миришкор деҳқонлар давлатимизнинг рағбатларига муносиб деб топилганлар.



Ана шундай сўзи билан иши бир, зироатга меҳри баланд деҳқонлар орасида "Бўстон" ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 2000 йил ташкил этилганидан буён қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб келаётган кўп тармоқли "Норкул" фермер хўжалигининг бошлиғи, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" Маматқул ака Ярбековнинг муносиб ўрни бор.

— Отам раҳматли Жўракул ака, ҳозирда узоқ умр ва фарзандларнинг камолини кўриш бахтига мурасар бўлган онам Норхол момо билан кўша қариб 9 фарзандни деҳқончилик ордидан вояга етказишди. Оиламиз аъзоларининг аксарияти қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиб, фидокорона меҳнатлари билан халқимиз орасида ҳурматга сазовор бўлишди, — дейди илғор фермер Маматқул Ярбеков. — Фермер хўжалигимиз ҳар қандай об-ҳаво шароитида экинлардан салмоқли ва сифатли ҳосил етиштириб эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йил ҳам хўжалик миришкорлари учун баракали келди. 58 гектар майдонга бугдойнинг уруғлик учун "Дўстлик" супер элита навини экиб, 76 центнердан хирмон кўтарилди. Ғўзанинг "С— 6524" навидан 50,7 гектар ерга уруғи қадалиб, бу борадаги давлатга пахта сотиш режаси 130% га уддаланди. Бошқа соҳаларда ҳам қувончли натижалар қайд этилди. Жорий йилда 50 гектар майдонга экилган бугдойнинг "Асп" навининг ҳолати кўзни қувонтиради. Фаллакорлар бу йил ҳар бир гектар ердан 100 центнердан сифатли дон етиштириш аҳди билан меҳнат қилмоқдалар. 58,7 гектар майдондаги ғўза йиллар давомида ўзининг самарасини берган, тупроқ-иқлим шароитига мос агротехник тадбирлар асосида парвариш қилинмоқда.

Фермер хўжалиги аллақачонлар истиқболли йўналиш — кўп тармоқлиликка ўтиш йўлидан бормоқда. Келгусида чорвачилик ишлаб чиқилган аниқ режалар асосида барқарор тармоққа айланади.

"Норкул" фермер хўжалиги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ эришган ютуқлари билан эл оғзига тушди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хўжалик далаларида бўлиб, Маматқул ака билан дилдан суҳбатлашиб, у кишидан касблари ҳақида сўраганларида, "Ёшлигимдан механизаторликни танлаганман, мен тракторчиман. Экинларим қатор ораларига ўзим ишлов бермасам ўзганинг ишидан асло қониқмайман" — деб жавоб берди.

Шунда Биринчи Президентимиз хўжаликнинг ҳали етарлича фойдаланилмаётган имкониятлари тўғрисида тўхталиб, "Бу ерлардан янада кўпроқ ҳосил олишингиз мумкин. Бунинг учун механизациядан илмий асосда фойдаланиш, тракторчиликни ташламаслик, муносиб шоғирдлар тайёрлаш лозим", — дедилар. Юксак унвон билан тақдирлаётган ҳамда ҳам биринчи Президентимизнинг уни "Тракторчи" деб эътироф этганлари хўжалик бошлигининг ҳаётида муҳрланиб қолгани ҳолда, унга масъулият юклади.

— Тракторчилик мени янгидан-янги ғалабаларга ундайди, — дейди фермер унутилмас воқеаларни хотирлаб. — Кўп йиллик тажрибаларим, шунингдек, агро илм асосларига доимий равишда мурожаат этиб турганлигим ўз самарасини бериб келмоқда. — Экинларни, айниқса, бошоқли дон экинларини ёшлигиданоқ биологик тўқ ҳолатда парваришlash керак. Шу йўл билан ғаллани турли хил касалликлардан сақлаш имконияти яратилади. Қишга ғалланинг меъёрида ўсиб ривожланган ҳолда кириши, ишончли ҳосил олиш учун дастлабки қадам ҳисобланади. Айниқса, ўсиш ва ривожланишига хизмат қиладиган биопрепаратлар билан тупланмасданоқ суспензияlash ниҳоятда катта самара беришига тажрибаларимда амин бўлганман.

Хўжалик бошлиғи тракторчи бўлганлиги учун, кузги шудгордан бошлаб, экинларни йиғиштириб олгунга қадар ўтказиладиган барча механизация ёрдамида бажариладиган ишларни уйғунлаштирган ҳолда ўтказишга алоҳида эътибор беради. Бу тупроқ структурасини сақлаш билан бир қаторда, ёнилғи-мойлаш материалларини иқтисод қилишга эришади. Суғоришлар сони кўпайтирилиб, суғориш меъёрларини тўғри танлаш ўсимликларнинг, хусусан ғўзанинг морфологик белгилари экилган нав хусусиятларига мос келиши таъминланади. Зеро, морфологиянинг нормал бўлиши ғўзанинг соғломлигидан далолатдир.

Барча қулайликларга эга бўлган дала шийпони хўжалик ишчи-хизматчиларининг иккинчи уйига айланади. Аъзолар, қолаверса, кўмакка келган ҳашарчиларнинг намунали дам олишлари учун кўнгилочар тадбирлар тез-тез ўтказилиб туради.

Тракторчи фермернинг аҳди қатъий. Ўз сўзига содиқлик, ваъдага вафо, доимо юксакликка интилиб меҳнат қилиш ишқи Маматқул акани ғайратига ғайрат қўшиб ишлашга даъват этади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗА-ГАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШДА ОРАЛИҚ МУДДАТДАГИ БЕДАНИНГ ЎЗА РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

On the basis of field experiments to determine the influence of intensive crop rotation scheme 2:1 (cotton, wheat) cover the cultivation of alfalfa growth, the development of cotton yield under irrigated light saz meadow soils of Ferghana region.

Ўза ўсимлиги тупроқ шароитига таъсирчан бўлиб, тупроқдаги ўзгаришларни ўзининг ўсиш ва ривожланиш жараёнида намоён этади.

Дала тажрибаларимизда бедадан кейин ҳосил бўлган турли агрофонларда ўзанинг ўсиш ва ривожланиш ҳолати турлича бўлди.

Жумладан, бугдойдан кейин биринчи йил ўза парваришланганида (2008 йил), бедасиз назорат вариантыда 1 сентябрь ҳолатига ўза ўсимлиги бўйи ўртача 76,8 см. ни, ҳосил шохи 11,8 ва кўсак сони 8,9 донани ташкил этгани ҳолда, баҳорда, март ойининг биринчи ўн кунлигида — кузда ўза қатор орасига экилган бугдой ниҳоллари ичига беда сепилган ҳолда парваришланиб, бедапоя кузда шудгорланганида, бу кўрсаткичлар мос равишда 88,6 см., 12,9 ва 11,3 дондан иборат бўлди.

Бедапоя баҳорда шудгорланганида, янада яхши натижаларга эришилди. Мазкур ҳолатда (вариант 6) ўсимлик бўйи 93,1 см ни, ҳосил шохи 14,1 ва кўсак сони 12,6 донани ташкил этди.

Март ойининг биринчи ўн кунлигида, кузда ўзапояни йиғштириб олиб, очиқ майдонга экилган бугдой ниҳоллари ичига беда сепилган ҳолда парваришланиб, бедапоя баҳорда шудгорланганида, ўзанинг ўсиш ва ривожланишида энг юқори натижалар қайд этилди. Жумладан, беда кўрсатиб ўтилган муддат ва усулларда экилиб парваришланганида бедапоя баҳорда шудгорланганида, (вариант 12) ўзанинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари мос равишда 93,6 см., 14,3 ва 12,7 дондан иборат бўлди.

Бедапоя шудгорлангач, иккинчи йил (2009) ўза парваришланганида ҳам назорат вариантыга нисбатан ўзанинг ўсиш ва ривожланишидаги устунлик сақланиб қолди.

2-дала тажрибасида ҳам шу каби натижалар қайд этилди.

Демак, "ўза-галла" навбатлаб экишнинг қисқа ротацияли 1:2 тизимида бугдойдан ўзагача бўлган орاليқ муддатда беда етиштириш издош экин бўлган ўзанинг ўсиш ва ривожланиши учун қулайлик яратади.

Дала тажрибаларимизда бедадан кейин биринчи йили ўза парваришланганида, кўчат сони сийраклашиб кетишининг олдини олиш бўйича қўлланилган бир қатор агротехник тадбирлар туфайли барча вариантларда бирдек — бедадан кейинги иккинчи йил ўза парваришланганида олдингидан кам бўлмаган пахта ҳосили етиштирилди (жадвал).

Жумладан, 1-дала тажрибасида бедани экиш ҳамда бедапояни шудгорлаш муддат ва усулларида боғлиқ ҳолда биринчи йили 1,5—3,4 ц/га, иккинчи йили 2,2—4,1 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштиришга эришилди.

Бедапоя баҳорда шудгорланганида (вариант 5,6,7,8,12 ва 13) кузда шудгорланганидаги (вариант 2,3,4,9,10 ва 11) нисбатан биринчи йили 1,0—1,2 ц/га, иккинчи йили 1,0—1,1 ц/га кўп пахта ҳосили етиштирилди.

М.БОТИРОВ, Г.УСМОНХЎЖАЕВА,

Андижон қишлоқ хўжалик институти.

Жадвал

Бедани экиш ҳамда бедапояни шудгорлаш муддат ва усулларидаги ўза ҳосилдорлигига таъсири

Тажриба вариантлари	1-дала тажрибаси						2-дала тажрибаси					
	2008 й			2009 й			2009 й			2010 й		
	Ўза ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га		Ўза ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га		Ўза ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га		Ўза ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча ҳосил, ц/га	
	Беда етиштириш ҳисобига	Бедапояни баҳорда шудгорлаш ҳисобига		Беда етиштириш ҳисобига	Бедапояни баҳорда шудгорлаш ҳисобига		Беда етиштириш ҳисобига	Бедапояни баҳорда шудгорлаш ҳисобига		Беда етиштириш ҳисобига	Бедапояни баҳорда шудгорлаш ҳисобига	
1	27.8	-	-	30.4	-	-	29.8	-	-	28.4	-	-
2	29.4	1.6	-	32.7	2.3	-	31.8	2.0	-	31.0	2.6	-
3	29.8	2.0	-	33.2	2.8	-	32.2	2.4	-	31.5	3.1	-
4	29.7	1.9	-	33.0	2.6	-	32.0	2.2	-	31.3	2.9	-
5	30.4	2.6	1.0	33.7	3.3	1.0	32.7	2.9	0.9	32.0	3.6	1.0
6	31.0	3.2	1.2	34.2	3.8	1.0	33.2	3.4	1.0	32.5	4.1	1.0
7	30.8	3.0	1.1	34.1	3.7	1.1	33.0	3.2	1.0	32.3	3.9	1.0
8	30.5	2.7	1.2	33.7	3.3	1.1	32.7	2.9	0.9	32.0	3.6	0.9
9	29.3	1.5	-	32.6	2.2	-	31.8	2.0	-	31.1	2.7	-
10	30.1	2.3	-	33.5	3.1	-	32.3	2.5	-	31.7	3.3	-
11	29.8	2.0	-	33.2	2.8	-	32.1	2.3	-	31.4	3.0	-
12	31.2	3.4	1.1	34.5	4.1	1.0	33.4	3.6	1.1	32.7	4.3	1.0
13	31.0	3.2	1.2	34.2	3.8	1.0	33.1	3.3	1.0	32.5	4.1	1.1

АДАБИЁТЛАР

1. Реимов Н, Реимова. - "Беда ва бугдой аралаш экилганида". "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали, 2009, №9, бет 24.
2. Холиқов.Б. "Янги алмашлаб экиш тизимлари ва тупроқ унумдорлиги". "Ноширлик ёғдуси" нашриёти, Тошкент, 2010. 4-27 ва 96-97 бетлар.

ХАНТОМОНАС МАЛВАСЕАРУМ КАСАЛЛИГИГА ҒЎЗА ЧИГИТИДАГИ УМУМИЙ ВА (+) – ГОССИПОЛ МИҚДОРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

In this article written results of artificial background about influence the quantity of total and (+)-gossypol in seeds of cotton to disease Xanthomonas malvacearum.

Ғўзанинг гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) касаллиги дунёнинг барча ғўза экиладиган мамлакатларида учрайди. Ўзбекистонда касаллик одатда ҳар мавсумда умумий ғўза майдонининг 2—2,5 фоизда учрайди. Баъзи минтақаларда гоммозга мойил навлар ҳосилининг кўп қисми йўқотилган. Мисол учун, Навроцкий навида 60 фоизгача ҳосил нобуд бўлган [1]. Ўзбекистонда гоммоздан энг катта зарар Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларида, сезиларли

ди (жадвал). Олинган натижалар барча вариантларнинг турли даражада касалланишини кўрсатди. Ота-она нав ва намуналарининг ниҳоллари 20 кунлигида касалланиш даражаси ўрганилганда, ВС3S1— 1-6-3-15 (№-4) намунаси нисбатан кам 16,0% касалланганлиги, С-6530 нави юқори даражада 31,2% касалланганлиги кузатилди. Ниҳолларнинг 40 кунлигида ҳам С-6530 нави юқори даражада 37,5% касалланганлиги, ВС3S1— 47-8-1-17(№-3) намунаси 32,6 % ва С-6524, С-

(+) — госсипол юқори дурагайлар ниҳолларининг 20 ва 40 кунлигида F_3 ВС3S1— 1-6-3-15 х С-6530 дурагай нисбатан (10,2-31,5%) бардошлиликни намён қилган бўлса F_3 ВС3S1— 47-8-1-17 х С-6532 дурагай эса юқори даражада (31,1-53,9%) касалланганлиги аниқланди. Чигити таркибида (+)— госсипол паст дурагайлар орасида ниҳолларнинг 20 ва 40 кунлигида F_3 ВС3S1— 47-8-1-17 х С-6524 дурагай (8,3-26,9%) бошқа дурагайларга нисбатан паст даражада касалланган бўлса, F_3 ВС3S1— 47-8-1-17 х С-6532 дурагай эса юқори даражада (38,0-55,8%) касалланганлиги аниқланди.

Чигити таркибида умумий госсипол миқдори юқори бўлган F_3 ВС3S1—47-8-1-17 х С-6524 (2,56мг/г), F_3 ВС3S1— 1-6-3-15 х С-6530 (3,04мг/г) дурагайлар умумий госсиполи паст бўлган дурагайларга нисбатан бардошли эканлигини намён қилди.

Олинган натижалар асосида дурагайларнинг (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошлилиги бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— ғўзада (*Xanthomonas malvacearum*) гоммозга бардошлилиги ота-она шаклларининг генотиپига боғлиқ ҳолда ирсийланиши аниқланди,

— умумий госсипол миқдори юқори бўлган дурагайлар умумий госсиполи паст бўлган дурагайларга нисбатан кам даражада касалланганлиги аниқланди.

Т.РАХИМОВ,

мустақил изланувчи,

Ш.НАМАЗОВ,

қ.х.ф.д., профессор,

И.АМОНТУРДИЕВ,

мустақил изланувчи,

Р.ЮЛДАШЕВА,

катта илмий ходим-изланувчи,

ПСУЕАИТИ.

Турли миқдордаги умумий ва (+) — госсиполли ғўза нав ва намуналарининг ҳамда улар иштирокида олинган дурагайларнинг гоммоз (*Xanthomonas malvacearum*) билан касалланиш даражаси

№	Ота-она шакллари ва дурагайлар	(+) госсипол миқдори, %	Умумий госсипол миқдори, мг/г	20 кунлик ниҳолларда ўртача касалланиш даражаси, %	40 кунлик ниҳолларда ўртача касалланиш даражаси, %
1	BC ₃ S ₁ -47-8-1-17	94,6	1,54	23,1-0,56	49,6-1,22
2	BC ₃ S ₁ -1-6-3-15	95,6	1,79	16,0-0,39	35,5-0,87
3	С-6524	78,2	1,28	24,0-1,20	32,0-1,05
4	С-6530	72,4	3,9	31,2-1,16	37,5-2,30
5	С-6532	81,9	1,87	24,0-1,20	32,0-1,05
(+)-госсипол юқори дурагайлар					
6	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6524	93,6	2,56	20,9-0,51	38,6-0,95
7	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6530	95,5	1,32	20,6-0,51	41,8-1,03
8	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6532	92,4	1,05	31,1-0,76	53,9-1,32
9	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15х С-6524	93,5	1,50	20,6-0,50	41,7-1,01
10	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6530	94,6	3,04	10,2-0,25	31,5-0,77
11	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6532	91,2	1,60	25,8-0,53	43,8-1,07
(+)-госсипол паст дурагайлар					
12	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6524	59,4	1,54	8,3-0,20	26,9-0,66
13	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6530	59,0	1,64	34,0-0,83	52,0-1,28
14	F_3 BC ₃ S ₁ -47-8-1-17 х С-6532	61,4	1,92	38,0-0,93	55,8-1,37
15	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15х С-6524	60,5	1,68	24,6-0,60	41,1-1,04
16	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6530	65,6	2,65	20,8-0,51	37,1-0,91
17	F_3 BC ₃ S ₁ -1-6-3-15 х С-6532	64,0	1,56	26,7-0,65	46,5-1,14

даражада Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда кузатилади. Тошкент вилояти Янгийўл туманида ўтказилган кузатувларда касаллик ғўза ҳосилини 15,6 фоизга камайтирганлиги аниқланган [2].

Изланишларимизда ғўзанинг бактерия касалликларидан бири гоммозга (*Xanthomonas malvacearum*) бардошлилиги чигит таркибидаги умумий ва (+) — госсипол миқдорига боғлаб ўрганил-

6532 навлари нисбатан кам (32,0%) касалланганлиги аниқланди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, С-6530 навининг чигитидаги умумий госсипол миқдори юқори 3,9 мг/г ҳамда (+)— госсипол паст 72,4% миқдорда бўлиб, юқори даражада касалланганлиги кузатилди.

Ота-она нав ва намуналари иштирокида олинган дурагайларнинг касалланиш даражаси таҳлил қилинганида, чигити таркибида

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов М.А. Гоммоз касалликлари. Ғўза касалликлари. 1975. №1. б 66—67.
2. Бабаян А.А. "Гоммоз хлопчатника" Гос. Изд. Арм. ССР. -Ереван: 1963. с 17—22.

ЭКИШ УСУЛЛАРИ, МЕЪЁР ВА МУДДАТЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА ТАЪСИРИ

It is impossible to compensate, by any means of agronomical practices, the yield loss caused by the wrong sowing periods in wheat production on irrigated areas.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз деҳқончилигида асосан галла-пахта алмашлаб экиш тизими қўлланилмоқда. Шунинг учун республикамизнинг суғориладиган ерларида 60% ёки 600 минг гектардан ортиқроқ майдонга буғдой ғўза қатор ораларига экилмоқда. Ғўза қатор ораларига буғдой экиш муддати, меъёри ва усуллари жанубий минтақанинг суғориладиган ерлари

Янги буғдой навлари устида олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг ҳосил элементларига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. (жадвал).

Ўсимликларнинг маҳсулдор поялар сонига экиш муддат ва меъёрлари турлича таъсир қилиши, жумладан эрта муддатда Фанкхаузер 2115 экиш сеялкасида 5.5 млн

да бир кв.м.даги маҳсулдор поялар сони 610 тани ташкил қилган бўлса, ўрта муддатда 588 та ва кечки муддатда 492 тани ташкил қилиб эрта муддатдагига нисбатан 118 та, ўрта муддатдагига нисбатан эса 96 та кам маҳсулдор поялар ҳосил бўлиши кузатилди.

Бошоқдаги донлар оғирлиги эрта муддатда экилган вариантларда барча навларда 1.4-1.5 гр.ни ташкил қилган бўлса

бу кўрсаткич ўрта муддатда экилганда 1.2-1.3 грамм ва кечки муддатда экилган вариантларда эса 1.0-1.15 граммни ташкил этиши аниқланди.

Экиш муддатларининг эрта муддатда олиб борилиши бошоқ элементларининг яхши ривожланиши, ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди, шунингдек, экиш муддатларининг кечиктирилиши

Буғдой навлари ҳосил структураси

№	Вариантлар	Эрта муддатда экилганда				Ўрта муддатда экилганда				Кеч муддатда экилганда								
		Маҳсулдор поялар сони, м ² /дона	Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги донлар сони	Бир бошоқдаги донлар оғирлиги	Ҳосилдорлик, ц/га	Маҳсулдор поялар сони, м ² /дона	Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги донлар сони	Бир бошоқдаги донлар оғирлиги	Ҳосилдорлик, ц/га	Маҳсулдор поялар сони, м ² /дона	Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги донлар сони	Бир бошоқдаги донлар оғирлиги	Ҳосилдорлик, ц/га		
1	Ошиқ майдон Фанкхаузер 2115	5 млн дона	526	9	42	1,5	67,8	538	9	45	1,2	64,9	476	8	38	1,1	57,4	
2		5,5 млн дона	583	10	44	1,5	70,7	566	9	46	1,2	67,4	497	9	40	1,15	61,0	
3		6 млн дона	608	10	44	1,5	70,7	565	10	48	1,2	69,0	518	9	42	1,15	62,6	
4		СЗУ-3,6	5 млн дона	514	10	43	1,5	69,6	536	9	44	1,3	65,2	443	9	36	1,1	54,8
5			5,5 млн дона	559	10	46	1,5	73,3	570	9	46	1,3	67,5	479	9	37	1,1	57,0
6			6 млн дона	610	10	45	1,5	73,4	588	10	47	1,3	68,8	492	10	39	1,18	60,4
7	Ғўза қатор ораси Фанкхаузер 2115	5 млн дона	482	8	42	1,5	64,3	492	8	43	1,3	60,8	381	8	35	1,1	47,3	
8		5,5 млн дона	519	9	44	1,5	68,2	510	8	44	1,3	63,0	378	8	35	1,1	47,8	
9		6 млн дона	543	9	44	1,5	68,0	528	9	45	1,2	64,6	399	8	36	1,1	48,6	
10		СЗУ-3,6	5 млн дона	450	9	41	1,4	63,0	475	8	42	1,2	58,1	392	8	30	1,0	40,6
11			5,5 млн дона	485	9	43	1,5	65,8	500	8	43	1,3	60,7	400	8	30	1,0	42,6
12			6 млн дона	520	9	43	1,5	65,9	544	9	44	1,2	63,2	432	9	31	1,0	43,5

шароитида илмий асослаб берилмаган.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги экинларининг юқори ҳосилдорлиги — ҳосил структурасининг яхши шаклланганлигини англатади. Кузги буғдой ҳосили салмоғини белгилловчи асосий кўрсаткичлардан: бошоқдаги дон сони, дон оғирлиги, ҳамда 1000 дона дон оғирлиги ҳисобланади.

Ҳосилдорлик элементларига бир кв.метрдаги маҳсулдор поялар сони, бошоқ ўлчами, яъни бошоқчалар сони, донлар сони ва донлар оғирлиги кириб уларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга.

дона унувчан уруғ экилган вариантда бир кв.м.даги маҳсулдор поялар сони 583 тани ташкил қилган бўлса, ўрта муддатда экилган вариантларда 566 та, кечки муддатда экилганда эса 497 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич СЗУ-3.6 сеялкасида 5 ва 5.5 млн. дона унувчан уруғ, эрта ва ўрта муддатларда экилган вариантларда маҳсулдор поялар сони орасидаги фарқ кузатилмаган бўлса-да, кечки муддатда бу кўрсаткич камайиб бориши ёки ўсимликларнинг тушлаш даражасига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. 6 млн. дона унувчан уруғ экилган вариантда эса эрта муддат-

ўсимлик ривожланишини ҳамда ҳосилдорликнинг камайиб боришига олиб келади.

Эрта ва ўрта муддатларда экилганда экиш усуллари ва меъёрларига кўра бошоқдаги донлар шаклланишида кескин фарқ кузатилмайди. Кеч муддатда экилганда эса бошоқдаги донлар сони ва маҳсулдор поялар сони мос равишда, экиш усули ва меъёрларига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Ф.УЗАҚОВ,

*катта илмий ходим изланувчи,
Дон ва дуккакли экинлар илмий
тадқиқот институти Қашқадарё
филиали.*

АДАБИЁТЛАР

1. Халилов Н., Қиличев А.Ҳ. Ғўза қатор ораларига экилган кузги буғдой агроценозининг шаклланиш хусусиятлари// Ёш олимлар тадқиқотлари ва ағрар соҳадаги муаммолар. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг "Ёшлар йили"га бағишланган илмий-амалий анжумани мағрузалар тўплами, 9-10 апрель, Самарқанд, 2008. —Б. 21-24.

2. Қодиров Э., Хўжманов М., Тоғжиев М. Кузги буғдой ҳосилдорлигига таъсир этувчи асосий омиллар. //Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конференция материаллари, 17-18 май 2004 йил. Тошкент.: 2004.—Б. 320.

КУЗГИ АРПА НАВ ВА НАМУНАЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК ҲАМДА ЁТИБ ҚОЛИШГА ЧИДАМЛИЛИГИ

The article presents the results of the analysis of reproductive signs and viability of the autumn sort barley. As a result of studying the signs of reproduction and viability of the autumn sort barley, proved the possibility of their use in future selection process.

Ўзбекистонда бошоқли дон экинлари майдонида кўра арпа майдонлари бугдойдан сўнг иккинчи ўринни эгаллайди.

Республикамизда етиштирилаётган арпа ҳосилининг 10-15 фоизи пиво саноати учун хомашё сифатида ишлатилади. Шунингдек, чорвачиликада қимматли ем-хашак ҳисобланган арпа экини бошоқли дон экинлари орасида ўзининг тезпишарлиги ва иқтисодий самардорлиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда арпанинг эрта пишар, маҳсулдор, ётиб қолишга чидамли, пивобоп янги навларини яратиш селекционер олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.

Дон ва дуккали экинлар илмий тадқиқот институти "Бирламчи селекция материалларини яратиш ва баҳолаш" лабораториясида 2012-2014 йиллар давомида арпанинг жами 781 та нав ва намуналари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ўрим-йиғимни амалга оширишда катта қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Кузги арпа нав намуналарининг ётиб қолишга чидамлилиги:

1-9 балл билан баҳоланди.

1-балл - ўсимликлар ўриб олишга ярамайди.

3-балл - ўсимликлар ётиб қолади, ўрим қийинлашади.

5-балл - ўсимликлар ўртача ётиб қолади.

7-балл - ўсимликлар ётиб қолади, лекин тикланиш қобилиятини сақлайди.

9-балл - ўсимликлар умуман ётмайди.

Ўтказилган тажрибаларда арпа нав намуналарида поясининг ётиб қолиши баъзи намуналарда кўпроқ учрайди. Тажрибамида ўрганилган 781 та арпа нав намуналарнинг 15,5 фоизи 9 баллни, 34 фоизи 7 баллни, 42,8 фоизи 5 баллни, 6,4 фоизи 3 баллни, 1,3 фоизи 1 баллни ташкил этди.

Биометрик кўрсаткичлари бўйича танлаб олинган арпа нав намуналари

№	Нав ва намуналар номи	Ўсимлик бўйи, см	Бошоқ узунлиги, см	1 та бошоқдаги дон сон, дона	1та бошоқдаги дон вазни, гр	1000 дона дон вазни, гр	1 м ² майдондаги маҳсулдор бошоқлар сон, дона	Ётиб қолишга чидамлиги балл	Ҳосилдорлик п/га	Ҳосилдорлик п/га
1	Болгали- st.	89						7	45,5	57,5
2	DAMIR- 6AP-OAP	87	6,8	31	1,2	38,7	280	7	33,6	67,2
3	Xiohmis	69,4	4,6	44	1,8	41,0	240	9	43,3	64,9
4	Roho//Alger5AP-OAP	74,5	5,5	43,2	1,9	44,0	219	9	41,6	62,4
5	Zaida/3/Lighee ICBO7-19	78,3	6,5	42	1,8	43,0	215	7	38,8	58,2
6	WPARE 10 177	82,2	6,7	45	2,1	44,7	190	7	39,9	60,0
7	WPARE 10 184	77,4	6,2	50	2,6	52,0	185	9	48,1	72,1
8	PBCB W 10 143	68,8	3,2	45,5	1,7	37,4	260	9	44,2	66,3
9	U IBYT 11-Inc 15	68,1	4,2	46,3	1,9	41,0	200	9	38,0	57,0
10	0017	70,4	6,9	52	2,2	42,3	210	9	46,2	69,3
11	YEA-389-31	80,5	7,8	36,0	1,3	36,1	265	7	34,4	51,6
12	001870	67,4	9	32	1,5	46,8	250	9	37,4	56,1
13	U IBYT 11-Inc- 9	83,1	8,9	35	1,4	40,0	240	7	33,6	50,4

Тадқиқотларда ўсимликларда фенологик кузатиш, баҳолаш ишлари Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (1991йил) қўланмаси ва Халқаро классификатор (СЕВ Herdeutm тури, 11л.1983), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинларини синаш Давлат комиссияси (1984) ва Даоспехов.Б.А. (1985) услублари асосида олиб борилди.

Ўсимликларнинг ётиб қолиши физиологик жараён ҳисобланиб, қуйидаги: ёруғлик етишмаслиги, ноқулай об-хаво шароити (кучли ёмғир, шамол), азотли ўғитларнинг меъёридан ортиқ қўлланилиши, тупроқда намликнинг ортиб кетиши ҳамда замбуруғли, бактерияли касалликларнинг кўпайиши каби ташқи омилларга боғлиқ бўлади.

Ўсимликларнинг ётиб қолиши натижасида дон сифати пасаяди, 1000 дона дон вазни камайиши билан бирга майда ҳамда пуч бўлиб қолади.

Тажрибалар давомида қуйидаги ётиб қолишга чидамли, юқори ҳосилдор намуналар баҳоланиб, танлаб олинди.

Танлаб олинган нав намуналарни ўрганилган йилларда 121/33, 154/2, 387/70, 121/17, 387/26, 387/46 каталогдаги намуналар ётиб қолишга ва ҳосилдорлиги билан юқори кўрсаткичларни намоён қилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пакана, калта бўйли арпа навлари илдиз тизими бақувват, ҳосилдор бўлиши аниқланди.

Янги арпа навларини яратишда бошланғич манба сифатида селекция ишларида фойдаланиш тавсия этилади.

И.ЭГАМОВ,

катта илмий ходим қ.х.ф.н.

М.МЕЛИБОВ, М.ҚОДИРОВА,

кичик илмий ходимлар ДДЭИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Х.Н.Атабоева. Донли экинларнинг биологияси ва етиштириш технологияси. Тошкент 2009. 44-54-бетлар.
2. Ю.В.Перуанский. А.И.Абугалиева. В.Н.Савин. Методы биохимической оценки коллекционного и селекционного материала. Алматы. 1996 г. 181 стр.

КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА УРУҒЛИК СИФАТИ

The main factor is the optimization experiments seeding rates and fertilizer use in creating a scientific basis for intensive seed varieties of winter wheat in irrigated fields, obtaining high-quality crop seeds using cultivation calculating the best technology on the basis of biological properties.

Кузги юмшоқ буғдойнинг суғориладиган ерларда етиштириладиган интенсив навлари уруғчилигининг илмий асосларини яратишда навларнинг биологик хусусиятларига мос етиштириш технологиясини қўллаб, мўл, сифатли уруғ ҳосилини етиштиришда экиш ва ўғитларни қўллаш меъёрларини оптималлаштириш тажрибамизнинг мақсадидир.

Дала тажрибалари 2015—2016 йиллар мобайнида Самарқанд вилояти Жомбой тумани "Фарбома селек" илмий уруғчилик фермер хўжалиги тажриба даласида олиб борилди.

Тажриба даласининг тупроғи ўтлоқ-бўз тупроқ, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 3—5 метр, ҳай-

тябрда, уруғларнинг экиш меъёрлари 3,0, 4,5, 6,0 млн. унувчан уруғ/га, ўғитлар меъёрлари NPK 1, 0,75, 0,5 нисбатда ҳар хил агрофонлар кўришида қўлланилди.

1. Назорат (ўғитсиз).
2. Паст агрофон — N120 P90 K60.
3. Ўртача агрофон — N150 P113 K75.
4. Ўртачадан юқори агрофон — N180 P135 K90.
5. Юқори агрофон — N210 P158 K105.

Фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик меъёри ерни ҳайдаш олдидан солинди. Азотли ўғит ўсимликнинг туплаш ва найчалаш фазаларида иккига бўлиниб берилди.

Ҳар ўғитлашдан кейин 700—800 м³

пасайишига олиб келди. 6,0 млн. унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри N210 P158 K105 кг/га қўлланилган вариантда ҳосил 67,3 ц/га ёки назорат (ўғитсиз) га нисбатан ўғит ҳисобидан 35,2 ц/га ошди. 6,0 млн. унувчан уруғ/га, N180 P135 K90 кг/га қўлланилган вариантда ҳосил 72,0 ц/га ёки назорат (ўғитсиз) га нисбатан ўғит ҳисобидан 39,9 ц/га, экиш меъёридан 5,3 ц/га ошишига эришилди. Бу шуни кўрсатмоқдаки, экиш ва ўғит меъёрининг ошиб бориши натижасида кўчат сонининг кўпайиши, ўсимликлар поясининг баланд ва нимжон бўлиши оқибатида буғдойпоянинг қисман ётиб қолиши ва касалланиш даражаси ортди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тажрибамизда ўрганилган вариантлар ичида Зарафшон воҳаси шароитида суғориладиган ерларда кузги буғдойнинг интенсив типдаги Краснодарская-99 нави учун юқори ҳосил ва сифатли уруғ олишда, экиш ва ўғит меъёрини тўғри қўллаш орқали ҳосилдорликнинг 15—20% га ошиши ва уруғлик сифатининг юқори бўлиши аниқланди. 4, 5 ва 6,0 млн. унувчан уруғ N210 P158 K105 қўлланилган вариантда ўсимликлар бўйининг баланд бўлиши, ўсимлик пояларининг ингичка бўлиши натижасида ўсимликларнинг ётиб қолиши кузатилди, 1000 та дон вазнининг кам бўлиши, бунинг натижасида ҳосилнинг пасайиши кузатилди.

Тажрибамиз натижасида Краснодарская-99 нави учун экиш меъёри 4, 5 млн. унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри N180 P135 K90 кг/га қўлланилган вариантда ўрганилган бошқа вариантларга нисбатан ҳосилдорлик ва уруғлик сифатининг юқори бўлиши билан бир қаторда, галлачиликда юқори иқтисодий рентабелликка эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, СамҚХИ мустақил изланувчиси,

Ф.ТОШКЕНБОВА, магистрант,

М.ЭШБЕКОВА, талаба.

Экиш меъёри млн/унувчан уруғ/га	Ўғит меъёри кг/га агрофонлар NPK 1: 0,75; 0,5 нисбатда	Ўртача ҳосил ц/га	Қўшимча ҳосил ц/га	
			Экиш меъёридан	Ўғит меъёридан
3,0	1. Назорат (ўғитсиз)	28,6	-	-
	2. N120 P90 K60	56,4	-	27,8
	3. N150 P113 K75 st	63,3	-	34,7
	4. N180 P135 K90	66,7	-	38,1
	5. N210 P158 K105	67,4	-	38,8
4,5	1. Назорат (ўғитсиз)	31,9	3,3	-
	2. N120 P90 K60	63,2	6,8	31,9
	3. N150 P113 K75 st	71,5	8,2	39,6
	4. N180 P135 K90	75,0	8,3	43,1
	5. N210 P158 K105	72,2	4,8	40,3
6,0	1. Назорат (ўғитсиз)	32,1	3,5	-
	2. N120 P90 K60	64,8	8,4	32,1
	3. N150 P113 K75 st	70,4	7,1	38,3
	4. N180 P135 K90	72,0	5,3	39,9
	5. N210 P158 K105	67,3	-	35,2

далма 0—30 см. қатламда, гумус миқдори 1,2—1,3% ни, умумий азот 0,10—0,14%, умумий фосфор 0,20—0,27%, умумий калий 2,0—2,2% ни ташкил этади.

Тажрибада ўрганилган интенсив типдаги кузги "Краснодарская-99" ва "Жасмина" навларидир.

Тажрибада ўрганилган вариантлар 4 қайтариқли, ҳисобга олинандиган майдон юзаси 50 м². Тажриба бир ярусда ўтказилди. Ўтмишдошлар — сабзавот экинлари.

Экишдан 15—16 кун олдин уруғларни қийғос ундириб олиш мақсадида 1000—1200 м³/га нам тўплайдиган суғориш ўтказилди. Экиш 15 ок-

тябрда суғориш ўтказилди.

Тажриба натижалари шуни кўрсатмоқдаки, экиш меъёри 4,5 млн. унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри соф ҳолда N180 P135 K90 кг/га қўлланилган пайкалчаларда энг юқори ҳосил 75,0 ц/га ёки назорат (ўғитсиз) га нисбатан ўғит ҳисобидан 41,1 ц/га, экиш меъёридан 8,3 ц/га қўшимча ҳосил олинди. Энг паст ҳосил 3,0 млн унувчан уруғ/га ва ўғит меъёри N120 P135 K90 кг/га қўлланилганда 56,4 ц/га ёки назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан ўғит ҳисобидан 27,8 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Тажриба натижаларига кўра, экиш ва ўғит меъёрини ошириш ҳосилнинг

АДАБИЁТЛАР

1. Сатторов М. Халимов И. Уруғ ва ўғит меъёри. // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали, 2006, №4, 18-бет.
2. Тожиев М., Хужманов О. Кузги буғдой ҳосилдорлигининг уруғ экиш меъёрлари ва ўғитлар миқдорига боғлиқлиги. // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журнали, 1998, №3, 26—28-бетлар.

АНОР — ШИФОБАХШ МЕВА

About bringing up pomegranate tree technology and useful peculiarity of fruit pomegranate was told in this article.

Анор—қимбатбахо субтропик ўсимликлардан бири. Ўзбекистонда анор бошқа мевали дарахтлар ичида 5—7 фоиз майдонни эгаллайди, бу эса аҳолининг анорга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Шу сабабли кам харажат қилган ҳолда кўп миқдорда анор кўчати етиштириш ва анорзорлар барпо этиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда анорнинг қирққа яқин навлари бор. Улар орасидан сифати жиҳатидан жаҳон стандарт анорларидан қолишмайдиган навлар кўплаб топилади.

Анор учинчи йилдан бошлаб ҳосилга кира бошлайди. Ҳар тупдан олинадиган ўртача ҳосил 20—30 кг. га етади. Анор жуда узок, яъни 200 (300) йилгача умр кўриши мумкин. Ўзбекистоннинг барча туманларида анор қиш олдидан кўмилади. Бунда бир йиллик ёғочланиб пишган новдаларнинг ўрта қисмидан 20-25 см. ли қаламчалар тай-

ёрланиб, навлари белгиланган ҳолда, 80-100 та дан дасталаниб, махсус тайёрлаб кўйилган ўраларга кўмилади.

Анорнинг "Қозоқанор", "Аччиқдона", "Десертний", "Қизиланор" сингари навларини экиб мўл ҳосил олиш мумкин. Анорнинг эски шохлари ҳар 10—15 йилда қирқиб ташланади ва ёшартириб борилади.

Яхши ишлов берилмаган далаларда уруғчи қисқагуллар кўпроқ бўлади. Лекин уруғчи гуллар кўпроқ бўлмайди. Улар барча гулларнинг 5,0—11,5 фоизини ташкил қилади. Бир дона анор вазни 150—200 граммдан 1—1,2 кг. гача бўлади. Ўсиш даври 180—225 кун, гуллаши 50—75 кун, мевасининг ўсиш ва етилиши 120—160 кун давом этади. Анор май ойининг охири, июн ойининг биринчи ярмида ёппасига гуллайди. Меваси узиб олингандан кейин тўлиқ пишди, мева таркибидаги кис-



лоталар камаяди. Анор меваси ўз вақтида узиб олинмаса, ёрилиб кетади. Совуқ 10—15 градусга тушганда анорнинг ер усти органлари кучли зарарланади. Совуқ 18—20 градусга тушганда, унинг ер усти органлари илдиш бўйинчасигача совуқдан зарарланади. Қишда анор тупроққа кўмилиб, март ойининг бошидан бошлаб очилади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, муҳим аҳамиятга эга бўлган анорни Ўзбекистон ва унинг жанубий вилоятларида кўпайтиришимиз ва анорзорлар барпо этсак ҳар томонлама фойдали бўлади.

Н.ТЎХТАМУРОВА,
Тош ДАУ магистранти.

АДАБИЁТЛАР

1. Т.Юсупов "Анорни яшил қаламчадан кўпайтириш". Т.: УзНИИТИ, 1981, б 3.
2. Усмонов А. У. Ёввойи мева дарахтлари. Т.: "Ўзбекистон". 1979. - с 29.

ХИМИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ОСЕННЕГО ЛИСТА ШЕЛКОВИЦЫ В УСЛОВИЯХ КАРШИНСКОЙ СТЕПИ

While defining the nutritiousness of leaves of hybrid mulberry which growing in salty soil condition also studied chemical composition of leaves in conducted experiments of rearing silk worm.

При повторной эксплуатации средней 1/3 части длины побега, лист, который использовался для выкормки шелкопряда также брался для химического анализа. Многочисленными исследованиями показано, что содержание влаги в листьях шелковицы непостоянно и уменьшается по мере их созревания и старения. В условиях жаркого климата и засоления почвы лист шелковицы быстрее грубеет, в чем можно убедиться обратившись к данным таблицы. Как и при весенней срезке ветвей, осенний лист отличается по содержанию влаги. Изучаемые гибриды в осенний период содержали влаги в пределах 60,3-66,2%, что значительно меньше, чем в весенний. Наиболее богаты водой оказались листья контрольного гибрида. Гибрид "Катлама" х "Пионерский", наоборот, имел влаги мень-

ше, чем все остальные гибриды. Прочие гибриды занимали промежуточное положение. Количество сахара у всех гибридов было выше оптимального значения. Содержание общего азота в листьях всех гибридов не соответствует потребностям шелкопряда. И варьировалось в пределах 2,12-2,48% что, несколько ниже нормы в осенний период, а у гибрида "Катлама" х "САНИИШ-14" его было всего 1,4%, что и сказалось на результате выкормки: урожай коконов в этом варианте был самый низкий.

Следует отметить высокую засоленность осенних листьев — 17,2 — 19,26% Вместе с засоленностью увеличивалась и жесткость листьев, что демонстрируется коэффициентом твердости.

Таким образом, содержание важных для шелкопряда минеральных солей уменьшается при одновременном увеличении балластных веществ. Также к завершению периода выкормки листья обедняются и белковыми веществами.

Содержание питательных и зольных элементов в осенних листьях шелковицы (среднее за два года)

Гибриды шелковицы	Общая влага, %	В абсолютно сухом веществе, %				
		Сахара	Общий азот	Сырой протеин	Сырая зола	Коэффициент твердости
"Катлама" х "Пионерский"	60,3	10,04	2,48	15,52	18,63	10,81
"Зимостойкий" х "Пионерский"	64,0	9,72	2,12	13,27	17,2	8,62
"Карши-1" х "Пионерский"	61,4	9,51	2,39	14,01	19,26	10,65
"Катлама" х "САНИИШ-14"	62,0	9,06	1,4	8,73	17,90	9,70
"САНИИШ-15" х "Пионерский" (контроль)	66,2	8,55	2,26	14,12	18,93	8,57

Н.РАЖАБОВ,
ассистент,

Н.ТУРГУНБАЕВА,
студентка, ТашГАУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Рахмонбердиев В. Продуктивность гибридной шелковицы при осенней эксплуатации в условиях Каршинской степи // Ж.Шелк. - Ташкент, 1984. - № 1.
3. Содыков Р. Потребность семян шелковицы в минеральном питании в условиях Каршинской степи // Ж. Шелк. - Ташкент, 1977. - № 2.

КУЗГИ БУҒДОЙДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ АНҒИЗГА ЭКИЛГАН МАККАЖЎХОРИНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Applying mineral fertilizers on winter wheat as a main crop, corn in stubble after winter wheat the same rates of N180P120K90 kg / ha-1 and winter wheat rates of N240P160K120 kg / ha-1, corn with rates of N120P80K60 kg / ha-1 had an positive impact on growth and development of corn.

Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири чорвачиликдир. Инсониятнинг нуфуси ортиб бориши чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришни талаб қилади. Бунинг асосий йўли чорва ҳайвонлар сонини кўпайтириш, уларнинг зотини яхшилаш ва айниқса, мустақам озуқа базасини яратишдан иборат. Маълумки, чорва ҳайвонларининг тўйимли озиқага бўлган талаби табиий яйловлардан, ем-хашак экинларидан ҳамда такрорий экинлардан тайёрланган озуқалар билан қондирилади.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини яратишда мамлакатимизда маккажўхори экинига тенг келадиган экин йўқ. У асосий экин сифатида экилганда бир гектар майдондан 80 ц. гача дон, 400 ц. дан ортиқ пичан ҳосили олиш мумкин. Такрорий экин сифатида экилганда эса, 55 ц. гача дон ва 300 ц. дан ортиқ пичан ҳосили олиш тўғрисида кўплаб илмий адабиётларда баён қилинган. Ҳозирги вақтда республикамизда ҳар йили 1 млн. гектардан ортиқ суғориладиган ерларга кузги буғдой экилмоқда. Ундан сўнг бўшаган майдонларнинг бир қисмида эса такрорий экин сифатида маккажўхори етиштирилмоқда. Биз кузги буғдойдан бўшаган майдонлардаги минерал ўғитлар меъёрларининг такрорий экин бўлган маккажўхорининг ўсиш ва ривожланишига таъсирини ўрганиш мақсадида тажриба ўтказдик.

Тажриба собиқ ЎЗПИТИ Марказий тажриба хўжалигида Тошкент

вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойда N0P0K0 (ўғитсиз) ва минерал ўғитларни қуйидаги меъёрларда; N120P90K 60; N180P120K 90 кг ва N240P160K 120 кг/га қўлланилган майдонларда ўтказилди. Ушбу яратилган кузги буғдойнинг ҳар бир фонига маккажўхорини 3 та яъни N0P0K0, N120P80K 60 кг, N180P120K 90 кг/га минерал ўғитлар меъёрлари қўлланилди, жами маккажўхорида 12 та вариант ва 3 та такрорланишда тадқиқот олиб борилди. Тажриба "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (2007) қўлланмалари асосида ўтказилди.

Изланишларда кузги буғдойдан сўнг экилган маккажўхори экинининг ўсиши ва ривожланишини унинг 4-5 барг чиқарган, мевалаш ва амал даври охирида фенологик кузатувлар олиб бордик.

Тадқиқот натижаларига кўра, кузги буғдойга ўғит қўлланилмаган (N0P0K0) вариант майдонида маккажўхорининг 4-5 барг даврида умуман ўғит (N0P0K0) қўлланилмаган вариантдаги ўсимлик бўйи 6,8 см. ни, барглари сони 1,1 донани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичлар N120P80K 60 кг/га қўлланилган вариантда 10,4 см ва 1,2 донани, N180P120K 90 кг/га қўлланилган вариантда эса 11,7 см ва 1,5 донани ташкил этди.

Маккажўхорининг амал даври охирига келиб, минерал ўғит қўлланилмаган вариантдаги ўсимликнинг бўйи 51,7 см. ни ташкил этиб, сўталар сони йўқлигини олин-

ган маълумотлар тасдиқлаган бўлса, ушбу кўрсаткичлар маъдан ўғитлар меъёри гектарига N120P80K 60 кг қўлланилган вариантда 129,6 см. ва сўталар сони 0,9 донани, N180P120K90 кг/га қўлланилган вариантда эса 136,8 см. ва 1,1 донани ташкил этди.

Лекин, маккажўхорининг ўсиб ривожланиши бўйича олинган энг яхши натижалар тажрибанин 9 ва 11 вариантларида кузатилиб, тажриба вариантларига мутаносиб равишда ўсимлик бўйи 167,1 ва 165,5 см. ни сўталар сони эса ҳар икки вариантда ҳам 1,7 ва 1,8 донани ташкил этди.

Демак, олинган маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, такрорий экин сифатида экилган маккажўхори экинининг яхши ўсиб ривожланиши учун кузги буғдойнинг минерал ўғитлар меъёри N180P120K 90 кг/га қўлланилиб, маккажўхорида ҳам шундай меъёрни қўллаш ҳамда кузги буғдой минерал ўғитлари юқори бўлганда, яъни N240P160K 120 кг/га маккажўхорининг ўғитлар меъёри N120P80K 60 кг/га қўлланилганда унинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Л.МИРЗАЕВ,

Д.ҒОҒУРОВ,

катта илмий ходим-изланувчилар;

Д.ҲАЙДАРОВА,

мустақил изланувчи

ПСУЕАИТИ


АДАБИЁТЛАР

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Тошкент, 2007. - б 147.
2. Турсунов С., Тешабоев Н., Акбаров С ва бошқалар. Бир даладан бир йилда икки марта ҳосил олиш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2013, - № 6, - б 28.
3. Методика Госсортиспытания сельскохозяйственных культур. - М.: Колос, 1964. - с 184.

ФАЛЛАГА КЎП ЗАРАР КЕЛТИРАДИГАН БОШОҚЛИ БЕГОНА ЎТЛАР ТУРЛАРИ, МИҚДОРЛАРИ ВА ЗАРАРЛАШ ДАРАЖАСИ

The Agricultural production at present disposes the significant assortment a herbicide for fight with weed under возделыванию agricultural cultures. However, as of research work, as well as production experience shows that constant and broadly scale using the chemical facilities of the narrow spectrum of the action brings about sharp increase firm weed to constantly applicable herbicide.

Бегона ўтлар уруғларининг униб чиқиш қобилияти юқори ва маданий экинларга нисбатан тез ривожланади. Ривожланган бегона ўтлар тупроқдаги намлик ва озуқага шериқ бўлади ҳамда асосий экинга кўланка бериб, уни сиқиб қўяди.



Бундан ташқари ариқ бўйидаги, йўл ва дала четларидаги бегона ўтлар қишлоқ хўжалик экинлари зараркуналари ва касалликларининг қишлаши, кўпайиши ва ривожланиши учун асосий манба ҳисобланади.

Бегона ўтлар йилдан-йилга кенг тарқалиб маданий ўсимликларнинг ҳосилдорлигига жиддий зарар келтирмоқда. Фаллазорларда 10 фоиз,

учун қулай ҳисобланади. Бундай ҳолатда тупроқларда чиринди ва азот миқдори кам бўлса ҳам уларда микробиологик жараёнлар жуда жадал ўтиб, ўсимликлар осон ўзлаштириши мумкин бўлган маъданли моддаларнинг ҳаракатчан шакллари ҳосил қилади. Тажриба майдонидаги ерларда тарқалган ўтлоқи бўз тупроқлар ҳам кузги бугдойдан мўл ҳосил етиштириш учун жуда қулай.

Олабута, Эшакшўра, Юлдузўт, Қўйтикан, Пахта-тикан, Ёввойи гултожихўроз, Дала қандаласи, Ёввойи сули, Қўйпечак, Итузум, сариқ пахтастикон

ва бошқа бегона ўтлар суғориладиган бугдойзорларда кўп учрайди. Маданий дала экинларига нисбатан бегона ўтлар маҳаллий шароитга, яхши мослашган бўлиб сув, озика моддалар, ёруликни яхши ўзлаштиради. Бегона ўтлар билан ифлосланган фаллазорда дон ҳосили ва сифати кескин пасаяди, ҳосилни ўриб янчиб олиш қийинлашади ва дон ҳосилини гектаридан 5-15 ц/га камайишига олиб келади.

Бугдойнинг тупланиш даврида, бир йиллик бошоқли бегона ўтлар тур миқдорлари ва уларнинг зарарланиш даражаси, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани ерларида (2014-2016йй).

№	БЕГОНА ЎТЛАРИНИНГ НОМЛАРИ			Зарарлан даражаси, баллар
	Ўзбек тилида	Латин тилида	Учрани, 1 кв.мда	
Бир йилликлар				
1	Курмак	<i>Echinochloa crus-galli L.</i>	4,4	2
2	Қўноқ ўт	<i>Setaria glauca L.</i>	4,1	4
3	Ёввойи сули	<i>Avena fatua L.</i>	8,9	4
4	Ёввойи арпа	<i>Hordeum murinum L.</i>	5,4	3
5	Райграс	<i>Lolium multiflorum L.</i>	4,3	2
6	Тулки қўйруқ	<i>Alopecurus myosuroides Hids</i>	4,5	2
Жами:			38	19
Ўртачаси:			5,4	4,8

дон дуккакли экинларда 13,4 фоиз, гўзада 7,5 фоиз, картошкада 6 фоизга, сабзавот экинларида 10,8 фоиз ҳосил камайишига олиб келаётир.

Республикамизнинг суғориладиган ерларида кенг тарқалган ўтлоқи бўз тупроқлар майин, дондор, бегона ўтлар билан ифлосланмаган бўлса, кузги бугдой ўсиб, ривожланиши ва ҳосилдор бўлиши

кетеди. Ваҳоланки, 1 гектар бугдойзордан 16 ц дон ва 24 ц сомон етиштирилганда, бугдой гектаридан 45 кг азот, 21 кг фосфор ва 30 кг калийни ўзлаштириб кетади. Ёввойи гултожихўроз, шўра, шамак ва бошқа бегона ўтлар 1 м² майдонда 50 дон атрофида бўлса, 1 гектаридан ўртача 30-70 кг азот, 10-15 кг фосфор, 50-70 кг калий ўзлаштиради.

Озика элементларининг бу миқдори 15-17 ц/га дон шакллантириш учун етарлидир. Суғорилганда ерларда маъданли ўғитларнинг самардорлигини, фойдаланиш коэффицентини 30-40% бегона ўтлар камайтирмоқда.

Бугдойдаги бегона ўтларнинг систематикаси бўйича гуруҳлари:

- юқори ярусли, бўйи бугдойдан баланд бўлади (шўра, гўмай, қамиш, бўзтикон, янтоқ, какра ва бошқалар).

- ўрта ярусли, бўйи бугдой билан бир хил бўлади (олабута, лолақизгалдоқ, курмак ва бошқалар).

- пастки ярусли, бўйи бугдойдан паст бўлади (қизил тасма, ит қўноқ, кўк ит қўноқ, бўри тароқ, ажриқ ва бошқалар).

Тажрибаларда ҳар йили тўрт мартадан бегона ўтларнинг тур ва миқдорлари аниқлаб борилди. Бугдойнинг тупланиш даврида, бир йиллик бошоқли бегона ўтлар сони: курмак-(*Echinochloa crus-galli L.*)-4,4, қўноқ ўт-(*Setaria glauca L.*)-4,1, ёввойи сули-(*Avena fatua L.*)-8,9, ёввойи арпа-(*Hordeum murinum L.*)-5,4, райграс-(*Lolium multiflorum L.*)-4,3, Тулки қўйруқ-(*Alopecurus myosuroides Hids*)-4,5, жами 38, ўртача 5,4 донани ташкил этди. Бегона ўт босиши даражаси ўртача бўлса-да, ёввойи сули билан кучли ифлосланган (1-жадвал).

Шуни инобатга олган ҳолда бегона ўтларга қарши курашишда механик, агротехник, биологик ва бошқа тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказиш билан бир вақтда кимёвий воситалар, айниқса, гербицидлардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда кузги бугдойнинг туплаш даврида бир йиллик ва икки паллали ҳамда фалласимон бегона ўтларга қарши курашишда Республика Давлат Регистрга киритилган гербицидлардан кенг қўламда қўлланилиб, самарали ҳамда юқори ҳосилдорликка эришилиб келинмоқда.

С.САИДОВ, ТошДАУ КИХИ.

Н.ТУРДИЕВА, ЎзЎХҚИТИ. к.х.ф.д.

АДАБИЁТЛАР

1. Набиев М. Ботаника атлас —луғат. «Фан» нашриёти, Тошкент., 1969. 254 б.
2. Пратов У.П., Одилов Ўзбекистон юксак ўсимликлари оилаларининг замонавий тизими ва ўзбекча номлари. (Методик тавсия). Тошкент., 1995. 39 б.

СОЯНИНГ “ТОШКЕНТ” НАВИ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

In researching, it was studied the influence of period and planting measure on biometrical indications of sorts “Parvoz”, “Nafis” and “Tashkent” in comparison with other types of soya.

Мамлакатимизда аҳоли сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу жараёнда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фалла экинлари салмоғида дуккакли дон экинлари, жумладан, соянинг алоҳида ўрни бор. Соя оқсилга бойлиги ва тупроқнинг соф азот элементи билан бойитиши, табиатдаги эркин азотни ўзлаштирувчи бўлганлиги сабабли деҳқончиликда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, соя донида оқсилнинг кўплиги жиҳатидан бугдой донидан 2,5, маккажўхори донидан эса 3,5 баробар юқори туради. Соя ёруғлик, иссиқ-

Соя технологиясини асослаб берган атоқли олим В.Б.Енкен таъкидлашича, соя навлари ҳосилдорлигини белгиловчи омиллардан бири — экиш меъёри ҳисобланади.

Олиб борилган тажрибаларда Киевская-48 туп сони кам бўлганда навида ҳосилдорлик ҳам камайиб борди. Амурская-41 навида ҳам экиш меъёрининг камайиши ҳосилдорликнинг гектар ҳисобига паст бўлишига олиб келди.

Деҳқончиликда унинг ўсиши ва ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган омиллардан бири экиш меъёри ёки гектарда ўсимликнинг туп сони ҳисобланади. Туп

ба олиб борилаётган майдонлардаги агротехник тадбирлар 1998 йилда собиқ ЎзШТИТИ олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Изланишлар “Ўзбекистонда дуккакли дон экинлари етиштириш бўйича” тавсиялар асосида олиб борилди.

Тажрибада соянинг “Тошкент” навини белгиланган муддатларда (1, 10, 20 май) ва экиш меъёри гектарига (45, 55, 65 кг.) ҳисобига уруғ экилди. Тадқиқот натижасида экиш меъёри ва экиш муддатларининг таъсири соянинг “Тошкент” навининг биометрик кўрсаткичларига таъсир қилди. Соянинг пишиш даврида биометрик таҳлиллар ўтказилиб, кўрсаткичлар аниқланди.

Ташқи муҳит омилларини ҳисобга олиб, шунингдек, агротехник тадбирлар қўллаш натижасида соянинг ҳосилдорлигини белгиловчи қисмлар: ўсимлик бўйи, пастки дуккак жойлашиши, бир ўсимликдаги дуккак сони ва 1000 та дон оғирлиги сезиларли даражада ўзгариши кузатилди. Нав тавсифида 1000 та дон вазни доннинг ўлчамлари, тўла пишганлигини кўрсатди. Экиш муддати (1, 10, 20 май) ва экиш меъёри гектарига 55 кг. экилган назорат “Нафис ва Парвоз” навиға нисбатан “Тошкент” навининг 1000 та дон вазни ортиқ бўлганлиги аниқланди. Соянинг экиш меъёри уруғнинг йириклигига ва навининг тезпишарлигига қараб белгиланади. Соядан мўл ва сифатли ҳосил олиш кўп жиҳатдан уруғни ўз вақтида муқобил муддатларда экиш ва сифатли уруғликдан фойдаланишга боғлиқ.

Г.ШАДИЕВА,

катта илмий ходим, изланувчи ТШДДАИТС;

Ю.САИМНАЗАРОВ,

биология фанлари номзоди, Академик М.Мирзаев номли БУ ва ВИТИ.

№	Нав номи	Экин муддати	Экин меъёри	Усув дари кун	Ўсимлик бўйи (см)	Пастки дуккак жойлашиши (см)	Соя		Вазин (гр) 1000 та дон оғирлиги
							Шоҳ	Бир ўсимликдаги дуккак сони	
1	“Парвоз”	01.05.2016	45кг	124	148.6	13.3	2.2	81.6	172
			55кг	124	151.0	15.6	2.2	85.6	177
			65кг	124	143.9	21.5	1.9	87.9	184.2
2	“Тошкент”		45кг	126	150.8	16.4	4.7	161.9	180
			55кг	126	135.7	15.9	2.6	153.1	178.3
			65кг	126	161.5	18.1	2.6	101.6	185.6
3	“Нафис”		45кг	124	128.1	15.6	2.1	88.7	166.8
			55кг	124	144.7	17.1	1.6	83.5	165.8
			65кг	124	137.4	17.7	1.6	87	163.3
1	“Парвоз”	10.05.2016	45кг	121	152.6	15.6	2	89.5	180.1
			55кг	121	153.1	15.4	2.0	90.9	175.8
			65кг	121	155.1	15.3	1.9	95.5	189.1
2	“Тошкент”		45кг	123	139.7	14.7	5.1	148.5	176.3
			55кг	123	139.3	12.9	5.4	221.9	180.3
			65кг	123	152.8	14.1	4.7	196.9	173
3	“Нафис”		45кг	121	140.0	6.6	1.9	84.5	172.6
			55кг	121	138.6	16.7	1.9	91.2	172.1
			65кг	121	139.1	14.0	1.9	94.4	143
1	“Парвоз”	20.05.2016	45кг	115	150.5	19.1	1.5	86.6	174.9
			55кг	115	141.6	17.2	1.5	74.1	184.2
			65кг	115	144.6	16.6	1.1	70.6	181.8
2	“Тошкент”		45кг	117	138.8	16.0	2.2	98.9	174.6
			55кг	117	140.7	17.0	2.9	87	189.1
			65кг	117	138.5	17.5	2.5	102.5	153.2
3	“Нафис”		45кг	115	137.1	16.4	2.6	108.2	174.4
			55кг	115	137.2	13	2.6	105.2	171.7
			65кг	115	130.1	12.8	2.6	97	176

лик ва намликни севадиган жуда қадимий ўсимлик.

Сояни экишдан аввал албатта дала ишларини тўғри олиб бориш даркор. Унинг экиш меъёри ошгани сари туганак бактериялари ошиб боради. Бу эса ўз навбатида ҳосилдорликнинг ошишига ҳам таъсир этади. Соя ўсимлигида ҳосилдорликни белгиловчи асосий омил унинг биометрик кўрсаткичидир.

сонининг кўп ёки кам бўлиши натижасида ўсимлик бўйининг баландлиги, барг сони, ён шоҳлари ва бошқалар ўзгариб боради.

Тошкент шולי, дон ва дуккакли экинлар илмий текшириш станциясида соянинг истиқболли ўртапишар “Тошкент” нави бўйича илмий-тадқиқот олиб борилмоқда. Унинг муқобил экиш муддатлари ва экиш меъёрлари бўйича тажри-

АДАБИЁТЛАР

1. Грибанов А.Н., Захаров В.Я. Структура урожайности сортов сои при разных нормах высева и способов посева в условиях северной лесостепи ЦЧР / Селекция и агротехнология сортов сои северного экотипа: Сб.науч.практ.-конф. – Воронеж, ФГОУ ВПО “Воронежский ГАУ” им. К.Д.Глинки, 2006. – с.114-115.

2. Ёрматова Д.Ё. Тупроқ унумдорлигини оширишда соя ўсимлигининг ўрни // Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган: Ёш олимларнинг халқаро илмий конференцияси тезислар тўплами - Хива, 2006.- 232-233 б.

3. Енкен В.Б. Соя.-Москва: Сельхозгиз, 1959. – 622 с.

ШАРОББОП НАВЛАР УЗУМБОШЛАРИНИНГ МЕХАНИК ТАРКИБИ

In this article, there were haunt the mechanic structure of vine-grape sorts which delivered from abroad and created in our Republic, selected the most juicy and big grape sorts.

Узумчилик - мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири. Республиканинг қулай тупроқ-иқлим шароити узумнинг хўраки, сифатли майизбоп ва хилма-хил шароббоп навларини етиштириб, мўл ҳосил олиш имконини беради.

Яқин келажакда давлатимиз тоқзорлар майдонини кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига барча турдаги узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш режалаштирилмоқда. Маданий навларимизнинг сифати юқори бўлишига қарамай, айримларида камчиликлар мавжуд, уларни бартараф этиш, четдан келтирилган навларнинг механик таркибини ўрганиб, энг яхшилари танилаш ва барча минтақалар бўйлаб районлаштириш, ҳосилдорлик ва маҳсулот сифатини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири.

Мазкур вазифани ҳал этишнинг усулларида бири узумнинг шароббоп навлари механик таркибини ўрганиш ҳамда уларни етиштириш

агротехикасини такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз жараёнида шароббоп навларнинг узумбошлари, эти, шингили, уруғи аналитик тарозиди ўлчаниб, фоизда ҳисобланди, узум бошининг ўлчами эса чизғичда ўлчанди ва умум қабул қилинган услублар бўйича ҳисобланди.

Шароббоп узум навлари узумбошларининг механик таркиби ўрганилганда олинган натижалар барча навларнинг бир-бирига нисбатан катта фарқ қилмаганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, узумбошларнинг энг кичиги Матраса ва Первомайский навларида мос равишда 150-170 г. бўлса, энг йирик узум боши Кумшатский навида 520 г. ни ташкил қилди. Қолган барча навларда 250-440 г атрофида бўлди.

Узум бошининг асосий оғирлигини шарбат ва эт қисми ташкил этади. Бинобарин, энг юқори шарбат чиқиши Кумшатский навида 67,2% ва Кабирни савинион навла-

рида 61,5% ни ташкил этган бўлса, энг кам шарбат чиқиши Рекорд ва Первомайский навларида 46,3-47,0% бўлиши аниқланди. Бирмунча камроқ шарбат чиқиши (50,5-54,6%) тўртта намунада қайд этилди (жадвал).

Таъкидлаш жоизки, ушбу ўрганилган навларда эт миқдори энг паст қайд этилган навларда шарбат миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич бўлганлиги кузатилди. Эт миқдорининг энг паст бўлиши Кумшатский, Адесси ва Кабирни савинион навларида 24,8-26,1 ва 28,4% оралиғида бўлди. Барча навларда эт миқдори ўртача 36,2% ни ташкил қилди. Қолган барча навларда эт миқдори бир-бирига мос равишда 32% дан 42,2% гача бўлганлиги кузатилди.

Ўрганилган навлар узум бошлари таркибидаги уруғи бир-бирига мос равишда 2,4% ни ташкил қилди. Бунда Первомайский нави узум боши энг кичик бўлишига қарамадан таркибидаги уруғ миқдори энг юқори (4,1%) бўлиши аниқланди. Уруғнинг энг кам бўлиши Эфенди навида 1,3% бўлди.

Хулоса ўрида айтиш жоизки, тадқиқот натижаларида Кабирни савинион ва Кумшатский навлари шарбат чиқиши энг юқорилиги билан (61,5-67,2%) бошқа навлардан ажралиб турди.

А. МАЛИКОВ,

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти катта илмий-ҳодим-изланувчиси.

Шароббоп навлар узумбошларининг механик таркиби

Навлар	Узум боши		Узум боши оғирлигининг таркиби, %				
	оғирлиги, г	ўлчами, см	шингил	эти	пўсти	шарбати	уруғи
Саперави (st)	350	25Ч17	2,4	42,2	2,9	50,5	2,0
Кабирни савинион	440	24,5Ч15	3,1	28,7	5,1	61,5	1,6
Рекорд	450	23Ч16	2,6	45,1	4,6	46,3	1,4
Серемский зелёный	430	18,5Ч14	2,5	32,0	5,7	58,1	1,7
Алиготе	450	30Ч17	2,4	42,2	2,9	50,5	2,0
Адесси	410	18Ч13	3,4	26,1	5,3	62,9	2,3
Эфенди	370	15Ч11	2,0	40,6	3,7	52,4	1,3
Гармус	250	22Ч14	1,5	38,0	2,7	54,6	3,2
Кумшатский	520	27Ч15	3,8	22,8	2,8	67,2	3,4
Матраса	150	14Ч8	3,4	41,4	4,7	47,3	3,2
Первомайский	170	17Ч12	5,1	39,9	3,9	47,0	4,1

АДАБИЁТЛАР

1. Грамотенко П.М. Мускат фрунзенский. Ампеология СССР. Отечественные сорта винограда. - Москва, 1984.- С. 156
2. Джавакянц Ю., Горбач В. Виноград Узбекистана. - Т.: Шарқ, 2001.- 142 бет.
3. Мирзаев М.М., ва бошқалар. Сорта винограда Узбекистана. - Т.: Узбекистан, 1974.- 89 бет.
4. Темуров Ш. Узумчилик. - Т.: ЎЗМЭ, 2002.- 95 бет.

ОЛМА МЕВАХЎРИГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН КУРАШ ТИЗИМИ

Боғдорчилик Республикамининг қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича эришилган муайян ютуқларга қарамай, маҳсулот етиштиришда зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар таъсиридан бир қанча тўсиқларга дуч келинмоқда.

Маълумотларга кўра, зарарли организмлар таъсирида мевалар ялли ҳосилининг камайиши ўсимликларни ҳимоя қилишнинг мавжуд технологияларида 25-30% ни ташкил этади. Олма мевахўрига қарши кураш чоралари қўлланилмаган ҳолларда 80% гача ҳосилни йўқотиш, қолган зарарланмаган меваларнинг сифатини эса тўла йўқотиш мумкин.

Олма мевахўри - *Laspeyresia (Cydia) pomonella* L. У олма, нок, беҳи, шафтоли ва бошқа мевали дарахтларнинг доимий зараркунандаси ҳисобланади. Олма мевахўрининг қуртлари меваларни зарарлайди, кемириб озиқланади ва излар ҳосил қилган ҳолда унинг ичида яшайди. Қуртлар мева тўқималари ва тузилмасини бузиши оқибатида мевабанд заифлашади, натижада қуртлаган меваларнинг катта қисми тўкилиб кетади.

Шунинг учун ҳам асосий тадқиқотлар олма мевахўри устида олиб

борилмоқда, тажриба ва кузатувлар энтомологияда қабул қилинган услублар асосида бажарилди (Яхонтов, 1953; Муродов, 1986). Зараркунандаларнинг зичлиги услубий кўрсатмалар (Хўжаев, 2004). Лаборатория ва дала тажрибаларида биологик самарадорлик назоратга нисбатан Аббот (Abbot, 1925) формуласига мувофиқ аниқланди.

Олма мевахўрига қарши тизимли кураш чоралари ўз вақтида ўтказилмаса, эртаги олма навларида - 30%, ёзги ўртаги навларда 40-50%, кечки нисбатан қимматли навларда - 80% гача зарарланади. Бунда боғлардан олинмаган фойда қарийб ярмига ва ундан ортиққа қисқаради (Балыкина ва б., 2003; Юсупов, 2011).

Мавсумда олма мевахўри Тошкент вилоятининг Кибрай туманида учта авлод бериб ривожланади. Мевахўр кулранг бўш пиллада диапаузадаги қуртлик даврида қишлайди.

Мевахўрнинг капалаклари фақатгина кун ботишга 2-3 соат қолганда, ҳавонинг ҳарорати +16°C дан паст бўлмаган, шунингдек шамол ва ёмғир бўлмаганда учайди, урчийди ва тухум қўяди. Капалаклар асосан дарахт шох-шаббасининг юқори қисмига ва барг ва меваларнинг силлиқ юзасига биттадан тухумларини қўйиб чиқади. Битта урғочи капалак иқлим шароитлари ва

мевали экин турига боғлиқ равишда 30 дан 200 донагача тухум қўйиши мумкин. Капалакларнинг учиши ва тухум қўйиши бир ойдан ортиқ давом этади.

Шундай қилиб, ўртача ҳосилдорлик боғларда олма мевахўрининг зарарлилиги сезиларли бўлиши мумкин, 80-100 та мевадан 2 таси зарарланганида ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Олма мевахўридан ҳимояланган дарахтларда пишган мевалар орасида зарарланганлари 9,3-12,2%, назоратда эса 59,3-72,2% ни ташкил этди. Ҳимояланган дарахтларда ҳосилнинг чиқиши 85,3-90,7%, назоратда эса 25,1-32,2% атрофида бўлди; бунда терилган мевалар орасида зарарланганлари 2-2,4%, назоратда эса 41,7-27,8% ни ташкил этди. Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, олма мевахўрига қарши 4 марта ишлов бериш харажатлари 2-2,5 марта қоплаши мумкин.

Инсектицидлардан юқоридаги препаратлар ишлатилди. Олма мевахўрига қарши 4 марта ишлов берилганида барча синалган инсектицидлар олма мевахўрига қарши қўлланилганида самарадорлик юқори бўлди (жадвал).

Олма мевахўри юқори зарарлаш хусусиятига эга бўлган ва барча жойда учрайдиган зараркунанда ҳисобланади. Унинг зарарлилиги 100 та мевадан биттаси зарарланганида сезилади. Бунда гектаридан ҳосил йўқо-тилиши 220-250 кг ни ташкил этади. Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, 4 марта ишлов бериш натижасида харажатлар 2,5 баробар қопланади.

Қуйидаги инсектицидлар олма мевахўрига қарши курашда юқори самара берди: Каратэ (0,05%), Дельтафос (0,15%), Конфидор (0,03%)+Омай (0,15%)+Байлетон (0,05%), БИ 58 янги (0,2%).

О.ХУЖАЕВ,

Ўсимликлар карантини илмий маркази раҳбари к/х.ф.н.

Д.ОБИДЖАНОВ,
илмий ходим к/х.ф.н.

Инсектицид ишлов бериш йўли билан олма мевахўридан олмани ҳимоя қилишнинг самарадорлиги. Тошкент вил. Кибрай тумани, 2015 й.

Тажриба варианты	1 та дарахтдаги жами мевалар, дона	Зарарланиб тўкилган мевалар миқдори, %	1 та дарахтдан терилган мевалар, дона	Шундан мевахўрдан зарарлангани, %	Теримбон мевачиқини, %	Терилган мевалар ичида мевахўрдан зарарлангани, %
<i>Голден нави</i>						
4 марта инсектоакрицид + 1 марта фунгицид билан ишлов бериш *)	1221	52,2	821,1	12,2	80,1	1,5
Назорат (ишлов берилмаган)	1254	68,2	301,2	67,1	30,1	21,4

*) - ишлов бериш ўтказилди: 1-20.05 - Каратэ (0,05%) 2-23.06 - Дельтафос (0,15%);

3 - 10.07 - Конфидор (0,03%)+Омай (0,15%)+Байлетон (0,05%);

4 - 8.08 - БИ 58 янги (0,2%).

АДАБИЁТЛАР

1. Кимсанбаев Х.Х., Юсупов А.Х., Атамухамедов Д. Видовой состав вредителей яблоневых садов Ташкентской области // Ж. Вестник аграрной науки Узбекистана. - Ташкент, 2002а. - №2. (8). - С. 32-34.

2. Юсупов А.Х. Фенология развития яблонной плодожорки в Ташкентском оазисе // Ж. Агро Илм. - Ташкент, 2008в. - №3. - С. 13.

3. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари. - Тошкент: Наврўз, 2014. - 541 б.

ТЕНДЕНЦИИ И ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОТРЕБЛЕНИЯ ПРОДУКТОВ ПИТАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

This paper considers qualitative changes occurred in foodstuff consumption including main factors influence on consumption and have been given proposals on consumption regulation.

Потребление товаров и услуг является важнейшей составляющей уровня благосостояния населения. С потреблением непосредственно связаны устойчивость экономического роста, сбалансированность спроса и предложения на потребительском рынке и др. В условиях нестабильности на внешнем рынке стимулирование внутреннего потребительского спроса выступает одним из основных определяющих факторов роста валового внутреннего продукта страны.

Уменьшение доли расходов на продукты питания сопровождается с количественным и качественным ростом в их потреблении. В Узбекистане по сравнению с 90-ми солидно увеличилось потребление основных продуктов питания.

Сложившееся фактическое потребление почти по всем основным видам продуктов питания превышает физиологические нормы. Намного выше нормы у нас потребляют углеводсодержащие: хлеб и хлебобулочные изделия. В среднем население потребляет хлеб почти в 3 раза выше рекомендуемых Минздравом норм.

Тем не менее, потребление молочных продуктов и яиц пока не соответствует нормам. Занимаемое этими продуктами место в рационе почти в 1,5 раза ниже установленных норм. По этим показателям можно взять некоторые ориентиры для рационализации структуры фактического потребления.

	2015г. в % к 1990г.	2015г. в % к 2000г.	2015г. в % к 2010г.
Хлеб и хлебобулочные изделия	101,8	103,6	108,1
Мясо и мясные продукты	137,1	125,0	111,8
Молочные продукты	135,5	153,1	103,8
Яйца (штук)	2,2 р.	4,6 р.	155,8
Овощи (включая бахчевые)	2,6 р.	2,2 р.	118,1
Картофель	189,7	152,8	122,2
Масло растительное и др. жиры	183,3	183,3	169,2
Сахар	2,3 р.	175,0	164,7
Фрукты (включая виноград)	6,2 р.	3,4 р.	171,1

С учетом минимального и фактического уровня потребления мяса, а также рекомендаций ВОЗ, рациональную норму потребления мяса в Узбекистане в перспективе может составить 50-55 кг в год на душу населения.

Социально значимый набор продуктов (хлеб, рис, молоко, яйца, картофель, сахар, мясо, масло растительное, яблоки) играет важную роль в обеспечении сбалансированности спро-

са и предложения на потребительском рынке, а также в обеспечении социальной стабильности. Этот набор продуктов занимает более трети потребляемых продовольственных товаров, формирует предложения со стороны сельского хозяйства, а потребительские цены выступают основными факторами при формировании покупательной способности реальных доходов (заработной платы) населения.

В настоящее время усилились тенденции нерациональной структуры потребления и производства, особенно в промышленно развитых странах. Хотя в некоторых странах мира существует весьма высокий уровень потребления, основные потребительские потребности значительной части человечества не удовлетворяются. Для изменения структур потребления в сторону устойчивого развития потребуются комплексная стратегия, направленная на удовлетворение основных потребностей и повышение качества жизни наряду с переориентацией потребительского спроса на рациональное производство товаров и услуг.

Доля расходов на основные продукты питания наряду с объемами ВВП на душу населения является одним из главных индикаторов благосостояния населения. Данный показатель рассчитывается как доля совокупных расходов домохозяйств на продукты питания в общем объеме расходов домохозяйств в экономике.

Необходимо формирование государственной политики в области рационального питания, включающей пропаганду здорового питания с помощью средств массовой информации, распространение культуры разумного потребления как важного элемента здорового образа жизни.

В целях целенаправленного регулирования потребления населением продуктов питания:

- целесообразно разработать стратегию питания, предусматривающую последовательное приближение к рациональному уровню по объему, составу и энергетической ценности, содержанию йода, железа и витаминов. При этом необходимо учесть традиции и потребительские предпочтения местного населения, природно-климатические условия, достигнутые стандарты потребления в зарубежных странах;
- нужно шире пропагандировать необходимость рационального уровня соблюдения требований по составу и энергетической ценности продуктов питания;
- снижение социального расслоения в потреблении, связанного с демографической нагрузкой, разными уровнями доходов и социально-экономического развития территорий;
- совершенствование целевой и адресной поддержки наименее обеспеченных групп населения за счет предоставления льгот и преференций в части потребления основных видов продуктов питания.

В целях целенаправленного регулирования потребления населением продуктов питания, а также товаров и услуг, необходимо разработать рациональный потребительский бюджет. Данный инструмент может быть использован для реализации мер, направленных на формирование широких слоев среднего класса. При этом основой населения со средним уровнем доходов должны стать работники бюджетного сектора экономики, что является непременным условием как дальнейшего экономического развития так и благосостояния населения в стране. Величина и структура рационального потребительского бюджета может послужить целевым ориентиром формирования потребительского спроса на перспективу, развития производства товаров и услуг, последовательного повышения доходов, заработной платы и пенсии, проведения активной адресной социальной политики.

Б. ТАГАЕВ,
к.э.н.,

Ж. ДОЛИЕВ,

стар. научн. сотр.,

Институт социальных исследований
при КМ РУз

АГРАР СОҲАДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Agriculture plays a great role in economics of Uzbekistan. All the social-economic and political issues' solution, efficient activation of new reforms mostly depend on the achievement in agricultural sphere. The achievements in agriculture form through the development of sciences. One of the important terms for the scientific development of agriculture is operative accepting of information. As the XXI century is the century of information technologies, it did not pass by the agriculture.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тадбиркорларнинг таъминотчилар, етказиб берувчилар, харидорлар ва бозор инфраструктурасининг бошқа субъектлари билан ҳамкорлиги ортиб бормоқда. Бундай ҳамкорликларни самарали ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорларининг рақобатбардошлигини оширишда замонавий ахборот технологиялари ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Негаки, ҳар бир тадбиркор учун ўзининг бизнес лойиҳаларини муваффақиятли бажарилишини чет элдаги ҳамкасблари тажрибалари билан солиштириш, халқаро бозор янгиликларидан бохабар бўлишда айнан ахборот технологиялари ва телекоммуникациялардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Бинобарин, молиявий-иқтисодий ахборотлар қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида мақбул қарорлар қабул қилиш учун асосий манба сифатида қўлланилмоқда. Иқтисодийнинг глобаллашуви, аграр соҳадаги ахборот ресурсларнинг жадал равишда янгилиниб, тўлдирилиб бориши қишлоқ хўжалик корхоналари учун янги фаолият шакли бўлган электрон ахборот, бизнес ва электрон тижорат тушунчаларидан доимий фойдаланиш имкониятларини беради.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигида телекоммуникация ва ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши қуйидаги ташкилий босқичларни талаб этади:

тармоқлари билан таъминланиши ҳамда бизнес жараёнларини ташкил этиши;

Шунингдек, ахборот индустриясининг имкониятларини чорвачилик амалиётига жорий этиш ва самарали натижаларга эришиш учун тизимли ва амалий дастурчилар, иқтисодий жараёнларини моделлаштирувчи мутахассислар, зоотехниклар, агрономлар ва тадбиркорларнинг ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муҳити ҳам зарур.

Ушбу зарурият рўёбга чиқарилгандагина, озиқ-овқат таъминотида, хусусан, арзон, харидоргир гўшт-сут маҳсулотлари етказиб беришда ижобий натижаларга эришилади. Бунинг натижасида эса, мамлакат аҳолисининг истеъмол даражасини оширибгина қолмай, ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўзаро боғлиқ тарзда ўсишига эришилади.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги бизнес жараёнларини самарали ташкил этиш фақат замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимини жорий этиш даражасидагина мумкинлиги миллий ва халқаро амалиётда намён бўлмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация воситалари жумласига кўчма алоқалар, масофадан ўқитиш, видеоконференция, мультимедия, Internet, электрон почта ва аграр соҳадаги сайтларда жойлаштирилган электрон каталог ва электрон кутубхоналарни киритиш мумкин.

Айниқса, телекоммуникацияга муҳтож шахслар, ташкилот, муассасалар учун кўпинча телефон орқали тўғридан-тўғри алоқага нисбатан Internet инфраструктурасидаги электрон кутубхоналардан фойдаланиш анчагина арзон тушади. Айниқса, чет элларда филиаллари мавжуд бўлган фирмалар учун қулайдир, чунки Internet нинг конфиденциал ноёб алоқалари бутун дунё бўйича катта имкониятларга эга.

Ахборот сайтлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадбиркорларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш, жаҳон ахборот тизимига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан кенгроқ фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратди.

М. ҚҮРБОНОВА,

ТДАУ АРМ директори,


Д. МУСТАФОҚУЛОВ,

Ўсимлиқшунослик кафедраси ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов У.Ф., Раҳматуллаев М.А. Корпоратив кутубхона-ахборот тизимлари ва тармоқлари. (Монография). Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. -Т: 2008.-168 б.

2. Раҳматуллаев М.А. Электрон кутубхона тармоқларида илмий-таълимий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари. Тўплам.-Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2011.-110 б.



Ҳар бир деҳқон, фермер хўжалиги ёки бирор қишлоқ хўжалик корхонаси ўзининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиши учун ахборот ва телекоммуникация воситаларига, яъни телефон тармоғига, замонавий компьютерлар ва бошқа воситаларга эга бўлиши ёки улардан эркин фойдаланиш имкониятидан баҳраманд бўлиш;

Агросаноат мажмуи корхоналари электрон молиявий-иқтисодий ахборот ресурслари базаси билан бир қаторда агротехнологик, агрокимёвий, механизациялаштириш, зоотехния, ветеринария, синоптик ва бошқа маълумотларни мужассам этувчи ахборот банки барпо этилган сайтлардан мунтазам фойдаланишни йўлга қўйиш (www.agriculture.uz, www.agrowebcee.net.awuz).

Қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир тадбиркорлик субъекти минтақалараро глобал ҳамкорликни таъминловчи интернет

КАМТАРИН ВА ФИДОЙИ ДАВЛАТ АРБОБИ

Жорий йилнинг 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда Шароф Рашидов ҳаёти ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятини матбуотда кенг ёритиш вазифаси ҳам белгиланган. Мухбиримиз кўп йиллар давомида Ш.Рашидов билан елкама-елка меҳнат қилган, жумладан, Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари бўлган, Республика Давлат сув хўжалиги қўмитасининг раиси лавозимида ишлаган фидойи чўлқувар Тўхтамиш Боймировдан бу улуг инсон ҳақидаги хотираларидан сўзлаб беришни сўради.

— Шароф Рашидов ўзининг юксак ақл-идроки, камтарлиги, юқори маданияти ва иқтидори билан ҳаммамизга ўрнак эди. У киши қайси бир йирик лойиҳа устида иш бошламасин доимо охирига етказарди, натижада одамлар ўз меҳнатлари меваларидан баҳраманд бўлардилар. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари — рус ва украин, қozoқ ва қирғиз, грузин ва арман уни ота, ака сифатида ҳурмат билан тилга олади. Чунки Ш.Рашидов республикамизда яшаётган барча миллатларнинг обрўсини юксак даражага кўтарди ҳамда улар тинч-тотув яшашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бера олди.

Жиззах вилояти биринчи раҳбари бўлиб ишлаган давримда Ш.Рашидовнинг мулоҳазаси кенг, қувваи ҳофизаси теран инсон эканлигини ёрқинроқ сездим. Қуйида шундай воқеаларнинг айримларига тўхталиб ўтаман.

Бир куни кечга томон қўнғироқ қилиб, вилоятда бадийий ҳаваскорликни ривожлантириш мақсадида кўрик-танлов эълон қилганимиз, ғолибларга совринлар белгилаганимиз учун мени мақтади. Телефон гўшагини жойига кўяр эканман, кўнглим ғашланди. Сабаби бу маълумотни ҳали ҳатто марказий аппаратдаги ўз мутасадди ходимимизга ҳам айтиб улгурмаган эдик. Кейинчалик билсам Шароф ака бу маълумотни “Жиззах ҳақиқати” — “Джизакская правда” газеталаридан ўқиб билган экан. Газетанинг ўша кунги сонидида кўрик-танлов шартлари ҳамда энг яхши бадийий ҳаваскорлик жамоасининг сурати босилган эди. Ушанда Ш.Рашидов республика бўйича шунча масала ва му-

аммоларни ҳал этиш баробарида вилоят газетаси билан ҳам танишиш учун вақт топа олганлиги мени лол қолдирди.

Шароф Рашидович барча вилоятлар каби Жиззах вилоятининг ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратарди. Арнасой туманида 240 ўринли касалхона қури-



Суратда: (ўнгдан) Ш. Рашидов, Т. Боймиров...

лиши шундай мисоллардан бири бўла олади.

Ушбу масала юзасидан мен ўша даврдаги республика режалаштириш қўмитасига, соғлиқни сақлаш вазирлигига бир неча марта мурожаат қилган эдим. Бироқ бу масала ўз ечимини топмади. Арнасой туман аҳолиси эса қийналиб Дўстлик ва Мирзачўл туманидаги касалхоналарга қатнар эдилар.

Кунлардан бир кун менда бу ишни катта имкониятга эга бўлган “Главсредазирсовхозстрой” бошлиғи, дўстим Нажим Ҳамроев орқали ҳал этиш гоёси пайдо бўлди. Албатта, у бунга қатъий қаршилик кўрсатиши муқаррар эди.

Бир куни Шароф Рашидович вилоятга ташрифи чоғида ўзлари билан Нажим дўстимни ҳам олиб келдилар. Учовлашиб биргаликда кўриқ ерли туманларни айландик ва тушлик қилиш учун Арнасой туманига йўл олдик. Овқатланаётган пайтимизда Шароф Рашидович хушмуомалалик билан Н.Ҳамроевга ушбу туманда 240 ўринли касалхона қуриш зарурлиги ҳақида айтди. Кейин унга қараб, “ушбу қурилишни “Главсредазирсовхозстрой” ўз зиммасига олса тўғри бўлар эди”, дея гапини тугатди.

Мен ўйлаганимдек, Н.Ҳамроев одоб билан масала ечимидан қочишга ҳаракат қилди ва бунга турли далилларни келтира бошлади. Шароф Рашидович уни ўзига хос вазминлик билан тинглар экан, сукут сақлар ва овқат ейишда давом этарди. Н.Ҳамроев гапини тугатгач, Шароф ака барчамиз уни ҳурмат

қилишимизни, унга эҳтиромимиз баландлигини, “Главсредазирсовхозстрой” учун чўлқуварларга бундай “мухтасаргина” объектни қуриш катта қийинчилик туғдирмаслигини айтди. Кейин самимият билан туман биринчи раҳбари Манзур Нишонович ва Нажим Ҳамроевга бир-бирларини қўлларини сиқиб қўйишни таклиф қилди. Туман раҳбари масала ҳал бўлганидан хурсанд бўлиб, Н.Ҳамроевни қўлини сиқиб баробарида, уни кучоғига ҳам босиб қўйди.

Тушликдан сўнг хайрлашар эканмиз, Н.Ҳамроев менга қараб “Бугунги тушлик менга бир неча миллион сўмга тушди-ку”, дея ҳазиллашди. Ўз ишига ўта масъулиятли бўлган Н.Ҳамроев ваъдасининг устидан чиқди ва Арнасой туманидаги 240 ўринли касалхона белгиланган муддатда фойдаланишга топширилди.

Мен юқорида келтирган мисоллар ватанпарвар, ўз халқи равнақи ва юрти гуллаб-яшнаши учун куийб-ёнган улуг инсон фаолиятдан кичик мисоллар, холос. Шароф Рашидович бутун умри давомида шундай эзгу мақсадлар билан яшади. Шунинг учун ҳам унинг порлоқ номини халқимиз чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан эслайди ва тилга олади.

Маҳмуд ТОИРОВ
эзиб олди.

ОЛИМ ЁҚҚАН ЧИРОҚ ЎЧМАЙДИ

У қанчалар ватанпарвар бўлса, юртпарвар бўлса, шунчалар дўстпарвар, инсонпарвар ҳам эди. Бир кўришган, суҳбатлашган ё даврада ўтирган инсон тезда у кишининг қадрдонига айланарди. Доимо хушчақчақ, шодон бўлгани боис кўпчилик унга “бир қоп ёнғоқ”, деб таъриф берарди. Зеро, у доим яхши одамлар билан яқин бўлишга интиларди. У дўстнинг қайғусига шерик бўлар, яхши-ёмон кунларда ёнида туриб, қўлаб-қувватларди.



Гап марҳум селекционер олим Ҳикмат Неъматов ҳақида бораяпти. Ҳикмат ака 1937 йили Бухоро туманининг Бешкаппа қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Барча қишлоқ болалари каби қўй-қўзи боқиб вояга етди. Далада деҳқончилик ишларида ота-онасининг яқин ёрдамчиси бўлди. 1961 йилда Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини ва 1981 йилда эса Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетини сирдан битирди. 1961 йилда ўрта мактабда физика-математика фани ўқитувчиси, орадан бир йил ўтгач, билим маскани илмий бўлим мудирини ва 1963 йилдан янги ташкил этилган ўрта мактабда директор вазифаларида фаолият кўрсатди.

Албатта, ўқитувчилик, ёшларга таълим-тарбия бериш яхши касб. Лекин Ҳикмат Неъматовни қишлоқ хўжалиги кўпроқ қизиқтирарди, энг беғубор дамлари ўтган бепоён далалар уни ўзига тортарди. Шу боис 1978 йилда Бухоро туманидаги Ипакчилик давлат хўжалигида агроном бўлиб ишлаш бошлади. Бир йилдан кейин эса Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг Бухоро пахта нав синаш давлат тажриба участкаси раҳбари бўлди. Ўн икки йил шу лавозимда самарали меҳнат қилди. 1990 йилдан 2004 йилгача Бухоро вилояти Ғўза уруғчилиги бирлашмаси раиси вазифасида ва 2004 йилдан то умрининг охиригача вилоятда уруғчилик масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатди.

Олим умри давомида Бухоро вилоятининг барча ҳудудларини пиёда айланиб чиқди, десак хато бўлмайди. Чунки, янги навлар яратиш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай ўқиб-ўрганиш, излаш, дала айланиш талаб этилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, узоқ йиллар мобайнида Ҳикмат Неъматов тажриба далаларида А.Батталов яратган ғўзанинг "Бухоро-6" нави синовларини шахсан ўзи ўтказиб, ушбу навнинг

бошқа навларга нисбатан сифат кўрсаткичлари юқори эканлигини тажрибаларда исботлади. Натижада мазкур нав Бухоро вилояти шароитида вилт касаллигига ва табиатнинг гармсел-иссиқ ҳаво оқимининг зарарли оқибатларига чидамли эканлиги исботланди. Шундай қилиб, "Бухоро-6" Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари учун районлаштирилди. Умуман олганда, Ҳикмат Неъматов ғўзанинг "Бухоро" навларининг яратилишига ва уларнинг кенг майдонларда экилишига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда ғўзанинг ушбу навлари мамлакатимизнинг 350 минг гектардан кўпроқ майдонларида экилмоқда.

Фаолиятининг 40 йилини уруғчиликка бағишлаган машҳур селекционер олим Ҳикмат Неъматов ғўзанинг "Бухоро-8" ва "Бухоро-9" навларининг ҳаммуаллифи сифатида ҳам тарихда қолди.

"Cotton Outlook" журнали дунё пахта бозорига "Бухоро" ғўза навлари сифатининг устунлигини қайд этаркан, унинг замирида машҳур селекционер Аухат Батталов ва уруғчи олим Ҳикмат Неъматовнинг катта хизматлари борлигини алоҳида қайд этган эди. Шу далилнинг ўзиёқ Ҳикмат аканинг халқаро миқёсда ҳам тан олинганлигининг исботидир.

Маълумки, салкам 20 йиллар мобайнида Бухоро вилоятига уруғлик чигитлар Қашқадарё, Хоразм, Фарғона водийси вилоятлари ва Тошкентдан ташиб келтирилди. Ҳикмат ака ўша анъанага чек қўйишга катта ҳисса қўшган олим, ташкилотчи сифатида ҳам тилга олинади.

Илгари ҳар бир гектар ерга 120 килограмм уруғлик чигит сарф этиларди. Бу эса катта куч ва маблағ талаб қиларди. Ҳикмат Неъматов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан хориждан замонавий сеялка ва бошқа техникалар келтирилди. Натижада Бухоро вилоятида республикада биринчи бўлиб ҳар гектар ерга экиладиган уруғлик сарфини 25-30 килограммга қисқартиришга эришилди.

Олим, шунингдек, Краснодар ўлкасидан янги бугдой навлари уруғлари келтирилишига ҳам бошқош бўлди. Оқибатда дон ҳосилдорлиги 2-3 марта ошди. Энг муҳими, вилоятда юқори сифатли уруғлик бугдой етиштирилиб, Андижондан уруғлик бугдой ташиб келтиришга чек қўйилди. Ҳисоб-китобларга қараганда, уруғликнинг Бухорода етиштирилишининг ўзидан вилоят хазинаси ҳар йили 273 миллион сўм соф фойда кўрган.

Олим қишлоқ хўжалигида модернизацияни тўлиқ жорий этиш мавзуси бўйича ҳам илмий фаолият олиб борди. Унинг 100 га яқин илмий мақолалари республика матбуотида эълон қилинган. Шунингдек, у "Уруғчилик", "Пахтачилик", "Дончилик", "Уруғчиликнинг илмий асослари" китобларини ёзди, "Селекция ва уруғчилик" энциклопедиясининг 1-ва 2-томларини нашрдан чиқарди. Ҳикмат Неъматовнинг "Ўзбекистонда пахтачиликнинг муваффақиятлари" деб номланган китоби эса ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди. Бу китобда ўзбек пахта толасининг сифат кўрсаткичлари юқори эканлиги илмий жиҳатдан исботланган.

Олимнинг сўнги китоби "Ўзбекистонда ғўзани суғориш синоатлари" деб номланган эди. Бу китоб чиққандан сўнг олти ой ўтмай Ҳикмат ака дунёни тарк этди. У 80 ёшни қоралаётган эди. Олимдан юқориде айтганимиздек, кўплаб илмий китоблар, ғўза навлари, қобил фарзандлар, не-вара, чеваралар, унинг ишини давом этитирадиган истеъдодли шогирдлар қолди. Демак, Ҳикмат Неъматовнинг номи, у ёққан чироқ ўчмайди.

М.КОМИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабон журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ
Аброр ВАХАБОВ
Тўлқин САФАРОВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Низомиддин БАКИРОВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Содиқжон ТУРДИЕВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Яшин ХИДИРОВ
Сурат ҲАЙДАРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Тошгемир ОСТОНАҚУЛОВ
Шермат НУРМАТОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Норкул ХУШМАТОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ
Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№7. Июль

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташкilotлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Н.ОМОНКУЛОВА. Давлат герби муқаддасдир	1
Қ.ТЎРАКУЛОВ. Омборлар донга тулмоқда	2
Сув ресурслари беҳисоб эмас	3
Б.ЭСОНОВ. Пахтачиликка оид қомусий қўлланма	4
М.ҲАСАНОВ, М.АВЛИЕКУЛОВ, М.ЗИЯТОВ. Чилла суви — тилла суви	5
Б.БИНАЕВ. Хайрли ташаббусларга қанот берди	6
М.ТОШБОЛТАЕВ. Ғўзани машинабон қилиб парваришlash	7
Р. НАЗАРОВ. Ғўзани чилпиш — муҳим тадбир	8
Р.АБДУЛЛАЕВ, Н.ДЖАЛИЛОВ. Мева ва узум маҳсулотларини қуриштириш ва сақлаш	9
Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ, А.ХУДОЕВОВ. Интенсив боғлар учун универсал агрегат	11
Тукинлик остонаси	12
Б.ТОШНАЗАРОВ. Томорқа маданияти	13
Рўзғордаги ёзги юмушлар	14
Б.АЗИМОВ. Сарсабил (спаржа)нинг биз билмаган жиҳатлари	17
Х.КАРИМОВ. Ҳамкорлик самараси	18
М.БЕРДИАЛИЕВ. Дориломон кунлар нашидаси	19
Барақа аҳил оиладан бошланади	19
Бешболаликларнинг муносиб вакили	20
Ш.СОДИҚОВА. Далаларда қайнайди ҳаёт	21
Савол беринг, жавоб берамиз	22
М.МИРЗАЖОНОВ. Янги мавсумга жиддий тайёргарлик	23
Ш.ЖАББАРОВА. Матонат бор бу элда	24
М.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Шижоатдан яралган бахт	25
Соҳибкор Сабоҳон опа	26
К.ЭРҒАШЕВ. Бешариклик миришкор	27
С.ХАЙРУЛЛАЕВ. Илм ва амал уйғунлиги	28
Ф.МИРЗАЕВ. Таҳрибаларга таяниб	29
Фурқатлик "Қушча"нинг парвози	30
Тараққиётнинг бош омили	31
Тракторчининг аҳди	32
М.БОТИРОВ, Г.УСМОНХУЖАЕВА. Ғўза — ғалла навбатлаб экишда оралиқ муддатдаги беданинг ғўза ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири	33
Т.РАХИМОВ, Ш.НАМАЗОВ, И.АМОНТУРДИЕВ, Р.ЮЛДАШЕВА. Xanthomonas malvacearum касаллигига ғўза чигитидаги умумий ва (+) — госсипол микдорларининг таъсири	34
Ғ.УЗАҚОВ. Экиш усуллари, меъёр ва муддатларининг кузги буғдой ҳосил элементларига таъсири	35
И.ЭҒАМОВ, М.МЕЛИБОВЕВ, М.ҚОДИРОВА. Кузги арпа нав ва намуналарининг ҳосилдорлик ҳамда ётиб қолишга чидамлилиги	36
Ғ.ҒАЙБУЛЛАЕВ, Ф.ТОШКЕНБОЕВА, М.ЭШБЕКОВА. Кузги юмшоқ буғдой навлари ҳосилдорлиги ва уруғлик сифати	37
Н.ТУХТАМУРОДОВА. Анор — шифобахш мева	38
Н.РАЖАБОВ, Н.ТУРГУНБАЕВА. Химическая оценка осеннего листа шелковицы в условиях каршинской степи	38
Л.МИРЗАЕВ, Д.ҒОФУРОВ, Д.ҲАЙДАРОВА. Кузги буғдойда қўлланилган минерал ўғит меъёрларининг анғизга экилган маккажўхорининг ўсиши ва ривожланишига таъсири	39
С.САЙДОВ, Н.ТУРДИЕВА. Ғаллага кўп зарар келтирадиган бошқоқли бегона ўтлар турлари, микдорларива зарарлаш даражаси ...	40
Г.ШАДИЕВА, Ю.САИМНАЗАРОВ. Соянинг "Тошкент" нави биометрик кўрсаткичларига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири	41
А. МАЛИКОВ. Шароббон навлар узумбошларининг механик таркиби	42
О.ХУЖАЕВ, Д.ОБИДЖАНОВ. Олма мевахўрига қарши уйғунлашган кураш тизими	43
Б. ТАҒАЕВ, Ж. ДОЛИЕВ. Тенденции и особенности формирования потребления продуктов питания в республике Узбекистан	44
М. КУРБОНОВА, Д. МУСТАФОҚУЛОВ. Аграр соҳада замонавий ахборот ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш	45
М.ТОИРОВ. Камтарин ва фидойи давлат арбоби	46
М.КОМИЛОВ. Олим ёққан чироқ ўчмайди	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот
ва ахборот агентлигида 2007 йил
11 январда 0158-рақам билан
рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент
Шайхонтоҳур тумани,
А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 97 440 47 58,
+998 90 932 79 44.

www.qxjournal.uz
E-mail: qxjournal@qsxv.uz,
uzqx_journal@mail.ru

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2017 йил
27 июнь. Босишга руҳсат этилди:
2017 йил 28 июнь. Қоғоз бичими
60x84 1/8. Офсет усулида офсет
қоғозига чоп этилди. Шартли босма
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.
Буюртма №165 Нусхаси 4300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**